



**«РАДУГА» НАШРИЁТИНИНГ ТОШКЕНТ БУЛИМИ**  
**Т о ш к е н т — 1983**

# मीष्म साहनी भरीखे

लघु उपन्यास और कहानियां

БҲИШАМ САҲНИЙ  
**Даричалар**

ПОВЕСТЬ ВА ҲИКОЯЛАР

Саҳний, Бҳишам.

Даричалар: Повесть ва ҳикоялар / [Ҳиндий тилидан А. Иброҳимов тарж.].— Т.: Радуга, 1983.—160 б.

Сахни, Бҳишам. Окна отчего дома: Повесть и рассказы.

И(Ҳинд)

*На узбекском языке*

БХИШАМ САХНИ

ОКНА ОТЧЕГО ДОМА

Повесть и рассказы

Перевод сделан с языка хинди: Б. Сахни, «Окна отчего дома». Дели, 1967 г.

Ҳиндий тилидан АНСОРИДДИН ИБРОҲИМОВ таржимаси

Редактор *Р. Муҳаммаджонов*

Рассом *М. Кагаров*

Расмлар редактори *А. Лиғай*

Техн. редактор *Н. Сорочкина*

Корректор *Р. Ортиқова*

Теришга берилди 11.01.83. Босилга рухсат этилди 5.01.83. Формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Босмакхона қорози № 1. Кегли 10, шпэнсиз. Адабий гарнитура. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л. 8,40. Нашр. л. 8,49. Тиражи 30000  
Заказ № 4223. Баҳоси 95 т. Нашр. № 4.

«Радуга» нашриётининг Тошкент бўлими, Тошкент, 700129, Навоий кў. часи, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриятлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат Комитети, Тошкент «Матбуот» полиграфия ишхонаси чикариш бирлашмасининг Бош қорхонаси, 700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30.

Головное предприятие ТППО «Матбуот» Государственного комитета УзССР по делам издательства, полиграфии и книжной торговли. г. Ташкент, ул. Навои, 30.

Изготовлено на линии бесшвейного скрепления блоков типографии № 3 ТППО «Матбуот»

С 70303 № 295  
031 (01)—83 - без объявл.

© Ўзбек тилига таржима, расмлар, «Радуга» нашриётининг Тошкент бўлими, 1983 йил.

---

## ДАРИЧАЛАР

### ПОВЕСТЬ

Хотиранинг қоронғи тубида ётган узук-юлуқ ўтмиш манзаралари баъзи-баъзида қоғоз парчалари сингари у ёқ-бу ёққа учади. Улардан иккита-учтаси қўшилиб қолса, яхлит бир манзара ҳосил этади, зулмат бир оз тарқагандек бўлади. Лекин сал диққат билан қарасам, ҳалиги яхлит манзара бирдан хиралашиб, бутун маъноси ва аҳамиятини йўқота бошлайди, у яна парча-парча бўлиб, хотирот тубига чўкиб кетади. Унутилган ўтмиш парчаларини бирлаштиришга, уларга яхлит бир тус беришга интилувчи ташқи бирор куч борми ёки шуни қилаётган фақат менинг тасаввуримми? Ҳаёт оқимини бир маромга, бир қолипга солиб турувчи бирор нарса бормикин ёки шу ишни қилувчи ўзимизнинг тартиб ва изчилликка ташна тасаввуримизмикин?

Мен хаёлан ҳаётнинг баъзи бир даричаларини ўз қўлим билан очиб, ўтмишга қарайман.

Қулоғимга ҳар хил овозлар чалинади, катта-кичик соялар, тентиб юрган қора, оқ, қизил ранглар кўз ўнгимда намоён бўлади. Кундузги ёруғликда тараладиган овозлар шу ёруғликнинг ўзига сингиб, йўқ бўлиб кетади. Лекин кечқурунги ғира-шира ва тун қоронғусида пайдо бўлувчи овозлар дарров йўқ бўлиб кетмайди. Улар фазода учиб юраверади, деворларни ҳам тешиб ўтиб кетаверади. Хаёлимда ўша овозлар ҳозир ҳам ҳавода учиб, деворларни тешиб ўтиб мен томонга қараб келаётгандай бўлади.

Кечки ғира-шира, ҳовлининг бир чеккасида тандирда олов ловиллаб ёнмоқда. Ошхонанинг эшик олдидаги токчасида чироқ ёниб турибди. Учоқда олов гувиллаб ёняпти. Уйдагилардан кимдир токчадан чироқни

олиб, ошхонадан чиқди-да, ҳовлидан юриб кетди. Бирдан ёруғлик билан қоронғилик бир-бирига чирмашиб, ҳаракатга келди, деворларга узун-узун ваҳимали соялар туша бошлади. Ёруғлик ҳалиги одамнинг орқасидан судралиб узоқлашиб кетмоқда.

Назаримда қоронғи тушиши билан сон-саноқсиз жин-ажиналар томга ёпирилиб келгану, бурчак-бурчакдан, эшикларнинг орқасидан менга мўралаб турибди.

Уйимизнинг орқасидаги узун, ҳувиллаган тор кўчадан бировнинг «Ҳов атаганингни опчиқ!» деган товуши эшитилди. Ҳозир биронта эшик ғийқ этиб очилади. Ана очилди. Ҳалиги одам тўхтади. Атрофга бир зумгина сукунат чўмди. Кейин яна эшик ёпилиб, оёқ товушлари секин-аста узоқлаша бошлади. «Атаганингни опчиқ!» деган овоз бирпасдан кейин кўчанинг нариги бошидан эшитилди. Кейин атрофни яна жимжитлик босди. Ҳар куни қоронғи тушганда кимдир шундай деб бақириб келади. Бу одам кимикин ўзи? Кундуз кунлари бўйнига узун тўрва осиб юрадиган анави қизил соқолли, чўлоқ одам эмасмикин?

Узоқдан кўчадаги зулмат бағрини тилиб «Мана, ўтин келди!» деган чинқироқ овоз эшитилди. Ҳадемай кўчанинг нариги бошида катта қизил кўланка кўринди. Ана, лапанглаб мен томон келяпти. У нимаикин? Оловми, нима бало? Ана, борган сари яқинлашяпти. Ростдан ҳам оловмикин? Йўқ, олов эмас дарвешнинг қўлидаги асога боғланган қизил латта экан. Дарвеш қип-яланғоч, боши тап-тақир қилиб қирилган. Боши, елкалари ва иккала қўлига мой сурилган, ялтиллайдди. «Мана ўтин келди!» деб бақирди у яна. Мен кўрқиб кетиб, чорпояда<sup>1</sup> ёнимда ўтирган оймга ёпишиб олдим. Назаримда дарвеш асосини баланд кўтариб, ҳалиги қизил латтасини ҳилпиратиб тобора яқинлашиб келяпти...

Кўзим борган сари юмилиб кетяпти. Шифтдаги бир ғуж қора соя кенгайиб, катталашиб боряпти. Мен «Вой!», «Вуй!» дейишга тушаман. Соя яна асл ҳолига қайта бошлайди. Илгари тартибсиз қора чизиқлардан иборат бўлса, энди кичрайиб, бир қора нуқтага айланади, шифтдан пастга тушиб, уйнинг ичида айлана

---

<sup>1</sup> Ҳиндистонда чорпоя арқон ва ҳоказодан тўқилиб, суянчиқсиз бўлади. (Изоҳлар таржимонники).

бошлайди. Бирпасдан кейин у яна тепага чиқади-да, ваҳимали бўлиб кетади. Мен қўрқиб яна войвойлашга тушаман. Соя яна пастга тушиб, кичраяди-да, бутунлай ғойиб бўлади...

Ойим бошимни силаб туриб «Ие, бу иситмалаб қопти-ку» деди. Мен у ёнимга ўгирилиб олдим. Яна кўз ўнгимда дам ёруғлик, дам қора соялар ўйнай бошлади...

Мен қўлимни ойимнинг кўксига қўйдим.

— Мана мен ҳозир сенга Мўтийрамнинг хонишидан айтиб бераман,— деди ойим яна бошимни силаб. Кейин у юз-кўзимни силаганича ҳазин овозда бошлади:

Бу дунёдир бевафо  
Уқиб олинг, ёронлар,  
Ёр-дўст, қавм-қариндош  
Бир кун жўнаб кетурлар!<sup>1</sup>

Бу хониш менга жуда яхши таниш. Қачон ойим шуни айтса, кўз олдимда турли манзаралар пайдо бўлади. Мана ҳозир унинг иккинчи қисми бошланади-ю, уйимизнинг орқасидаги девор кўз ўнгимда намоён бўлади. Деворга бир қора қарга келиб қўнади. У бир зумгина қўниб туради-да, кейин пир этиб учиб, уйимизнинг тепасида айлана бошлайди. Мана ойим хонишнинг ўша жойини айтяпти:

Бу саробга ҳирс қўйманг,  
Мисоли бир қарғадир.  
Деворга қўниб бирпас  
Яна учиб кетадир.

Қарга учиб кетди. Ҳозир Мўтийрам кўринади. Бошига салла ўраган, калта, қоп-қора мўйлови бор. У ерга чордона қуриб ўтириб олади. Мана айтяпти:

Мўтийрам, ёдингда бўлсин,  
Бир кун кунинг битадир.

Ойим пешонамни силаб бир текис майин овозда давом этаяпти. Мана ҳозир қаердандир бир қоп-қора эчки пайдо бўлади-ю, бўйинини чўзиб туриб олади. Кейин орқамиздаги уйда сопол идиш сингандай бўлади:

---

<sup>1</sup> Шейрларни Р. Муҳаммаджонов таржима қилган.

Дин-имонни унутиб,  
Кўп кеккайиб юрасан.  
Яхши еб, яхши кийиб,  
Кўп шўхликлар қиласан.  
Ямраж<sup>1</sup> боққан эчкисан,  
Бир куни ем бўласан.  
Бу дунё бир товоқдир.  
Бир кун чил-чил синадир.

Ҳар олти-саккиз қатордан кейин калта қора мўй-ловли, салла ўраган Мўтийрам келиб, индамай рўпарага ўтириб олади:

Мўтийрам, ёдингда бўлсин,  
Бир кун кунинг битадир.

Шу ерга келганда кўча томондан қандайдир бир қўшиқ эшитилди-ю, хаёлим бутунлай ўша ёққа кетиб қолди. Овоз қўшнимиз Манўҳарларнинг томидан келяпти. Бу қўшиқ ойим айтаётган хонишдан тамоман бошқача. Бунда сув томчилари ялтиллаб кўринади, жажжи-жажжи қўнғироқчалар жиринглайди, Манўҳарнинг синглиси кийган оппоқ кўйлак ва унинг сочлари ярақлаб кўринади:

Гуллар билан келганмиз,  
келганмиз.  
Қиш-қировли кунларда,  
кунларда.

Манўҳарларнинг томида болалар билан қизлар ўйнаяпти. Манўҳарнинг учала синглиси бир-бирининг белидан ушлаб олиб, қўшиқ айтганича олдинга қараб кетяпти. Томнинг ярми тим қоронғи, ярмига ой нури тушиб турибди. Қизлар қўшиқ айтиб қоронғи томондан ёруғ томонга ўтяпти. Бу томонда эса ўғил болалар — Манўҳар, менинг акам Балдев, Сувраж учови бир қатор бўлиб турибди. Қизлар қўшиқ айтиб олдинга қараб келяпти, болалар эса секин-аста орқага тисланяпти.

Гуллар билан келганмиз,  
келганмиз.  
Қиш-қировли кунларда,  
кунларда.

---

<sup>1</sup> Ямраж — ўлим худоси.





Ҳозир нима бўлишини мен биламан. Энди ўғил болалар қўшиқ айтиб олдинга юради, қизлар эса аста-секин орқага тисарилади:

Биздан сизга ким керак?  
Ким керак?  
Қиш-қировли кунларда,  
кунларда.

Энди гал яна қизларга келади:

Сиздан бизга Балдев керак,  
Балдев керак.  
Қиш-қировли кунларда  
кунларда.

Қизлар кимни танлашини биламан. Ҳар куни бир хил бўлади. Улар фақат Балдевни танлайди. Бирдан менга алам қилиб кетди, ойимнинг оёғига бош қўйганимча орқага ўгирилиб олдим.

Ана, Балдев ўғил болалар қаторидан чиқиб, қизларга қўшилиб олди. Манўҳарнинг синглиси унинг белидан ушлаб олди. Буни кўриб менга баттар алам қилиб кетди.

Ўйин бўлаётган жойда бир чеккада Тулсий ҳам турибди. Манўҳарнинг синглиси хизматкор деб уни ҳеч ўйнатмайди. «Овозинг йўғон, ҳўкизнинг овозига ўхшайди» дейди у Тулсийга. Бу гапга қизлар хахолаб кулади. Манўҳарнинг ўша синглиси кичкина деб мени ҳам ўйинга қўшмайди. Соғ пайтларимда мен ҳам Тулсий билан бирга бир четда туриб, ўйинни томоша қиламан...

Мен бетоқат бўлиб, яна бошқа ёнимга ўгирилдим. Ойим ҳали ҳам пешонамни силаб бояги хонишни қилиб ўтирибди. Яна Мўтийрамнинг овози қулоғимга кира бошлади. Шу пайт бирдан зинадан дадамнинг оёқ товуши эшитилди. Дадам тепага ҳассасини қидириб чиқаётган бўлса керак. Худонинг берган куни кеч бўлди дегунча ҳассасини қидиришга тушади. Ҳозир ойимни жеркиб беради. Ойимнинг хонишини пастдан туриб эшитган бўлса керак. У бирдан ўдағайлаб кетди:

— Мен сенга минг марта айтдим, болаларга бунақа «ўлди-қолди»ларни айтмагин, деб! Лекин сенда қулоқ бўлсайкан. Сен ўз билганингдан қолмайсан.

— Шуни яхши кўрсам, нима қилай ахир?! Яхши кўрганганимни айтаман-да,— деди ойим секингина.

— Яхши кўрсанг, ўзинг айтавермайсанми? Бола-ларга эшиттириб нима қиласан?

— Мўтййрамнинг хониши-ку. Бунинг нима ёмон жойи бор?

— Ёмон жойи шуки, одамнинг руҳини туширади. Бола деганга хурсанд қиладиган яхши-яхши ашула-лардан айтиб бериш керак. Болага ведалардаги<sup>1</sup> мантрлардан ўқиб, қулоғига қуйиш керак. Сенинг би-либ олганинг шу таркидунё алланималар. Кечаси бу-лар болага ёмон таъсир қилади.

— Қўйсангиз-чи. Жуда нима таъсир қиларди! Парвардигор умрини берган бўлсин!

— Ҳа бўпти, бўпти. Сеники маъқул! Ҳассамни кўр-мадингми? Қаёққа кетдийкин?

Дадам ҳассасини қидириб нариги хонага кириб кетди.

— Бу шундай бебошвоқ уйки, қидирганинг билан ҳеч нарсани топиб бўлмайди!— ўша ердан дадам тўн-ғиллади.— Кимдан сўрасанг, «билмайман» дейди.

Ойим авайлаб бошимни ерга олиб қўйди. Шу ма-ҳал деворда осиглиқ соат занг уриб қолди. Санай бошладим: ўн марта. Ойим бирдан кулиб деди:

— Бу уйда ўзи ҳамма нарса тескари. Ҳали гузук-роқ қоронғи тушгани ҳам йўқ-ку, соат ўн марта занг урди.

Ойим кулса, мен яшнаб кетаман. Дунёдаги ҳамма нарса менга оддий, содда бўлиб туюла бошлайди. Ойим кулганда бутун гавдаси силкиниб-силкиниб ке-тади. Мен бошимни ойимнинг кўксига қўйиб олдим. Шундай қилсам, ҳеч нарсадан чўчимайман. Шу пайт айвон тарафдан дадамнинг овози эшитилди:

— Ҳў Тулсий! Ҳассамни кўрмадингми?

— Энди турай, ошхонадаги ишларимга қарай,— деди-да ойим залворзингина гавдасини тиклаб чор-поядан пастга тушди.

Пастдан акам Балдевинг ҳовлиққан овози эши-тилди:

— Ойи! Ҳў ойи! Мен кетяпман.

Уйнаб-ўйнаб, кўчадан энди келяпти-ю, яна «мен кетяпман» деб бақиради. Ойимни пастдан тополмай, бу ёққа чиқибди.

<sup>1</sup> Ведалар — ҳиндуларнинг тўрт муқаддас китоби; мантрлар эса шу китоблардаги оятлар, дуолар.

— Ойи! Биз гурукулга <sup>1</sup> кетяпмиз.

Акам билан изма-из Тулсий ҳам ичкарига кирди. Унинг юзига қараб ҳайрон бўлдим. Гира-шира бўлгани учунми, назаримда уни биринчи марта кўраётгандай бўлдим. Тулсийнинг акам билан бирга турганини кўриб, менга алам қилиб кетди. У менга ишшайиб қараб тургандай туюлди. Қоп-қора башараси, митти кўзлари ва қип-қизил милклари шу қоронгида ҳам ялтираб турибди. Мен уни ўлгудай ёмон кўраман: уйда ёлғиз кўрди дегунча албатта бир уриб кетади.

— У ерда камон отишдан мусобақа бўларкан. Соат еттида бошланаркан. Ушанга кетяпман,— деди акам нафаси оғзига тиқилиб.

— Шу бемаҳалда-я? Уззукун ўйнаганинг етмай-дими?

Ойимнинг бу гапидан менга жон кириб кетди. Демак ойим акамни ҳеч қаёққа юбормайди.

— Дадам, борақол, дедилар,— деб жавоб берди акам, чорпоянинг четини ушлаб сакраркан.

— Даданг айтган бўлса, нега энди яна мендан сўрайсан?

— Дадам, ойингдан сўрагин, дедилар-да.

Ойим энди бир нарса демоқчи бўлган эди, бу ёқдан «Мен ҳам бораман» деб мен фингшиб қолдим.

Акам билан Тулсий иккови ёнма-ён турибди. Акамнинг оппоқ юзида кулгу ўйнайди. Тулсийнинг башараси эса қоп-қора, яп-япалоқ, кулганида қип-қизил милклари ялтираб кетади.

— Кечгача кўчадан бери келмайсан. Сенга қўшилиб, Тулсий ҳам ўлгудай ялқов бўлиб кетяпти.

«Ура!» Мен яна ичимда хурсанд бўлдим. Бўлди, акам ҳам бормайди, Тулсий ҳам!

— Ойижон, камончи Лаҳўрдан келган эмиш. Жуда уста эмиш. Кўзини юмиб туриб ўқ отармиш. Жуда кўргим келаяпти. Хўп дея қолинг.

Дадамнинг оёқ товуши борган сари яқинлашиб келаяпти. Мана унинг овози ҳам эшитилди:

— Ҳали ҳам чироқни ёқмадиларингми? Қаёққа даф бўлиб кетди Тулсий?

Ие, Тулсий нега жойидан қимир этмай турипти? Дадамнинг гапини эшитиб ҳам, нега бориб чироқни ёқмайди? Мен жуда ҳайрон бўлдим.

<sup>1</sup> Гурукул — ҳиндуларнинг анъанавий диний мактаби.

— Бунинг, гурукулга томоша кўргани бораман, деяпти. Бора қолсин. Нима дединг?— ойимга юзланди дадам.

— Ҳой дадаси, сал ўйлаб гапирсангиз-чи» Бемаҳалда болаларни кўчага чиқариб бўладими?

— Тулсийни ҳам қўшиб юбор. Боравермайдими энди, жуда нима қиларди.

— Ҳой дадаси! Қоронғи тушиб қолган бўлса, бу ёқда қанча иш қалашиб ётса! Сиз яна, Тулсий ҳам борсин, дейсиз. Ким қилади ишларни? Ҳар нарсанинг вақти бор-да!

Лекин дадамнинг қулоғига гап кирмайди. У киши ҳали ҳам ҳассасини қидириш билан овора. Мен бу ёқда, дадам нима деркин, деб жонимни ҳовучлаб ётибман.

— Ҳа бўпти, бўпти энди, бора қолсин. Болалар бунақа нарсани ойда-йилда бир кўради. Гурукул жуда дунёнинг нариги чеккасидамиди? Икки қадам жой, бирпасда бориб келади,— деди дадам хонани тимирскилаб ҳассасини қидираркан.— Аслида уларнинг қиладиган ишлари уч пулга қиммат, лекин шунақа ўйин-томошани жуда ўрнига қўяди...

— Мен ҳам бораман!— деб хархаша қилдим мен.

— Сен ҳам борасанми томошага?— деди дадам олдимга келиб. Кейин ойимга қараб гапида давом этди:— Бу ҳам бора қолсин. Тулсийнинг ўзи елкасига миндириб, обориб-опкелади.

— Менга қаранг, сал бўладиган гапни гапирсангиз-чи. Болани шу касал ҳолида ўша ёққа юбораманми? Бошини кўринг, мисдай қизиб ётипти!

Шу топгача мен учун дунёда энг яхши одам ойим, энг ёмони дадам эди. Энди бутунлай тескарисиси бўлиб чиқди. Ойим душманга, дадам дўстга айланди.

— Иссиғи салгина экан-ку,— деди дадам пешонамни ушлаб кўриб.

— Йўқ дедимми, йўқ! Буни юбораман, деб ўйламай ҳам қўя қолинг. Болаларни ўзингиз шунақа қилиб расво қиласиз.

— Мен ҳам бораман. Бораман, бораман,— ҳиқиллаб ётибман мен бу ёқда.

— Бора қолсин ҳаммаси. Сал кўнглини ёзиб келади. Бу тор кўчангда булар нимани ўрганеди? Фақат

сўкишу уятсиз ашулаларними? У ер ҳар ҳолда «Арья самааж»<sup>1</sup>, битта-яримта тузукроқ нарса ўрганеди.

— Бораман, бораман,—деб ҳиқиллаб ётибман мен.

Дадам яна ҳассасини қидириб бошқа хонага кириб кетди. Уша ердан овози эшитилди:

— Мана бу ерда экан ҳасса. Ким буни эшикнинг тепасига осиб қўювди? Бу уйдагилар бир нарсани кўриб турса ҳам, ғиқ этмайди.

— Кеч кирганда буларни томошага жўнатиб, энди ўзингиз қаёққа кетяпсиз?— деди ойим.— Шу кетганча, худо билади, қай маҳал қайтасиз? Овқатни сузиб қўйиб, саргайиб ўтираманми?

— Сен туриб овқатингни сузавер,— жавоб берди дадам.— Мен боғни бир айланаману изимга қайтаман.

Дадам олдимга келди. Бошимни силаб туриб «Ҳа тўполончи» деб мени эркалатди ва чўнтагидан бир сиқим чақа олиб, чорпоянинг бош томонига қўйди. «Қўявер, хафа бўлма, сени кейин ўзим обораман» деб мени юпатди-да, ташқарига чиқиб кетди. Тулсий билан акам аллақачон кетиб бўлган. Ойим ҳам ўрнидан туриб, ошхонага қараб йўл олди. Мен икки кўзимдан қайноқ-қайноқ ёш оқизганимча қолавердим.

Бир маҳал ошхонадан кулги овози эшитилди. Қулаётган опаларим. Опа-сингил иккови худди бир-бирининг соясига ўхшайди: юрса ҳам, турса ҳам бирга.

Ёшли кўзимни шипга қададимۇ ҳайрон бўлдим: иккита тўсин орасидан доимо кўринадиган узун соқолли рааж<sup>2</sup> қаёққадир ғойиб бўлибди. Раажадан олдинда дукур-дукур чопадиган от ҳам кўринмайди. Қаёқдандир яна қора нуқта пайдо бўлиб қолди. У яна аввалгидек кенгайиб, тобора катталашиб жуда ваҳимали тусга кира бошлади. Мен қўрқиб кетиб додвой солишга тушдим. У яна кичрайиб кетди. Кичрайиб-кичрайиб, ниҳоят яна нуқта ҳолига келди-да, фазода суза бошлади.

---

<sup>1</sup> «Арья самааж» («Орийлар жамияти») — 1875 йилда Даянанд Сарасватий ташкил қилган диний реформаторлик жамияти. Жамиятнинг мақсади ҳиндларда миллий маданиятга муҳаббат уйғотиш бўлган.

<sup>2</sup> Р а а ж а — ҳоким, подшо.

Кўзимни очсам, кун чиқиб кетган. Кундузи яхшида. Ҳамма нарса аслидай кўринади, ҳамма нарса жой-жойида, тартибли. Кечаси бошқача. Қоронғи тушди дегунча девга ўхшаган баҳайбат, бир-биридан қўрқинчли соялар у ёқдан-бу ёққа юра бошлайди.

Мен ойимнинг қўлидан ушлаб, зинадан пастга тушдим. Қўлимда ун тўла кичкина товоқча. Ойим кўча эшикни очди. Ана, рўпарада ўша дарвеш турибли. Қоронғида «Хў, ўтин келди!» деб бақириб юрадиган дарвеш. Унинг овозини эшитиб, доимо дир-дир титрайман. Ие, бу дарвеш эмас экан-ку! Эгнида яшил ридо, соқоли оппоқ, қўлида асоси ҳам йўқ, асосининг учида чўғдай ёниб турадиган алвон ҳам йўқ.

— Қани қўлингдагини сола қол, болам, сола қол,— деди-да, дарвеш қопининг оғзини очиб, менга тутди. Лекин мен қилт этмай туравердим. Иккала кўзим дарвешда.

— Сола қол ўғлим, сола қол, қўрқма,— деди ойим.— Дарвеш сенга ҳеч нарса қилмайди.

Мен бир қадам қўйиб, қўлимдаги унни идиш-пидиши билан қопга ташладиму, ойимга маҳкам ёпишиб олдим. Лекин энди ҳечам қалтираганим йўқ. Дарвеш кулди. Унинг соқоли орасидан сап-сариқ сўйлоқ тишлари кўриниб кетди. У қопдан товоқни олиб, менга узатди.

— Илоҳим омон бўл! Уйингдан қут-барака аримасин!— дуо қилди дарвеш.

— Ол, ўғлим, товоқни ол,— деди ойим.

Мен дарвешнинг сап-сариқ тишларидан кўзимни узмай қўлидан идишни олдим. Бу гал ҳам тариқча қўрққанам йўқ. Дарвеш қўлини чўзиб, астагина бошимни силади. Лекин шунда ҳам ҳеч қўрқмадим.

— Отахон, бир у-бу нарса айтиб бермайсизми? — илтимос қилди ойим.

Дарвеш елкасидан иктаарасини<sup>1</sup> олиб, қулоғига яқин олиб борди-да, кўзларини юмиб, бошини бир ёққа эгиб хониш қила бошлади:

Бу бир дамли томоша,  
Билиб қўйинг, бандалар,  
Худога ҳеч гап эмас:  
Дарёларни чўл қилур,

---

<sup>1</sup> И к т а а р а — яққа торли кичкина чолғу асбоби.

Чўл-саҳрони кўл қилур,  
Бу бир дамли томоша,  
Билиб қўйинг, бандалар.

Дарвеш орқасига ўгирилди-да, аста-секин юриб чап томондаги кўчага кириб кетди. Унинг бу хонишини эшитавериб, ҳаммага ёд бўлиб кетган. Мен ҳам ёддан биламан. Лекин буни айтадиган дарвешнинг ўзини бугун энди кўриб турибман. Ойим икковимиз зинадан уйга чиқиб кетяпмиз. Ёнимиздаги кўчадан дарвешнинг овози эшитилиб турибди:

Сенга ҳаммас бу дунё,  
Менга ҳаммас, э, бандал  
Бир кун ҳамма ўлади,  
Бир сиқим кул бўлади.

Бу бир дамли томоша  
Билиб қўйинг, бандалар.

Мен уйда кун бўйи у хонадан бу хонага кириб-чиқиб юраман. Манави эски «меҳмонхона»миз. Ҳамма ёғига чорпоялар қўйиб ташланган. Анави девор тагидаги чорпояда акам иккаламиз ётамиз. Кечаси ўринга ётгач, мен нуқул акамнинг жиғига тегаман. Ҳали чимчилаб кўраман, ҳали тимдалаб кўраман. Кун бўйи менга парво қилмаганига гўё ўч оламан. Лекин акамнинг ҳеч жаҳли чиқмайди. Орқасини ўгириб олади-да, ухлайверади.

Девор ёнида опаларимнинг шкафи турибди. Унинг иккала тавақасига бўр билан қанақадир чизиқлар чизиб, ҳар хил ҳарфлар ёзиб ташланган. Бунақа ёзувни фақат опаларим ёза олади. Шкафнинг бир тавақаси доимо очиқ ётади.

Меҳмонхонанинг шундай орқаси кичкинагина ҳужра. У ерда ҳам битта шкаф бор. Ичи тўла китоб. Булар оддий китоб эмас ведалар. Газетага ўралганми, веда бўлади.

Опаларим шкаф олдига туриб олиб, бир-бирининг билимини текширяпти:

— Ҳаммаси бўлиб қанча веда бор? — дейди биттаси.

— Тўртта, — жавоб беради иккинчиси.

— Ведангалар<sup>1</sup> ҳаммаси нечта?

---

<sup>1</sup> В е д а н г а — ведаларни шарҳловчи олти асарнинг номи.



— Унта.

Катта опам бармоқларини букиб, нималарнидир санайди.

— Веданга саккизта. Сен бўлсанг ўнта дейсан.

— Йўқ, ўнта. Пандитжий<sup>1</sup> ўнта деганлар.

Меҳмонхона билан ёнма-ён яна битта хона бор. Эшиги шундоқ опаларимнинг шкафи ёнида. Бу эшик, қачон қарасанг, берк бўлади. У ерда катта бир шкафта жуда зўр нарсалар тиқилиб ётибди. Қалам солинадиган қутича, чинни идишлар, яна алланарсалар. Шкафта яна олтин сопли антиқа бир пичоқ ҳам бор. Уни дадам ҳеч кимга ишонмайди. Унда-бунда бир кўрсатиб, дарров жойига олиб қўяди. Кейин хона эшигини беркитади.

Меҳмонхонанинг ташқариси ҳовли. Рўпарада панжара. Оёқнинг учида туриб, панжарадан пастни томоша қилса бўлади. Лекин туфлаш мумкин эмас. Кимда-ким туфласа дадам уришади.

Пастдан дадамнинг бақирган овози эшитилади:

— Ҳў Балдевинг онаси! Озгина қатиқ бериб юбор, мен бир чўмилиб чиқай.

Ойим ошхонадан чиқиб, панжаранинг олдига келади-да, жиғибийрон бўлиб дейди:

— Ҳой дадаси! Ҳамма нарсанинг вақт-соати бор. Мен бу ёқда овқат сузай деб турсаму, сиз у ёқда чўмилиман десангиз! Шу ҳам ишми?

— Сен намунча ҳар нарсага аралашаверасан, а? Қатиқ бўлса, тушириб юбор, бўлмаса «йўқ» деб айт-қўй. Мен дарров чўмилиб чиқаман.

Манави «бўёқчи»нинг шкафи. Нега уни бунақа дейилади, бунни-ку билмайман, лекин шу «бўёқчи» деган сўзни яхши айтолмайман. Акам менга «тўғри айт, ундоқ айт, бундоқ айт!» деб дакки бергани-берган. Ойимнинг калитлари йўқолди дегунча, дадам пастдан туриб бақиради: «Ҳў, бўёқчининг шкафини бир қараб кўрларинг. Уша ерда бўлса ажаб эмас». «Бўёқчи»нинг шкафи дейилади-ю, ичида ранги ўчган кўк қутидан бўлак ҳеч вақо йўқ. Ойимнинг калитлари шу қутида турармикин? Бу ерга ким солиб қўяркин? Шунга ҳеч ақлим етмайди.

<sup>1</sup> Пандитжий — қадимги ҳинд тили — санскритни яхши биладиган ўқимишли одам, олим; жий — ҳурматни англатадиган қўшимча.

Дадамнинг «ишхона»си ҳам ўша пастда. У киши эртаю-кеч «ишхонадан» чиқмайди. Кўзойнакни бурнининг устига қўйиб олиб, машинкада бир бармоғи билан «шақ-шақ» қилиб алланималарни ёзиб ўтиргани-ўтирган. Тулсий олдига бориб қолса, байбайлаб ҳайдаб юборади. «Ишхонада» ҳам девор соат бор. Лекин бу ҳар ярим соатда занг уради, юқоридагига ўхшаган эмас. У ерда оташдоннинг устига узунгина бир чойшаб осилган. Чойшабда кетма-кет турган қанча ҳам товусларнинг расми бор. Ҳар хил: қизил, сариқ, кўк... Худди бир-бирини қувлаб кетаётганга ўхшайди. «Ишхона»да ҳам Свамийжий<sup>1</sup>нинг сурати бор. Лекин бу ерда у киши кийим кийган. Юқори хонада эса яп-яланғоч ўтирибди, орқасида битта шер, илон, ба-шараси холамнинг ўғлига ўхшайдиган қанақадир бир ҳайвон турибди.

— Ана, кўрдингми?— дейди опам менга қараб,— Свамийжий шунақа зўр бўлганлар. Ҳеч нарсадан, ҳатто шердан ҳам, қоплондан ҳам қўрқмаганлар.

Дадамнинг «ишхонаси» билан ёнма-ён яна битта хона бор. Бирон ёмонлик қилсам, мени шу ерга қамаб қўйишади. Кўчада бирдан сўкиниб юборсаму, Тулсий эшитиб қолса, дарров ойимнинг қулоғига етказди. Ойим мени шу хонага қамаб қўяди.

«Қамоқхона»да мен деразанинг олдига бораман-да, кўчага қараб тураман. Бир пайт эшикни очиб, ойим киради. У бошимни иккала тиззасининг орасига қисиб олиб, оғзимга бир чимдим аччиқ гармдори тикади-да, яна индамай чиқиб кетади. Мен бу ёқда додлаб типирчилаб қоламан. Бир оздан кейин яна ойимнинг ўзи кириб, мени олиб чиқиб кетади. Ташқарига чиқа солиб акамни дўппослаб кетаман.

Пастда ғулшонанинг орқасида «гараж» бор. Бу ерда сигиримиз боғлиқ туради. Тулсий шу ерга кириб олади-да, сигирга терт қора туриб, овозининг борича ашула айтишга тушади.

— Ҳой барака топкур, қўй энди шу ашулангни!— дейди ойим Тулсийга кулиб.— У ёқда кирчининг эшаги ҳанграса, бу ёқда сен бақирсанг! Ахир одамнинг қулоғи битиб кетди-ку!

---

<sup>1</sup> Сва м и й ж и й (сва м и й — п и р) — машҳур жамоат арбоби Даянанд Сарасватий (1824—1883) Панжобда ҳурмат билан шундай деб аталади.

Мен Тулсийга ўхшаб ашула айтолмайман-ку, лекин бошқа бир хунарим бор. Тандирнинг ёнидан битта бўш тунука банкани олиб, ҳовлининг ўртасига тўнкариб қўяман-да, оббо деб калтак билан тарақлатиб уриб «Ҳў мусулмонла-а-ар! Рўза тутингла-а-ар!» деб овозим борича бақираман.

Банка роса тарақлайди, ҳамманинг жонини ҳалқумига келтиради. Бундан руҳланиб, банкани яна ҳам қаттиқроқ савалаб, жон-жаҳдим билан бақираман: «Ҳў мусулмонлар! Рўза тутинглар!»

Шунда деворнинг нарёғидан қўшни хотиннинг овози эшитилиб қолади:

— Ҳой Лаччмий! Бу ўғлинг йил-ўн икки ой рўза тутгин дейди-я!

Шундай деб у кулади. Ойим баъзан ўчоқ бошидан муомала қилиб юборади, баъзида эса ўрнидан туриб, ҳовлига чиқади-да, тандирга оёғини тираб олиб, девордан нариги ҳовлига қарайди. У ёқда иккала қўшни анча маҳалгача гаплашиб туради, бу ёқда мен банкани тарақлатиб ётаман.

\* \* \*

Балкондан туриб қаралса, кўча бошидаги ҳовуз кўринади. Шу ҳовузда маҳалла аравакашлари от чўмилтиради. Шу ерда оғайнилари Манўҳар, Индар ва Гирдҳарийлар ари тутиб ўйнаб юради. Кўчанинг нариги боши минг кўраман десангиз ҳам кўринмайди. Худди охири йўққа ўхшайди. Мен учун олам-жаҳон от чўмилтирадиган ҳовуздан бошланиб, Атарсингҳ ҳолвачининг дўконига бориб тамом бўлади. Дўконнинг олдида беш-олтита одам шолчага ўтириб олиб, нуқул ошиқ ўйнагани-ўйнаган. Шу дўкондан у ёқда нима бор, бундан хабарим йўқ.

Рўпарамиздаги уйнинг сояси қисқариб кўчанинг четига борганда пешин бўлади. Мана пешин бўлди. Ойим болконга чорпоя қўйиб, мени ётқизди-да, бошимни ушлаб деди:

— Ҳадемай тузалиб кетасан. Ана ўшанда кўчада мазза қилиб ўйнайверасан, қўзичоғим.

Ана мешкобчи ҳовуздан мешни сувга тўлдириб олди. У мешни орқасига ортиб олди-да, бир қўли билан мешнинг оғзини ушлаб, иккинчи қўли билан уни бир текисда уриб-уриб энгашганча кўчага сув сепишга

тушди. Кўчанинг сув сепилган қисми худди соя тушганга ўхшаб қолди. Нам ердан ёқимли бир ҳид тарала бошлади. Мен бу ҳидни шундоқ яхши кўраманки, соғ пайтимда мешкобчи сув сепаётганда унинг кетидан кетавераман. Мана мешкобчи мавлавий Исҳоқнинг уйи олдига бориб тўхтади-да, қаддини ростлади. Бўшаб қолган меш унинг елкасидан сирғалиб туша бошлади. У кетига ўгирилиб, яна сув олгани аста-секин ҳовуз томон йўл олди.

Шундай қаршимизда турадиган Файз Али отини тонгадан<sup>1</sup> чиқарди. Араванинг осмонга қараган шотиси намоз пайтида мавлавий Исҳоқнинг фотиҳага кўтарилган қўлига ўхшайди. Файз Алининг ўғли ҳали устидан жабдуғи олинмаган отни жиловидан ушлаб, кўчанинг ўртасига олиб келди. Отнинг жабдуқ турган жойи тердан қорайиб яғир бўлиб кетган. У тинмай депсинади. Уқтин-ўқтин думи билан устидаги пашшасини ҳайдайди. Ана, Файз Алининг ўғли уйига қайтиб кириб кетди. Ҳозир нима бўлишини биламан: от оҳиста юриб, Атарсинҳ қолвачининг дўконигача боради. Кейин ўзи қайрилиб, Файз Али ўтирган чорпоя олдига келиб тўхтайди. Кейин яна кўчанинг ўртасига қараб юради. Мана, Файз Али бошидан кул ранг салласини олиб, уйнинг олдида турган чорпояга ўтирди-да, чилимни қўлига олиб, тутатиш учун жон-жаҳди билан пуфлашга тушди.

Оғайним Гирдҳарий қўлида чиллак ушлаб тўғримиздаги тор кўчанинг бошига келди-да, катта тонга ўтириб олиб, бор кучи билан «Чиллак ўйнайдиган келаверсин!» деб бақиршга тушди. У мени, акамни, маҳалладаги бошқа болаларни чиллак ўйнашга чақиряпти. Гирдҳарий у ёқда дамба-дам тагидаги тошга ёғочини уриб, бақириб чақиряпти, мен бўлсам бу ёқда тўлганиб ётибман.

Маҳалладаги болалар кунда ҳовуз бўйига йиғилди. Ҳозир ҳам улар ўша зах ерга ўтириб олиб ари тутушяпти. Индар арини шундоқ қўли билан тутаверади. Бир қўли билан арини ушлаб, иккинчи қўли билан нинасини олиб ташлайди-да, оёғига ип боғлаб учиради. Ари жонивор ҳам салгина учиб боради-ю, шох ташлаган варракдай ғувиллаб ерга тушади.

Гирдҳарий ўтирган тор кўчадан бир хотин келяпти.

---

<sup>1</sup> Тонга — одам ташийдиган икки гилдиракли арава.

У бурқа<sup>1</sup> ёпинган, лекин юзи очиқ. Мана у тор кўчани кесиб ўтиб, катта кўчага чиқди-ю юзини ёпиб олди. Ана энди катта кўчани кесиб ўтяпти. Ҳозир ёнимиздаги кўчага кириб кетади. Тор кўчага кирди дегунча, яна юзини очиб олади. Бурқа ёпинадиган аёлларнинг ҳаммаси ўзи шунақа: катта кўчада юрганда бурқасини тушириб олади, тор кўчага кирганда кўтариб олади.

Уйимизнинг шундай ёнида маҳалладаги тонгачи киракашларнинг бешта оти йўлнинг четида боғлоқлик турибди. Маҳалланинг у ер-бу ерида оти чиқарилган тонгалар кўринади. Ҳаммасининг шотиси мавлавий Исҳоқнинг қўлига ўхшаб осмонга қараган. Ҳар кундагидек, бугун ҳам чўлоқ Нуру бобонинг эшигига чорпоялар қўйилган. Тўрт-бешта тонгачи — Фатҳиддин, Жиланий, Қаримхон, Муҳаммаддинлар чорпояларда у ёқ-бу ёқдан қангомалашиб ўтирибди. Фатҳиддин кўчадаги водопроводнинг олдига ўтириб олиб, чилимнинг сувини янгилаяпти. Чилимдан олдин қоп-қора, кейин сап-сарик сув тушди, энди бўлса топ-тоза сув тушяпти. Фатҳиддин чилимнинг найига пуфлайди. Унинг икки лунжи дум-думалоқ бўлиб шишиб кетади, чаккасидаги томирлари бўртиб чиқиб кетади. Мен минг уринсам ҳам, лунжим ҳеч шунақа шишмайди. Оғзимни қўлим билан беркитиб роса кучаниб пуфлайман, барибир лунжим дум-думалоқ бўлиб шишмайди, чаккамдаги томирларим ҳам бўртиб чиқмайди. Қаримхоннинг ўғли тонгачилар ўтирган чорпояларнинг шундай ёнига ариқ бўйига ўтириб олиб катта сопол идишда шарбат тайёрлаяпти. Тонгачилар кичкина-кичкина сопол пиёлаларда шарбат ичиб, ўша битта чилимни галма-гал чекиб қош қорайгунча чорпояда гап сотиб ўтиришади.

Ана Жалолхон субадорнинг<sup>2</sup> ўғли Навобхон катта кўчанинг ўртасига чиқиб, у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. У ҳар куни шу вақтда шунақа қилади. Ойим бўни кўриб, сайр қияпти, дейди. Навобхоннинг бошидаги оппоқ салланинг учи шамолда ҳилпираб турибди. Эғнида ҳам оппоқ оҳорли шалвор-кўйлак, оёғида ярақлайдиган қоп-қора туфли. Файз Алининг оти билан унинг юрадиган йўли бир: бу ҳам ҳовуздан Атарсингхнинг дўконигача боради-да, яна ҳовузнинг олди-

---

<sup>1</sup> Бурқа — паранжисимон ёпинчиқ.

<sup>2</sup> Субадор — армия капитани.

га қайтиб келади. Лекин у ниҳоятда кеккайиб, виқор билан битта-битта қадам ташлаб юради, қоп-қора мўйловини дам-бадам бураб қўяди. Бироздан сўнг унинг хизматкори тонгани қўшиб, уйимизнинг олдига келиб тўхтади. Бутун маҳаллада унақа тонга ҳеч кимда йўқ. Шунақа ярқиллайдики, қўяверасиз. Тонгаси қоп-қора-ю лекин ёнида оқ йўллари бор. Отининг бошига баланд жиға қадалган, устидаги жабдуқлари қора, ярқиллайди. Керак бўлса, араванинг устини очиб қўйса ҳам бўлади. Хуллас, кўрган кишининг оғзи ланг очилиб қолади. Тонганинг қамчидонида учи эгилган узун, ингичка қамчи туради.

Ана, субадорнинг ўғли тизгинни қўлига олиб, бир сакраб олдинги ўриндиққа ўтириб олди. Орқа ўриндиққа хизматкор ўтирди. От бўйини ғоз тутганича ер тепиниб, йўрғалаб кетди. Чўлоқ Нуру бобонинг уйи олдида тўпланиб ўтирган тонгачилар ҳаммаси ўша ёққа қараб қолди. Навобхон деса бутун маҳалла зир-зир титрайди. Чунки у хоҳлаган пайтида битта-ярим-танинг ёқасидан ушлаб, дўппослаб қолиши ҳеч гап эмас.

Бу ёқда Гирдҳарий ҳали ҳам ўша ўтирганича «Чиллак ўйнайдиган борми!» деб бақириб ётибди.

Уйимизнинг чап томонидан, ҳовузнинг ёнидаги тор кўчадан тасир-тусир қилиб бир тўда сигир-бузоқ кириб келди. Поданинг орқасидан қўлида таёқ ўйнатиб, ҳайҳайсурон билан Маҳмуд чопиб келяпти. Қўлидаги таёқ билан ҳали у сигирнинг орқасига туширади, ҳали бу сигирнинг. У ҳеч кўйлагининг тугмасини тақмайди, шунинг учун оллоқ бадани узоқдан кўзга ташланади.

Ие, балконнинг нариги бошида опаларим туриптику! Булар қачон келиб қолдийкин? Қачондан бери туриптийкин? Опаларимни кўрсам, зириллайман. Булар ҳеч ҳам мен билан гаплашмайди. Қачон қарасанг, иккови пичир-пичир қилгани-қилган. Лекин мен барибир уларнинг нима гаплашаётганини биламан. Кўчанинг нариги бетида, икки уй нарида Сарасватийлар туради. Сарасватий опаларимнинг ўртоғи. Касалмас пайтларимда мени Сарасватийни чақириб келгани юборишади.

Бир пайт зинадан гурсиллаган қадам товуши эшитилди. Термометр кўтариб, балконга дадам кириб келди. Уни кўриб юрагим дукиллаб уриб кетди. Дадам

оғзимга термометр қўяётган эди, опаларимга кўзи тушиб қолди-ю, уларга ўдағайлаб кетди.

— Ҳой Видя! Вимла! Нима қилиб бу ерда турибсанлар? Неча марта айтдим сенларга, балконга чиқмаларинг, деб!

Дадамнинг дўқидан оғзимдаги термометр ҳам титраб кетди. Иккала опам бўлса бошини эгиб чопганча пастга тушиб кетди.

Опаларим кўп нарсадан маҳрум. Улар балконга чиқа олмайди, дераза-даричалардан кўчага қарай олмайди. Уйнинг томига чиқишга ҳам ҳақи йўқ. Уларнинг кулганини дадам эшитиб қолгудай бўлса, қаттиқ уришиб беради. «Ҳой Видя! Ҳой Вимла! Яна бир марта овозларинг чиқса, худди кўрасанлар мендан! Жойларингда жим ўтирларинг!»

Улар ўша заҳоти жим бўлиб қолади. Лекин ҳеч кулишини қўймайди. Мен буни биламан. Кичкина опам Вимла сал камроқ кулади, аммо анави каттасига кулишдан худо берган. Эртаю-кеч тинмай кулади. Тулсий олдига келса бўлди, ўшанга қараб иккови қотиб қотиб кулаверади.

Тулсий кечаю кундуз биз билан бирга. Пешинда пандитжий бизни ўқитгани келгағида у ҳам остонага ўтириб олиб, биз билан бирга ўқийди. Биз нима қилсак, у ҳам ўшани қилади. Кечқурун тошнинг устига чиқиб камалак отиш ўйнасак, у ҳам ўйнайди. Кўчага чиқиб найзабозлик ўйнасак, у ҳам бирга ўйнайди. Акам бир таёқнинг учига мих қоқиб, найза қилиб олган. Тулсий ўша найзани кўтариб, ҳовузнинг олдидан югуриб уйнинг олдига келади-да, тўхтаб «Ё Али!» деб бор кучи билан найзани нишонга отади. Чопганида бошидаги бир тутам сочи шамолда ҳилпираб туради. Кўчада фиштининг устига бир таппини қўйиб қўямиз. Шу нишон. Найза нишонга тегса, таппини тешиб ўтади. Баъзида шундоқ ҳам бўладики, нишонга, яъни таппига тегадую, лекин тешиб ўтолмайди, таппи михнинг учига илиниб қолади. Шунда найза санчган одам, худди ғолиб чиққан жангчи сингари найзани ҳавода ўйнатиб, виқор билан юриб, болаларнинг олдига келади. Биз бошқа ўйинларни ҳам ўйнаймиз. Майда-майда пайраҳаларни елимлаб, акам босмахона ясайди. Бу ёқда мен, Тулсий икковимиз ўтириб олиб, кўмирни майда-лаб босмахонага бўёқ тайёрлаймиз. Тулсий биз билан бирга бўлса, маҳалладаги болаларнинг деёлмайди.

Битта-яримтаси ғинг-пинг дегудек бўлса, Тулсий шартта кўкрагига калла қўйиб ағдарадию, ғарчиллатиб қўлини тишлаб олади. Буни кўриб, оймнинг ваҳми келиб кетади:

— Ҳой, бунинг ёввойи-ку, ёввойи! Бу одам эмас, қип-қизил ҳайвон!

Опаларим бўлса Тулсийнинг ғалати гапларини эшитиб, қотиб-қотиб кулгани-кулган.

— Биз қишлоқда нўхатнинг шўрвасига бош ювардик,— деди бир куни Тулсий ошхона остонасида ўтириб.

Унинг бу гапини эшитиб, иккала опам бир-бирига ялт этиб қаради-да, қиқирлаб кулиб юборди. Кейин Видя опам лип этиб ўрнидан турди-да, ошхонага кириб кетди. У ердан ачиб ётган нўхат шўрвани идиш-пидиши билан олиб чиқди-да, «мана шўрва, юв бошингни!»— деб Тулсийнинг бошига ағдариб юборди. Шўрва унинг қулоқлари орқасидан, бурунлари устидан шариллаб оқиб кетди.

— Ҳой, ҳой! Нима қиялсан ўзинг?— деб Тулсий жон ҳолатда сапчиб ўрнидан туриб кетди. У ёқда эса иккала опам бу томошадан ҳузур қилиб, роса куляпти.

✧ Тулсий билан боғлиқ бир қанча воқеалар шу пайтда бирма-бир кўз олдидан ўтяпти...

Бир куни қарасам, Тулсий рўпарадаги тор кўчадан югуриб келяпти. Кўйлаги, афти-башараси қонга беланган, қараб бўлмайди. Кўчанинг бошига етиб келганича йўқ эдики, орқасига битта тош келиб тегди. Кетма-кет яна битта тош келиб тегди. Тулсий тош теккан жойни ушлаб бир зум қотиб қолди. Кейин ердан тош олиб, у ҳам отди. Яна озроқ югуриб, тор кўчага кирди-ю, кўздан ғойиб бўлди.

— Ҳар куни аҳвол шу,— деди ғижиниб балконда турган ойм.— Бу қип-қизил ёввойи. Кўринганга ёпишаверади. Лекин шундоқ деб дадангдан биров...

Дадам ошхонанинг олдида сочиққа юз-қўлини артаётган эди, «Ҳа, нима гап ўзи?» деб сўради.

— Ҳой, дадаси! Сиз ҳам энди сал у ёқ-бу ёқни ўйланг. Бутун атроф уй-жой бўлиб кетди. Тулсий энди ҳожатга қаерга боради? Шўрлик кунда калтак еб келади.

— Тушунтириброқ гапирсанг-чи, нима гап ўзи?

— Нимасига тушунмайсиз? Тулсий ҳар куни ҳо-



жатга мозорнинг орқасига боради. Қоронгида-ку, хайр, ҳеч ким кўрмайди. Лекин кундузи биров кўриб қолса, бечорани тошбўрон қилади. Бу ҳам ҳаммамиз борадиган ерга бораверса, олам гулистон бўларди.

— У ерда ўн соат ўтирмай, тезроқ бориб келса бўлмас эканми?— вағиллади дадам.— Ўзи ҳам овқатни кўп ейди-да. Саккизта-ўнта нонни кўрдим демайди.

Тулсийнинг уйимиздаги умумий ҳожатхонага бориши дадамга ҳеч ёқмасди. У киши умрининг охиригача бунга кўника олмади.

\* \* \*

Уйимиздан чап томонда бир тоғ бор. Унчалик узоқ эмас. Гоҳ-гоҳда учовимиз томда ўйнаб турган жойимизда бирдан тўхтаб, ўша тоққа тикилиб қоламиз. У бир хил пайтда кўм-кўк, бир хил пайтда қизғиш бўлиб кўринади. Бугун ёмғир ёғиб ўтган, шунинг учун тоғ жуда яққол кўриниб турибди. Гўё тоғдаги ҳамма нарса бўртиб-бўртиб чиққандай. Тоғ ёнбағридаги дарахтларни ҳам, қоя тошларни ҳам аниқ-таниқ кўрса бўлади. Сон-саноқсиз қора қарғалар шаҳар томон учиб кетмоқда. Ҳар куни шу аҳвол: қарғалар азонда учиб кетади-да, кечқурун яна қайтиб келади.

— Манави тоғнинг орқасида нима бор, биласанми?— деб сўраб қолди акам.

— Нима бўларди, бу тоғнинг орқасида ҳеч нарса йўқ,— дедим мен. Тоғнинг орқасида бирон нарса бўлиши менинг хаёлимга ҳам келмасди.

— У ёқда бошқа юртлар бор,— деди акам.

Тулсий икковимиз акамга тикилиб қолдик.

— Э, йўқ, бу тоғнинг нарёғида Румлий бор.— деди Тулсий бош чайқаб.

— Румлий? У нима?

— Румлийми? Румлий менинг қишлоғим,— деди Тулсий.

Шундай деди-ю бошини тиззалари орасига олиб, ҳўнграб юборди.

Мен Румлийни кўрган эмасман. Лекин Румлийдан ҳар замон-бир замонда Тулсийнинг амакиси келиб туради. Ушани кўрганман. Озгин, баланд бўйли, қипқизил мўйловли киши. Амакиси билан бирга Тулсийнинг укаси ҳам келади. Уни ҳам кўрганман. Опаларим бечорани нуқул калака қилади. Бирон-бир нарсасини

бекитиб қўйишса, у бечора жиғибийрон бўлиб қидириб юради. Румлийдан шу икки кишидан бошқа ҳеч ким келмайди. Булар ҳам келади-ю, дарров изига қайтиб кетади.

Биз учаламиз зинадан тепага чиқдик. Қарасак, «бўёқчининг» шкафи олдида иккала опам бир-бирига суяганича юм-юм йиғляпти. Бутун уй сув қуйгандай жим-жит, чурқ этган товуш эшитилмайди.

— Ҳа, нима бўлди ўзи?— сўради акам кичик опамдан.

У жавоб бериш ўрнига баттар йиғлай бошлади.

— Дадамни бир одам уриб, бармоқларини синдириб юборибди,— деди катта опам секингина.

Нима гап бўлганига тушунмадим-у, барибир юрагим гурсиллаб уриб кетди. Учаламиз оёқ учида юриб меҳмонхонага тушдик. Секин ичкарига қарасак, дадам деразанинг ёнидаги чорпояда оёғини осилтириб ўтирибди. Ёнида ойим чордона қуриб у кишини елпийлатди. Дадамнинг бир қўли боғлиқ, ойим ўшанга тикилиб олган.

Мен тўғри бориб, дадамнинг рўпарасига турдим. У бошини кўтариб, менга қараб кулиб қўйди.

— Бармоғим салгина лат еди,— деди у менга қараб.

Дадамнинг ҳам у ер-бу ери лат ейиши мумкин, деб илгари ҳеч хаёлимга келмасди.

Дадам яна менга қараб кулиб деди:

— Бир одам мен билан уришиб қолди. Бармоғимни ўша қайириб юборди.

Бирон киши дадамнинг бармоғини қайириб юборишни ақлимга сиғдирилмасдим. Дадам уйдагиларнинг ичида энг баланд бўйли, энг гавдали бўлса, ҳаммага доим дўқ қилса. Ҳайронман, нега ўша одамга ҳам бошлаб бир дўқ уриб қўймадийкин? Бир дўқ урганда қўрқиб бармоғини қўйиб юборарди.

— Қаердаги дўконда бўлди?— сўради ойим.

— Гурукулнинг олдида.

— Бир дона бодринг кам берса берарди-да. Шунга жуда бир нарса бўп қолармидик? Ҳамма айб ўзингизда,— ачитиб кетди ойим.— Ўша билан жиқиллашиб ўтиргунча, яна бир марта торттирсангиз, олам гулистон эди.

Дадам бошини кўтармай ўтирибди. Юзлари оппоқ оқариб кетган. Мен дадамга чўчиб қараб турибман-

ку, ичимда ўша номаълум кишини еб қўйгудек бўляпман. Югуриб борсам-у уни роса дўппосласам, салласини бошидан олиб улоқтирсам, сочларини юлиб-юлиб олсам.

— Летий<sup>1</sup> опкелайми?— ойим сал энгашиб дадамдан сўради.— Озгина ичиб олинг.

Дадам «майли» деб бош қимирлатди.

— Тулсий қани?— сўради ойим мендан.— Ҳой Тулсий! Қани, қаёққа даф бўлди?— Кейин ҳовлиқиб дадамдан сўради:— Сиз у ёқ-бу ёққа юборганмисиз?

Тулсий ҳам биз билан бирга юқорига чиққан эди, лекин ҳозир негадир хонада кўринмайди.

— Йўқ, ҳеч қаёққа юборганим йўқ,— деди дадам.

— Ҳой, Видя!— ойим опамни чақирди.— Фириллаб пастга туш-да, Тулсийни топ. Бирон ерда ўтирган бўлса керак. Унга айт, ҳеч қаёққа қимирламасин.

Ойим жуда ҳовлиқиб қолди. Катта опам югурганича пастга тушиб кетди. Кичик опам эса ўша йиғлаганича турибди. Акам Тулсийни қидириб балконга қараб кетди. Лекин Тулсий ерда ҳам йўқ, кўкда ҳам. Ойим тилини тишлаб дамба-дам бош чайқайди:

— Юрагим ўйнаб кетяпти. Бу бола бир балони бошлаб келмасайди. Видя, мана юрагимни ушлаб кўргин.— Ойим Видянинг қўлини юрагининг устига қўйди.

— Кўрдингми гупиллаб уришини?

— Ҳа, ойижон, кўрдим.

Видядан кейин мен ҳам қўлимни ойимнинг юрагига қўйиб кўрдим. Ҳеч қанақа гупиллашни сезмадим.

— Менга ҳеч нарса қилгани йўқ. Бор энди, кўчага чиқиб ўйнай қол.— деди дадам менга қараб мулойимлик билан. Худди шунақа юмшоқ гапириб, акам билан опаларимни ҳам ташқарига чиқариб юборди.

Бугун уйимиз ўлик чиққандай жим-жит. Тиқ этган овоз эшитилмайди. Дадам хонасидан чиқмай ётибди. Мен пандитжий топширган дарсни тайёрлаш учун ҳовлига чиқдим-да, эшикнинг тирқишидан секин дадам ётган хонага мўраладим: дадам шифтдан кўзини узмай қимир этмай ётибди, боғлиқ қўлига қараб-қараб қўяди.

Ойим ҳам ҳовлига чиқиб, летий тайёрлашга киришди. Опаларим ошхонада биқиниб ўтирибди. Кун жуда қизиқ кетган. Мен яна секингина жойимга ке-

---

<sup>1</sup> Летий, тўғрироғи лассий — айронга ўхшаш ширин ичимлик.

либ ўтирдим. Назаримда дадам уйқуга кетгандай бўлди.

Бир маҳал акам «Тулсий келди! Тулсий келди!» деб бақирганича ҳовлиқиб балкондан тушиб қолди. Дарсимни ташлаб, балконга югурдим. Опаларим ҳам апил-тапил балконга чопди.

— Ҳой Видя! Ҳой Вимла! Сенлар жойингдан қи-мирлама. Шу ерда ўтир!— деб ойим уларни жойига ўтқазиб қўйди.

Балкондан қарасак, Тулсий кўринмади. Акам икковимиз ғизиллаб уйга кириладиган зинага тушдик. Қарасак, Тулсий деворни ушлаб, касал одамга ўхшаб зинадан аранг чиқиб келяпти. Бир қўлида иккита бод-ринг.

Тулсий юқорига чиқиб, бошини чангаллаганича ошхонанинг остонасига ўтириб олди. Кўзлари қизарган, пешонаси ғурра. Ойим унга қараб тилини тишлади-да, бошини чайқаб деди:

— Ўзим худди шу нарсадан қўрқувдим.— Кейин летий тайёрлайдиган иккала таёқни тиззасига қўйиб, Тулсийга ўшқирди: — Сенга ким айтди, ўша ёққа боргин, деб? Нега кўчага бесўроқ чиқдинг?

Тулсий иккала қўли билан бошини чангаллаганича чурқ этмай ўтирибди. Унинг ўтиришини кўриб, опаларимнинг кулгиси қистаб кетяпти.

— Вой шўрлиг-ей!—деди секингина кичкина опам ва кулиб юбормаслик учун бармоғини лабига босди.

— Ҳой Видя! Секинроқ гапир. Даданг эшитиб қолса, худди ўласан,— деди ойим.

Опаларим бирпас жим турди-да, барибир ўзини босиб туролмай хахолаб кулиб юборди. Иккови шундай куляптики, қўяверасиз. Ҳеч ўзини тўхта-толмайди. Ичаклари узилгудек бўляпти.

Тулсий бошини кўтариб опаларимга қаради, кейин бирдан гапириб кетди.

— Улар учта экан. Мен бир ўзим. Лекин унинг ҳам тишини қонатдим. Кўкрагига бир калла қўйиб, учуриб юбордим. Қўлини ғарчиллатиб тишлаб олдим. Унинг ҳам бармоғини болаб қайирдим. Ула-ўлгунча эсидан чиқмайдиган бўлди.

Опаларимнинг кулгиси таққа тўхтади. Тулсий да-дамнинг қўлини қайирган одамдан ўч олибди. Шунини эшитиб, мен ҳам хурсанд бўлиб кетдим.

— Иккита бодрингни ҳам опкелдим,— деди Тул-

сий опаларимга қараб.— Тўртта олувдим. Лекин ана-ви орқамдан қувловди, иккитасини шартта ариққа отиб, қочдим.— Тулсийнинг чехраси сал ёришгандай бўлди.— У яна дадамнинг қўлини қайириб кўрсин, қулогини тишлаб узиб оламан.

— Ҳой-ҳой! Жим-ей, ёввойи!—уришиб берди ойим. Кейин опамга буюрди:

— Видя! Урнингдан тургин-да, ўчоқнинг устидан овқатни олиб, Тулсийга товоққа солиб бергин.

— Ойижон, уни дадамга, деган эдингиз-ку.

— Майли, ярмини солиб беравер.

Шу дамда мен учун дунёда Тулсийдан зўр одам йўқдай туюлди. Назаримда у паҳлавонга ўхшаб кетди. Нега деганда дадамнинг душманини урибди, унинг иккита бодрингини ҳам олиб келибди.

Ойим иккита бодрингни дадамга кўрсатгани олиб кетди, лекин кўрсатмай, шундай эшикдан мўралаб, қайтиб келди. Ҳаммамиз анча енгил тортдик.

Кейин Тулсий акам икковимизни олдига олиб, уришишнинг йўлларини ўргатишга тушиб кетди:

— Энг биринчи кўкрагига бошлаб калла қўясан. Кейин маҳкам ёпишиб оласан. Шундоқ қилсанг, душман ҳеч нима қилолмай қолади. Лекин ҳеч ҳам сочидан ушлай кўрма. Сочидан ушласанг, у ҳам сенинг кокилингни ушлаб олади. Ана унда қўлингдан нима келади? Шунинг учун олдин калла қўй. Калла қўйганда ҳам нақ кўкрагини мўлжаллаб қўй. Ана ундан кейин ғарчиллатиб қўлини тишлайсан. Шундоқ қилсанг, душман ҳеч нарса қилолмайди.

— Ражпутлар<sup>1</sup> ҳам худди шундай уришади,— деб Тулсийнинг гапини маъқуллади акам.— Фақат фарқи шуки, уларда қилич-қалқон бўлади. Лекин ражпутлар ҳеч ҳам орқадан ҳужум қилмайди. Йиқилган душманни ўлдирмайди.

Акамда «Ражпутларнинг ҳаёти» деган китоб бор эди. Уша китобдан акам жуда кўп нарсани ўқиб библи олганди.

— Улар ҳам калла қўярканми?— сўради Тулсий.

— Билмадим,— Тулсийга анча тикилиб туриб, кейин жавоб берди акам.— Буниси китобда ёзилмаган.

---

<sup>1</sup> Ражпутлар — Ҳиндистонда ўтмишда ўзининг жанговарлиги билан машҳур бўлган ҳарбий-феодал тоифа. Ражпутлар тоифаси ҳозир ҳам бор.

— Менимча улар ҳам калла қўйса керак,— деди Тулсий қизишиб.— Уларнинг бошида сочи бўларканми?

— Билмадим,— жавоб берди акам.— Буниси ҳам китобда ёзилмаган.

Пастда эшик тақиллаб қолди.

— Ана, пандитжий келдилар,— деди Видя опам акамга қараб.— Тулсий, тур, бориб эшикни оч.

— Тулсийни қўй, ўтираверсин,— деди ойим.— Балдев! Бор пастга туш. Дарсни дадангнинг ишхонасида ўтинглар.

Мен, қорним оғрияпти, деб баҳона қилмоқчи бўлдим. Қарасам ойим барибир гапимга ишонмайдиган. Опаларим-ку майна қилиб қолади. Шуни ўйлаб, жимгина ўрнимдан туриб, акамнинг кетидан эргашдим.

Ака-ука иккаламиз ерга ёзилган шолчага ўтирдик. Пандитжий эса бир оёғини тагига йиғиштириб олиб рўпарада стулда ўтирибди. Икки кўзим пандитжийнинг пир-пир учиб турадиган юлқа лабларида. Аҳён-аҳёнда шу лаблар орасидан майда-майда кемтик тишлар кўриниб қолади. Пандитжий гапирганда лабини чўччайтириб гапиради. Дарс пайтида салласини бошидан олиб қўядиган одати бор. Салласини олиб қўйса, негадир бирдан кичкина бўлиб қолади.

«Қўлимга бор-йўғи ўн икки рупия маош тегади» деган гапни қайтаришни жуда яхши кўради пандитжий. Шу гапни кунда-кунора бир айтмаса кўнгли ўрнига тушмайди.

— Хўш, шлокларни<sup>1</sup> ёд олдингми?— акамдан сўради пандитжий.

Акам шлокларни шариллатиб айтиб бера бошлади:

— Ма бҳрата бҳаратрам двикшана, ма свасармута сваса...

— Қани маъносини айт-чи.

— Ака-ука, опа-сингил бир-бирига адоват қилмаслиги лозим...

— Балли! Хўш айт-чи, сен икковинг битта товоқда овқат ейсанларми?

— Ҳа,— жавоб берди акам.

— Битта чорпояда ётасанларми?

---

<sup>1</sup> Шлок ёки шлока — санскрит тилида ёзилган шеър.

— Ҳа, битта чорпояда ётамиз.

— Бирга ўйнайсанларми?

— Ҳа.

— Юрганда қандоқ юрасанлар? Ёнма-ён юрасанларми ёки олдинма-кетинми?

Пандитжийнинг бу саволига акам ҳам тушунмади, мен ҳам. Шунинг учун у киши акамга қараб ўзи тушунтириб кетди:

— Сен каттасан. Юрганда олдинда юргин. Уканг кичкина, шунинг учун у орқада юрсин. Рама билан Лакшман<sup>1</sup> ҳам худди шундоқ қилган. Тушундингми?

— Лекин манави юрганда мени чимчилаб юрадида,— мени кўрсатиб арз қилди акам.

Пандитжийнинг митти кўзлари менга қадалди.

— Ие, сен ҳали акангни чимчилайдиган бўлдингми?

Мен чурқ этмадим.

— Уканг жуда беодоб бола экан. Шунинг учун ҳам касалманд, чўпдек. Одобли болалар соғлом бўлади,— деди пандитжий. Кейин акамга деворда осиглиқ турган рўйхатни кўрсатди-да, ўқи,— деди.

Пандитжий ҳар уч-тўрт кунда шу рўйхатни акамга ўқитади. Шу сабабли рўйхат икковимизга ёд бўлиб кетган.

— Оддийлик — ҳаёт белгиси, дабдаба ўлим демакдир,— ўқиди акам.

— Бу нима дегани? Тушунтир.

— Бунинг маъноси шуки, соч қўймаслик керак,— бидирлаб кетди акам.— Мўйловни олдирмаслик лозим. Ҳозирги одамлар мўйловини қириб ташлаяпти, узун-узун қилиб соч қўйяпти. Мана бу нарса ўлим билан баробар,— акам пандитжийдан эшитганини худди ўзидай қилиб қайтариб берди.

— У ёғини ўқи.

— Яхши хулқ — тириклик нишонаси, ёмон хулқ ўлим демакдир.

— Бу нима дегани?

Шу пайт Тулсий ҳар кунгидек индамай келиб, остонага ўтириб олди. Учаламизнинг ҳам икки кўзимиз пандитжийда. Акам пандитжийдан кўзини узмай ҳалиги гапни шарҳлаб кетди.

---

<sup>1</sup> Рама билан Лакшман — қадимги ҳинд эпоси «Рамаяна»нинг қаҳрамонлари. Бу ака-ука образи мардлик, жасурлик, содиқлик ва меҳр-оқибатнинг ёрқин тимсоли бўлиб хизмат қилади.

— Бу дегани шуки, хотин-қизларнинг оёғига қарамаслик керак, қараганда ҳам юзига қараш керак.

— Ёмон хулқ нима дегани? — сўроқ қилишда давом этди пандитжий.

— Уят жойини ушлаш, бировни сўкиш, ҳақорат қилиш ёмон хулқ ҳисобланади, — дарров қўндирди акам. — Лекин пандитжий, менинг укам ҳам уят жойини ушлайди.

Акамнинг бу гапини эшитиб, пандитжийнинг митти кўзлари катта-катта очилиб кетди. У мёндан кўзини узмай туриб, эшитилар-эшитилмас сўради:

— Ҳей! Сен бола ростдан ҳам уят жойингни ушлайсанми?

— Ҳа, ушлайман, — шартта жавоб бердим мен, — чўзиб, катта ҳам қиламан.

Шундоқ дейишимни биламан, пандитжий тагидаги оёғини бир силтаб пастга олди-ю, туриб, қулоқ-чаккамга шарақлатиб бир туширди. Тарсакининг зарбидан бошим айланиб кетди.

— Ярамас! Бу жуда аҳмоқ бола экан-ку! — деди у тутқиб.

Назаримда атрофдаги ҳамма нарса остин-устин бўлиб кетгандай бўлди. Лекин шунда ҳам ҳеч нарсага тушунмадим.

— Бу қилиғнинг ниҳоятда ярамас иш, — деб гапида давом этди пандитжий. — Бундоқ қиладиган бўлсанг, ўша жойингга қурт тушиб кетади. Ундан кейин қўлларинг ҳам қуртлаб кетади. Тушундингми энди?

Мен шунда ҳам ҳеч нарса тушунмадим. Азбаройи қўрқиб кетганимдан пандитжийнинг митти ўткир кўзларидан кўзимни узолмайман. Юзимдаги оғриқ сал камайгандай бўлди. Лекин пандитжийнинг ўқрайиб туришидан шундоқ қўрқиб кетяпманки, дадамнинг дўқларидан ҳам ҳеч қачон бунчалик қўрққан эмасман.

— Қани, китобингни оч, — деди у акамга қараб.

Акам папкадан китобини олди. Пандитжий «ўқи» дейиши билан акам шариллатиб ўқишга тушиб кетди:

— Сутам патантам прасамикшъя павакe на бод-ҳайамаса панти пативрата...

У ёқда Тулсий ҳам даҳанини тиззасига тираганича ўзича пичирлаб ўтирибди.

— Қани, энди маъносини тушунтир, — деб акамга



буюрди-да, пандитжий Тулсийга қараб деди:— Тулсий, летиини ҳали ҳам опкелмадингми?

Пандитжий летиини ичганида дарс бирпас тўхтайди. Бу танаффусдан мен ўзимда йўқ хурсанд бўламан. Акам гапириб ётибди-ю, мен пандитжийдан кўзимни узмай, ичимда ўйлайман: «Шу бугун ойим летиий бермасмиди. Пандитжий бир адабини еса, жуда зўр иш бўларди-да».

Акам зўр бериб шлоқларнинг мағзини чақинишга уриниб ётибди:

— Уғлининг... оловга тушиб кетаётганини... кўриб туриб ҳам вафодор хотин... эрини уйқудан уйғотмади...

Шу орада стаканда летиий кўтариб Тулсий кириб қолди.

— Ие, бугун сариеғ солмаптилар-да, а?— деди секингина пандитжий, гўё дадамдан пул сўраётгандек илжайиб.

— Ойимнинг эсларидан чиққандир. Ҳозир ўзим спкеламан,— деб Тулсий дарров изига қайтиб кетди.

Пандитжий летиини хўплаб ича бошлади. Унга қараб туриб лиқ-лиқ чиқиб-тушаётган кекирдак олмасига кўзим тушиб қолди. «Пандитжий жуда омадли одам экан. Томоғида шундоқ катта суяги бор. Менда эса йўқ» деб ўйладим. Пандитжийга жуда ҳавасим келиб кетди. Бундай қарасам, акамда ҳам йўқ экан. Шундан кейин кўнглим ўрнига тушди. Икки кўзим тўхтовсиз чиқиб-тушиб турган пандитжийнинг кекирдак олмасида.

Шу пайт тепадан ойимнинг бобиллагани эшитилиб қолди:

— Қуруқ ўзини ичса, ўлгурнинг жуда қорни тешилиб қоларканми? Бу ўлгурга кунда сариеғ ҳам керак. Ҳа бўпти, ҳужрадан олиб кета қол.

Кўзини юмиб олиб летиини хўплаб ўтирган пандитжий, сариеғ келмадими, дегандай кўзини очиб бизга қаради.

— Ошқозоннинг ўттиз икки хонаси бўлади. Ҳар кунги овқатнинг алоҳида бир хонаси бор. Овқат ўша хонага тушади. Бугунги овқат ҳам ўз хонасига тушади.

Пандитжий шундай деди-да, митти кўзларини юмиб, бошини чайқай бошлади. Шунақа гапларни айтганда у киши доим кўзларини юмиб, бошини чайқатади.

‘У гапида давом этди:

— Даладаги қудуқнинг чархпалагидаги челақчалар қандоқ бўлса, бу ҳам мисоли шундоқ бир нарса. Галма-галдан бири тўлиб, бири бўшаб ётаверади.

Шундай деб пандитжий яна кўзини юмиб олди.

Шу топда Тулсий сариеғ опкелиб қолди. Пандитжий сариеғни стаканга солди-да, летийни энди жуда ҳузур қилиб ича бошлади. У летийдан битта хўплайди-да, қоп-қора қўлини стаканга тиқиб, ёғдан бир бўлак олиб оғзига солади. Мен унга қараб туриб ўйлайман: «Ҳойнаҳой шундоқ кекирдагининг тагида алоҳида бир хона бор, сариеғ ўшанга бориб тушяпти».

Пандитжийнинг кекирдагига тикилиб турган кўзим бирдан яп-япалоқ, пачоқ бурнига тушиб қолди. Унга қараб туриб бирдан «Пандитжий, бурнингизни поезд босиб кетганми?» деб юборсам бўладими!

Пандитжий жон ҳолатда кўзини очиб менга қаради. Стакан ушлаган қўли ҳавода қотиб қолди. Тагига босиб ўтирган битта оёғи яна стулдан пастга тушди. Бир зум ҳанг-манг бўлиб менга қараб турди-да, кейин бирдан ўшқирди:

— Нима дединг? Яна қайтариб кўр-чи?

— Мен, бурнингизни поезд босиб кетганми, деяпман. Опам шунақа дейди.

— Ҳе, бор-ей, нодон! — деди-да, пандитжий стулга суяниб олди.

— Ҳе, бор-ей, нодон! — деб мен ҳам қайтардим.

Пандитжий ўрнидан шартта туриб, чап қулогини ушлади-да, секин-аста силай бошлади. Мен аввалига кулиб турдим, кейин бирдан чинқириб юбордим. Пандитжий одатда қулоқни ушлаб, аввал силайди. Кейин секин-секин ишқалайди. Ундан кейин қаттиқ бураб юборади.

— Устозига бунақа гапларни гапирмайди одам. Бу ҳам ёмон ахлоққа киради. Тушундингми? — ўшқирди пандитжий.

Ортиқ чидолмадим, ҳўнграб йиғлаб юбордим-да, ўрнимдан туриб Тулсийнинг олдига бордим. Тулсий шартта ўрнидан туради-ю, пандитжийнинг олдига бориб, кўкрагига бир калла қўяди, деб ўйловдим. Лекин у қимир этмай ўтираверди.

— Одам устозига бунақа демайди, — деди у бўғиқ, йўғон овоз билан. — Кел, ёнимга ўтир. — Шундай деб, Тулсий елкамдан ушлаб, мени ёнига ўтқазиб қўйди.

Дарс тугагандан кейин тўппа-тўғри ўчоқбошига ойимнинг олдига бордим.

— Бу пандитда ўқимайман. Мени уради.

Ойим қулоғимнинг қизарганини кўриб қолди-да, тутақиб кетди:

— Вой ўлгур-ей! Ургани нимаси? Шошмай тур, қани мен бориб бир сўрай-чи. Зиғирдай болани ургани нимаси?

Ойим шундай деб шартта ўчоқбошидан турди-да, шиддат билан юриб, зинанинг олдига борди. Қараса, Тулсий билан акам зинадан чиқиб келяпти.

— Ҳа, кетиб қолдими домлаларинг?— сўради ойим.

— Ҳа, кетиб қолди.

— Нега буни урди? Нега сен ўша заҳоти келиб менга айтмадинг? У меникига болаларимни ургани келадими ё ўқитганими?

— Ойижон, бекорга ургани йўқ. Ўзи айбдор,— тушунтирди акам.— Бу ўзи уят жойини ушлайди.

Акамнинг гапини эшитиб, ойим менга еб қўйгудек бўлиб қаради. Ойимнинг кўзи ҳам пандитжийнинг кўзига ўхшаб катта-катта бўлиб кетди. У тилининг учини чиқариб тишлади-да, ўқрайиб туриб койиб берди:

— Сен ҳали шунақа ярамас ишларни қиласанми, а? Ҳозир бир адабингни бериб қўяй. Қани Тулсий, гармдори опкел-чи!

Ойим қўлимдан қаттиқ ушлаб олди. Кейин чўккалаб ўтириб, бошимни икки тиззасининг орасига олиб, маҳкам қисиб олди.

— Қани гапир, иккинчи шунақа ярамас ишни қиласанми?— дўқ қилди ойим.

Ойим бирпасда шундай ўзгариб кетдики, мен баттар довираб қолдим. Шу орада Тулсий гармдори олиб келди.

— Гапир деяпман сенга, яна шунақа ярамас ишни қиласанми? А?— яна дўқ қилиб сўради ойим.

Шунақа пайтларда бошингни силкиб, бир оғиз «йўқ» десанг тамом, азобдан қутиласан-қўясан. Лекин мен лом-мим демай ойимга тикилиб турибман.

— Ҳа, майли, бор жўна. Ўзи бугун шундоқ ҳам кўп калтак ебсан,— деб ойим мени қўйиб юборди.

— Ойи, ойи! Пандитжий айтдиларки, болалар уят жойини ушласа, қўлига қурт тушиб кетармиш,— деб қолди бирдан акам

— Бу пандитинг ўзи қанақа одам? Нуқул шунақа бўлмаган гапларни гапириб юради,— деб жаҳли чиқди ойимнинг.

Пандитжий жўнаб кетганидан кейин ҳам мен анчагача пастда юрагимни ҳовучлаб, ваҳимага тушиб ўтирдим. «Гурукул самааж»нинг олдидаги ариқ бўйида бир одам ўтиради. Оёқлари шишиб харидай бўлиб кетган, унга ёғми, нима балолар суриб ташланган. Шу пайтда ўша одам кўзимнинг олдига келиб кетди. У ҳам уят жойини кўп ушлаган бўлса кўрак. Бўлмаса оёғи бунақа шишиб, қурт босиб кетмасди. Ундан кейин, маҳалламизга келадиган анави чўлоқ гадой, эҳтимол у ҳам...

Шу ваҳимали хаёллар билан банд эдим, тепадан Тулсий тушиб қолди.

— Анави, иккинчи гапни айтмадик ойимга,— деди олдимга келиб.— Тушунмадингми? «Поезд босиб кетганми?» дединг-ку. Ўшани. Қўрқма, уни ойимга ҳеч ҳам айтмаймиз.

У гўё менга тасалли бермоқчи бўлди. Лекин мен баттар қўрқиб кетдим. Шартта ўрнимдан туриб, ташқарига чиқиб кетдим. Ўшандан кейин анча кунгача, ишқилиб Тулсий билан акам ўша гапни ойимга айтиб қўймасин-да, деб чўчиб юрдим.

\* \* \*

Уйимизда ҳамма ибодат қилади. Калималарни ҳаммамиз ёддан биламиз. Бир хил пайтларда иккала опам, қани, калимани, ким тез ўқиб тугатаркин, деб мусобақа ҳам қилишади. Ибодатни ҳар ким ҳар жойда қилади. Ойим балконда ибодат қилади. Ибодат қилаётганда бош-кўзини дупатта<sup>1</sup> билан ўраб олади. Дадам одатда ибодатни ишхонасида қилади, лекин баъзан шошиб турган бўлса, кечки овқатдан олдинроқ емакхонада ҳам ибодат қилиб кетаверади. Шунақа пайтда дадам калималарни опаларимдан ҳам тез, бирпасда ўқиб ташлайди. У киши кўзини юмиб, ибодатни бошлади дегунча ҳаммамиз жим бўлиб қоламиз. Фақат ойимгина ошхонада идиш-товоқларни тарақтуруқ қилиб ишини қилаверади. Дадам кўзини юмди дегунча ойим овқатни ўчоқнинг устидан олиб қўяди-да, ўрнига товани қўйиб, нон пишира бошлайди. Нон

<sup>1</sup> Дупатта — узун, энсиз майин рўмол.

пишиб, овқат сузилгунча дадам ҳам «Э, Оом!<sup>1</sup> Тинчлик ато эт!» деб ибодатини тугатади-да, кўзини очади.

Дадам овқатини олдига ола туриб «Шукур. Насиб этганингга шукур» деб қўяди. Бу гапни дадам кунда уч марта қайтаради: эрталаб ўрнидан турганда, овқат пайтида ва кечқурун ўринга ётишдан олдин.

Ибодат вақтига дадам унчалик қаттиқ риоя қилмайди. Эрталаб ибодат қилолмаган бўлса, пешинда қилаверади. Кечқурун кўпинча ўзининг ишхонасида ибодат қилади. Ёз кунлари шундоқ ерда шолчада ўтириб, деворга суяниб олиб ибодат қилади. Лекин қиш пайтида ҳеч ерда ўтирмайди, чорпояда ўтириб ибодат қилади. Эрталабки ибодат пайтида дадам кўпинча мудраб кетади. Баъзан эса анча маҳалгача боши эгик ўтириб қолади. Буни кўриб биз, дадам ибодатни тугатяпти, деб ўйлаймиз. Аммо бирдан бошини кўтаради, кўзини бир очиб юмади-да, яна ибодат қилишга тушиб кетади.

Аҳён-аҳёнда, асосан «Арья-самааж»нинг йиллик тантаналарида уйимизга садҳу-маҳатмалар<sup>2</sup> келиб туради. Бу тантаналар пайтида акам иккаламиз бир хилда кул ранг кўйлак билан қалта шим кийиб оламиз. Меҳмонларнинг сон-саноқсиз оёқ кийимларига қоровуллик қиламиз, ўзимиздан катта елпигичларни кўтариб олиб, мажлис аҳлини елпиймиз, ким сув деса, опкелиб берамиз. Шаҳар бўйлаб намойишга чиқилганда биз албатта ҳўкиз аравага ўтириб оламиз. Ўтирганда ҳам стол-стул қўйилган, маддоҳ ўтирадиган аравага ўтирамиз.

Шундай байрам кунларидан бирида овқатдан кейин ойим садҳуларнинг оёғига бош уриб, зорланиб қолди:

— Тақсир, мен жуда мушкул аҳволга тушиб қолдим. Кейинги пайтда ибодатга унча ихлос қилолмай-диган бўлиб қолдим. Ибодатга ўтириб, кўзимни юмдим дегунча хаёлим қочиб кетади. Жуда бошим қотиб қолди. Нима қилсам бўлади? Бир маслаҳат берсангиз.

— Сиз, онам, йўга машқлари билан шуғулланинг. Ўшанда диққатингиз бир ерга тўпланадиган бўлади,— деб маслаҳат берди садҳу.

<sup>1</sup> О о м — тангри номи.

<sup>2</sup> С а д ҳ у — дарвеш, таркидунё қилган одам; маҳатма — улуг зот, авлиё.

Эртасидан бошлаб ойим ҳаммадан бекиниб балконга чиқиб машқ қиладиган бўлди. Бош-кўзини рўмоли билан бекитиб олади-да, аввал ўнг қўлининг кўрсатгич бармоғи билан бурнининг чап тешигини бекитиб туриб чуқур нафас олади, кейин чап қўлининг кўрсатгич бармоғи билан бурнининг ўнг катагини бекитиб туриб нафас чиқаради. Биз тўрттала бола нарёгда туриб олиб, ойимнинг диққати қандай қилиб бир жойга тўпланаркин, деб томоша қилиб турамыз. Лекин икки-уч кун ўтмай ойим машқ қилмай қўйди. Бир неча кундан кейин яна бир садҳу келувди, ойим унга ҳам зорланди:

— Тақсир, мен йўга билан ҳам шуғулланиб кўрдим, ҳамма қоидаларини бажо келтирсам ҳам барибир ҳеч ибодатга ихлос қўёлмаяпман. Энди нима қилсам бўларкин?

— Сиз энди, онам, калима ёд қилинг. Қўлингизга тасбеҳ олиб, бир юз олтмиш марта гаайитрий калимасини такрорланг. Хохласангиз, фақат тангри Оомнинг номини такрорласангиз ҳам бўлади. Шундоқ қилсангиз хаёлингиз жойига келиб қолади.

Шундан кейин ойим тасбеҳ ўгириб калима айтадиган бўлди.

Ойим нима қилса, унга қараб биз ҳам ўшани қилаверамиз. Ойим йўга машқини қилса, биз ҳам йўга машқини қиламиз, тасбеҳ ўгирса, биз ҳам тасбеҳ ўгирамиз. Ойим агар бурнига, оёғининг учига ёки бўлмаса нилуфарга қараб диққатини тўпламоқчи бўлса, биз ҳам худди ўшани такрорлаймиз.

Мен қачон бурнимнинг учига қараб диққатимни тўпламоқчи бўлсам, кўз олдимга албатта акамнинг ё дадамнинг бурни келади ёки бўлмаса пандитжийнинг пучуқ бурни келади. Шундай қилиб, қарабсизки, хаёл айланиб-айланиб чиллакка кетиб қолади.

Лекин дадам бошқача. Диққатни жамлаш, ибодатга ихлос қилиш каби нарсалар у кишининг хаёлига ҳам келмайди.

Бир куни бир садҳу ойимнинг олдида дадамдан «Бабужий<sup>1</sup>! Сиз ибодатни ихлос билан қиласизми?» деб сўраб қолди.

---

<sup>1</sup> Б а б у ж и й — Бабу — тахминан тақсир деган маънони билдиради; жий — ҳурматни англатувчи қўшимча.

Дадам бошини эгиб кулди-да, шундай жавоб берди:

— Ҳа энди, тақсир, кунда икки маҳал худога таъзим қилиш ҳар ҳолда керак нарса. Унга шукрона қилиш лозим.

Дадамнинг назарида ибодат қилишнинг маъноси худога таъзим қилиш ва ато қилган ноз-неъматлари учун унга миннатдорлик билдириш, холос. Бу гапларни эса бир минутда айтиб ташласа бўлади.

Ойим «Арья-самааж» тарафдори бўлиш билангина чекланмайди. У гоҳ-гоҳда бир кичкина идишда ун ёки ёғ олиб гурдваарага<sup>1</sup>, баъзида эса ҳиндуларнинг ибодатхонасига ҳам боради. Уйда битта-яримтамининг тобимиз қочиб қолса, ойим эрталаб туриб гурдваарага бориб келади, кечқурун эса касалнинг бошидан гармдори ўгириб юборади. Баъзан ойим Гўма деган ўртоғи билан бирга ҳиндуларнинг ибодатхонасига боради. Кетатуриб бизга қаттиқ тайинлайди: «Даданга чурқ этиб оғиз очмаларинг. Агар сўраса, ойим Бҳагаватгита<sup>2</sup> эшитгани кетди, деларинг».

Қачон ойим билан дадам бизлар ҳақимизда гаплашиб қолишса, ойим дарров иккала кафтини қовуштиради-да, «Э, худо, болаларимни соғ-саломат сақла. Э, худо, уларга раҳминг келсин» деб ёлворишга тушади. Дадам тутақиб, ойимни койиб беради:

— Намунча «худо, худо» деяверасан? Ахир худони эмас, болаларни гаплашяпмиз-ку!

— Тўғри. Гапингиз жуда тўғри,— дейди ойим шивирлаб, лекин яна дарров кафтларини жуфтлаштириб олади.

Болалар ҳақида гап кетганда ойимнинг худога илтижо қилишини-ку ҳаммамиз биламиз, лекин бунинг сабабини билмаймиз. Менинг учта опам ўлиб кетган. Ойимнинг бу титраб-қақшашига сабаб ўша бўлса керак. Гумонимиз шундан. Уйдагилар баъзи-баъзида ўша опаларимнинг номини тилга олиб туради. Мен уларни кўрган ҳам эмасман, билмайман ҳам. Фақат номларини биламан. Биттасининг оти Сарасватий экан. Бир куни унинг кўйлаги ёниб кетибди. Ойим уни шартта кўтариб, тоғорадаги сувга солибди. Орадан

<sup>1</sup> Гурдваара — сикҳизм динидагиларнинг ибодатхонаси.

<sup>2</sup> Бҳагаватгита — ҳиндуларнинг муқаддас китобларидан бири.

ўч-тўрт кун ўтгач, доктор келиб, унинг ярасни очаёт-ганда бир чинқирибди-ю оламдан ўтибди. Иккинчисининг номи Шантий экан. Бир куни у Пешовардаги уйимизда панжаранинг ёнида ўйнаб ўтирган экан, яна чаён-паён чақиб олмасин, деган ўйда ойим уни ўзи ўтирган зинанинг ёнига олиб келиб ўтқазиб қўйибди. Буни қарангки, худди шу ерда чаён чақиб ўлдирибди. Учунчисининг оти Раж экан. У бир ойлик чақалоқ пайтида ўлиб қолибди. Шунинг учун қачон ойим худга ёлворса, мен ўшаларни ўзимча кўз олдимга келтираман-да, ўйлайман: «Эй! Қанийди энди ўшалар тирик бўлса! Беш опа-сингил, икки ака-ука, яъни етти бола бўлардик! Эрталабдан кечгача маза қилиб ўйнардик! Ушанда ойим ҳам бунақа ялиниб-ёлвориб ўтирмасди» дейман ўзимча.

\* \* \*

Бугун анави млеч<sup>1</sup> қўшнимиз эчки сўйиб, калласини куйдирыпти. Шунинг учун биз бугун ҳаван<sup>2</sup> қиламиз. Тулсий панжаранинг олдига сув селиб, супуриб кичкина-кичкина шолчалар солиб тайёрлаб қўйди. Орқамиздаги ҳовлидан енгил тутун кўтарилиб, ҳамма ёққа ғалати бир қўланса ҳид тарқалаяпти. Ошхонага кираверишда ойим билан иккала опам турибди. Опаларим ҳадеб бурнини жийиради:

— Уф! Ҳиди қурсин. Бу ярамас осийлар ўлгур эчкининг калласини куйдирыпти! Ҳиди бутун маҳаллани тутиб кетди!

— Эчкининг юнги куйганда шунақа ҳид чиқади,— деди ойим.

— Бу осийлар эчкининг калласини куйдириб еса, кейинги туғилишида<sup>3</sup> ўзи эчки бўлиб туғилади-да, буларнинг калласини ҳам бошқалар шундай куйдириб ейди,— бошини чайқаб бидирлади кичкина опам.

<sup>1</sup> Млеч — ифлос, вопок, ҳаром-ҳаришнинг фарқига бормайдиган дегани. Илгарн ҳиндулар мусулмонларни камситиб шундай деб атарди.

<sup>2</sup> Ҳаван — олов ёқиб, қурбонлик қилиш маросими.

<sup>3</sup> Ҳиндуларнинг эътиқодига кўра, ўлган одамнинг руҳи бошқабирон нарса ёки ҳайвонга ўтади. Руҳнинг нима нарсага кўчиб ўтиши инсоннинг қилмишига (карма) боғлиқ. Қайта туғилиш ҳақидаги бу таълимот таносух ақидаси дейилиб, ҳинду динининг асосини ташкил этади.



Ҳамма дадамини пойлаб турибди. Дадам келса, ҳаван бошланади. Аслини олганда, қурбонлик деган нарсага дадамнинг унча тоби йўқ. Сабаби, бу маросим жуда кўп вақтни олади. Дадам кўпинча «Сенлар бошлайвер, мен ҳозир бораман» дейди-ю келмайди. Лекин бугун ойим бўш келмаяпти, панжаранинг олдиндан туриб уни уч марта чақирди.

Мен ҳаванни жуда ҳам яхши кўраман. Кўз ўнгингда оловнинг узун-узун тиллари ҳар хил тусга кириб ўйнайди. Баъзида ойим «Сен ҳам оғзингни чай» деб менинг ҳовучимга ҳам сув қуяди. Мен ойимга қараб туриб аввал оғиз чайиб, кейин ҳўл бармоқларимни олдин кўзларимга, кейин бурнимга, қулоқларимга тегизиб, энг охирида қолган томчиларни бошимга қуяман. Шунақа қилаётганда ҳамма оят ўқийди. Бу оят менга ёд бўлиб қолган. Мен ҳам ҳамма билан бирга оят ўқийман.

— Муқаддас ҳаван оловидан чиқаётган тутун анави ярамасларнинг ифлос тутунини ҳайдаб юборади,— деб қолди дўриллаб Тулсий. Опаларим унинг гапига кулиб юборишди.

Ниҳоят дадам ҳам келди. Келиб, қўлини ювди-да, қўл қовуштириб шолчага ўтирди. Тулсий чироқларнинг шишасини тозалашга тушиб кетди. Ойим билан дадам тўғрима-тўғри ўтирибди. Акам билан икковимиз бир томонда. Одатдагидек, даставвал ҳаммамиз оят ўқидик. Ойим оташдонга ўтин қалаб, олов ёқди. Шундан кейин ҳамма оғзига сув олиб чайқади. Кейин гулханнинг тўрт тарафига галма-галдан сув сачратиб чиқилди. Ниҳоят оловга қурбонлик ташлаш фурсати келди. Қурбонлик маросимининг энг асосий қисми шу. Оловга асосий қурбонликни ташлаш, яъни ёғ қуйиш фақат дадамнинг иши. Қолганлар бошқа нарсалар ташлайди. Шу менга адолатсизлик бўлиб туюлади.

— Сал камроқ ташла. Бунақада бирпасда идиш бўшаб қолади,— деб акам менга тайинлайди.

Гулханга уч-тўрт хил нарса тушган эди, олов पासиниб, тутай бошлади. Тутун кўзимни ачиштирди, лекин мен кўзимни очиб ўтиравердим. Олов тезлашгач, ҳамма орқага сурилди. Аммо мен жойимдан қўзғалмадим. Чунки ҳақиқий орийлар кўзига тутун кирса ҳам чидаши керак. Оловнинг ёнида ўтиришимнинг бошқа сабаби ҳам бор: менинг ҳеч рангим чиқмайди, доим сап-

сарик. Гулханга яқин ўтирсам, юзларим акамникига ўхшаб, қип-қизил бўлиб қолади.

Оловдан хушбўй таратиб чиқаётган тутун қўшнининг тутунини ҳайдамоқда. Чор атрофни ажойиб бир ис тутиб кетди. Тулсий ҳали ҳам зўр бериб лампа шишаларни тозалаяпти.

Ҳаван тугаб, илтижо қилиш бошланди. Дадам кафтларини қовуштириб, кўзини юмди-да, бир-иккита оят ўқиди, кейин «Э, худойим! Э, мурувватли эгам!..» деб худога илтижо қила бошлади. Дадамнинг овози ҳамманикидан ажралиб туради. Мана бошланди. Ҳаммамиз кўзимизни юмиб, қўлимизни кўксимизга қовуштирдик-да, бошимизни эгиб олдик. Дадам оят ўқияпти. У бирдан таққа тўхтаб қолди. Бирпасдан кейин оятни бошидан бошлади. Лекин яна тўхтаб қолди. Наҳотки оят эсидан чиқиб қолган бўлса? Шундай деб ўйлаб, секин кўзимни очиб қарадим. Қарасам, иккала опам ҳам кўзини очиб турибди. Иккови ҳам саросимада, икки кўзи дадамда. Дадам бўлса кўзини юмганича чурқ этмай ўтирибди. Мен секингина яна кўзимни юмиб олдим. Тўсатдан нарёқда, бир чеккада ўтирган Тулсийнинг «...парамам ча дайватам» деган дўриллаган овози эшитилиб қолди. Дадам оятнинг худди шу ерини эсидан чиқарган экан. Тулсий айтгандан кейин оятнинг қолганини охиригача тутилмай ўқиб ташлади.

Юрагим гуп-гуп уриб кетди. Секин кўзимни очиб, Тулсийга қарадим. Кичкина опам ҳам унга қараб турган экан. Аралашгани учун Тулсий ҳозир гап эшитади, деб ўйладим мен. У бўлса оббо деб чироқ шишасини артяпти. Бу ёқда дадам худога илтижо қиляпти: «Эй, парвардигор! Шу кичкинагина хонадондан бахтни аритма. Эй меҳрибон эгам!..»

Мен ҳали ҳам қўрқиб турибман. Акам бошнини салгина эгиб, кўзини юмиб ўтирибди. У ибодат пайтида ҳеч ҳам кўзини очмайди. Ойим ҳам ҳайкалга ўхшаб қимир этмай ўтирибди. Илтижонинг охирига келганда дадамнинг овози титраб кетгандай бўлди: «Гуноҳларимизни ўзинг кечир, ўзинг кечир, ўзинг кечир. Шу уйдан лутфи карамингни аяма, эй худо. Илтижойимизни қабул эт, қабул эт, қабул эт».

Ўтирганларнинг боши яна ҳам эгилди. Дадам «Оом! Тинчлик ато эт, тинчлик ато эт, тинчлик ато эт!» деб илтижони тугатди-да, кўзини очиб Тулсийга қарайди. Ҳозир Тулсийни койиб беради, деб менинг юрагим

така-пука бўлиб кетди. Лекин қарасам, дадам жилмайиб турибди.

— Тулсий, сен жуда бало экансан-ку. Бошқа оятларни ҳам биласанми?— деб сўради ундан.

— Ҳа, мен ҳаммасини биламан,— деб тап тортмай жавоб берди Тулсий.

— Уч маҳалги ибодат оятларини ҳам биласанми?

— Ҳа, биламан, дада.

— Ҳа, кунда эшитавериб, ёд бўлиб қолган бўлса ажабмас,— деди ойим сал ачитиб.

Лекин дадам боягидай кулиб туриб Тулсийга деди:

— Сен бундан кейин ибодат пайтида биз билан бирга ўтиравер. Тур, ҳозир бориб, қўлингни юв-да, қаторга келиб ўтир.

— Ҳой, менга қаранг...— деб ойим қаршилиқ қилмоқчи бўлган эди, дадам гапни бўлди.

— Баракалла. Қани, дарров кела қол,— деди у Тулсийга.

Тулсий шартта ўрнидан туриб, бориб қўлини ювди-да, келиб ойимдан сал нарироққа ўтирди.

— Ҳой, сиз менга қаранг, ахир уйнинг бутун иши шундоқ турган бўлса...— деб яна гап бошлади ойим. Лекин бурнини жийриб, қўл силтади-ю яна жим бўлиб қўя қолди.

Кечки ибодатни ашуладай баравар бошладик. Тулсий дўриллаган овози билан баралла оят ўқишга тушиб кетди. Мен секин кўзимни очдим. Қарасам, катта опам кулиб юбормаслик учун рўмолининг учини зўр бериб лабига босиб турибди. Кичкинаси ҳам кулиб юборишдан қўрқиб ундан нарироққа сурилиб олган. Опамнинг қилиғини кўриб, кулгим қистаб кетди, лекин шартта кўзимни юмдиму акамга ўхшаб, тахтадай қотиб ўтиравердим.

Тулсийнинг овози борган сари авжига чиқиб, дадамнинг овозини ҳам босиб кетди. У оятни ойимдан ҳам, дадамдан ҳам равонроқ ўқимоқда. Дадам эса ўртада тутилиб-тутилиб қолади. Мен яна кўзимни очдим. Дадамнинг юзида жаҳл деган нарсадан ном-нишон йўқ. Аксинча, у жуда хурсанд кўринади. Бу ёқда опам ҳали ҳам лабига рўмолининг учини босиб ётибди. Иккала опам бир-бирига шундай қарайди-ю яна шартта юзини тескари ўгириб олади. Уларнинг қилиғини кўриб, қўрқиб кетдим. Ҳозир биттаси «пиқ» этиб

товушини чиқарса, тамом, иккови ҳам ўзини тутолмай хахолаб кулиб юборади-да, дадамдан балога қолади, деб ўйладим. Ойимнинг яна хаёли қочаётганга ўхшайди: оятни ўқиб туради-да, жим бўлиб қолади. Тулсий оятни яна ҳам тезроқ ўқий бошлади. Дадам ҳам кўзини очиб, кулиб Тулсийга қараб-қараб қўяди. У киши ниҳоятда хушнуд.

Ибодат тугаши билан дадам ҳеч кимга бир нарса демай ўзи чапак чалиб худонинг шаънига мадҳия айтишни бошлаб юборди.

Тулсий бунга ҳам жўр бўлди. Дадамнинг баланд ўхшовсиз овози билан Тулсийнинг йўгон дўриллаган овози ўртасида гўё мусобақа бошланиб кетди. Дадам секин-секин чапак чаляпти, боши бир ёққа қараб қийшайиб кетяпти.

Тулсий дадамга жўр бўлди дегунча опаларимнинг кулгиси шарақлаб отилиб чиқиб кетди. Иккови ерга думалаб, қотиб-қотиб куляпти. Рўмоли билан оғзини бекитишга уринади, лекин қани энди бекитолса.

Бирдан ойим ҳам кулиб юборди. Ойим кулганида қорни силкиниб-силкиниб кетади. У бутун гавдасини силкитиб бирпас кулди-да, яна жим бўлиб, ҳайкалдек қотиб қолди.

— Ҳой Видя! Ҳой Вимла!— деди дадам зарда билан.

Дадамнинг дўқидан опаларим жим бўлиб қолди. Лекин уларнинг сабр-тоқати фақат бир зумга етди, холос. Тулсийнинг бошини ғоз тутиб, оят ўқишига кўзи тушди-ю, яна ўзини тутолмай хахолаб кулиб юборишди. Шундан кейин иккови баравар ўрнидан туриб, қочиб чиқиб кетди.

Мадҳиядан кейин тинчлик ояти ўқилди. Тулсий буни ҳам ёддан биларкан. Буниси ҳам тамом бўлгач, ойим тиззасига қўлини тираб, ўрнидан турди-да буюрди:

— Видя! Вимла! Шолчаларни йиғиб, балконга опчиқиб қўйларинг. Қани бўла қолларинг. Кеч бўлиб кетяпти.

Дадам илгаригидек кулиб Тулсийга қараб турди-да деди:

— Эртадан бошлаб энди ҳар куни биз билан бирга ўтиравер.

— Ҳа, сен бемалол ўтиравер,— кесатди ойим.— Уйда нима иш бўлса, мен ўлгур турипман-ку. Ҳой Тул-

сий! Қани ўрнингдан тур-чи! Кўрмайпсанми вақт алламаҳал бўлиб кетди. Бор, ўчоққа олов ёқ.

Тулсий кетгандан кейин дадам ойимга секин деди:

— Бу бола жуда ўткир чиқиб қолди. Бизга қўшилиб ибодат қилиб турса, одам бўп қолади. Сен унақа ҳар нарсага аралашавермагин.

— Бўпти, узр, хато мендан ўтипти,— деб кесатди ойим.— Уни нима қилсангиз қилаверинг. Арья-самаажий қиласизми, садҳу-дарвеш қиласизми, ихтиёр ўзингизда. Менга нима! Ўзи шундоқ ҳам ҳеч нарса қилмасди. Сиз бошингизга чиқариб олсангиз, энди қўлини сувга ҳам урмай қўя қолади. Бўпти.

Ойим шундай деди-ю ўгирилиб ошхонага қараб кетди. Дадам ёнида ўтирган Балдев акамга деди:

— Пандитжийнинг дарсига эртадан бошлаб бунга ҳам опкиргин. Бунга ҳам дафтар-қалам бергин.

— Дада, Тулсий шундоқ ҳам дарсга киради. Ҳозир ҳиндийчани бемалол ўқиб-ёзади,— деди акам.

Овқатдан кейин идиш-товоқ йиғиштирилгач, ойим қатиқ нвитишга ўтирди. Тулсий эса ошхонада бир бурчакка тиқилиб олиб, қозон-товоқларни ювишга тушди. Идиш-товоқнинг тиқир-тиқирини биз анча вақтгача эшитиб ётдик. Ойим билан дадам соат осиглик ётоқхонага кириб кетишди. Одатда ойим чорпога чордона қуриб ўтириб олади-да, тасбеҳ ўгиради ёки бирор бошқа иш қилади. Дадам бўлса иккала қўлини орқасига қилиб олиб, уйнинг ичида у ёқдан-бу ёққа юради. Ойим тасбеҳ ўгириб туриб ҳам уни-бунга гапираверади. Бунга рухсат бор. Ойим билан дадамнинг битта-яримта гапи қулоққа чалиниб туради. Икковлари баъзан бирдан жанжаллашиб кетишади, бир-бирларига қаттиқ-қуриқ гапириб юборишади. Кейин ойим жиғиллаб ўрнидан туради-да, у ердан чиқиб, биз ётган уйга киради. Дадам эса анчагача ўша уйда у ёқдан-бу ёққа юраверади.

Мана ҳозир яна уларнинг суҳбати қулоққа чалинапти.

— Сиз энди Тулсийни ҳам ёнингизга олмоқчисиз,— деб гап бошлади ойим.— Сиз бунинг умрини хазон қилмоқчимисиз?

— Нима?— дадам юриб турган жойида таққа тўхтаб қолди.— Ўқиса, умри хазон бўладими? Сенинг эҳшунинг жойидами ўзи?

— Бунингиз ўқиб жуда нима иш қиларди? Битта-

ярихта банкага бошлиқ бўлармиди? Идиш-товоқ ювади, холос. Бошқа нима қиларди? Бунни ўз ҳолига қўйинг. Ҳаётини бузманг.

— Бўпти, бўпти, жуда кўп эшитганман бунақа гапларингни. Менга кўп ақл ўргатаверма.

— Сизлар ҳаммани «Арья-самааж»га аъзо қилиш билан оворасизлар. Ҳадеб аъзо қилавермай, борини эплаб олсанглар-чи! Эсингиздами анави мусулмонни ҳам аъзо қилиб олувдинглар? «Арья-самааж»дагиларнинг ҳаммаси «Аржундев, Аржундев» деб жуда ўлиб-бўларди. Уни уйлантириб ҳам қўймоқчи эдинглар. Бир куни анави оғайнингиз ҳазрати Нанакчанд келиб «Бекажон, иккита-учта чойшабингизни беринг, Аржундев гул босишни ўрганмоқчи, ҳаммасига гул босиб беради» деб қолди. Яп-янги тўртта чойшабни бериб юбордим. Қани энди ўша Аржундев? А? Менга ўхшаган қанча-қанча одамларнинг чойшабини олиб, гумдон бўлди-кетди.

— Ҳа, гапир-а, гапир! Ичингда қолмасин. Ҳеч тўхтама. Ҳой, Тулсийнинг саводи чиқса, сенга нима зарари тегади? А?

Мен ётган жойимда ваҳимага тушдим. Булар ҳозир уришиб кетади, бир-бирига қаттиқ-қаттиқ гапирди, деб қўрқиб кетдим. Уришгудек бўлса, ойим одатлагидек «Мен сизга тегиб нима рўшнолик кўрдим? Одамни нуқул қон йиғлатасиз» дейди. Агар жанжал яна ҳам зўрайиб кетса, ойим иккала кафтини жуфтлаштириб йиғлашга тушади «Эй, худо! Тезроқ жонимни ола қол. Сарасватий қизим, Шантний, Ражларни бу дунёдан олиб кетдинг, мени ҳам ўшаларнинг ёнига олиб бориб қўя қол!» деб илтижо қилишга тушади. Мен шундай бўлади, деб қўрқиб турган эдим, лекин жанжал авжига чиқмади. Ойим жаҳл билан «Менга нима? Уқитсангиз, ўқитаверинг, «Арья-самааж»га аъзо қилинг. Бу бола на у ёқлик бўлади, на бу ёқлик» деди-ю жанжал тугаб, гап бошқа ёққа бурилиб кетди. Унаштирув, хат, яна нима балолар тўғрисида гап кетди. Шу гапларнинг орасида Видянинг номи қайта-қайта тилга олинди. Бу номни эшитиб менинг қулоғим диккайди. Ие, булар Видя опамни унаштирар эмишми? Унаштириш дегани нима ўзи? Мен ҳайрон бўлдим. Қатталарнинг гапини тушуниб борган сари қийинлашиб борди.

Бугун яна ойимнинг калитлари йўқолиб қолди. Худонинг берган кунни калит йўқолади. Ойим қатиқ ивтиб ўтирган эди, ўрнидан турди-да, шалворининг тубсиз қатларини ағдар-тўнтар қилиб, калит қидиришга тушди.

Шу пайт бирдан қаердандир бировнинг аксиргани эшитилди.

— Ана, Атарсинҳ аксирди. Биз бўлсак ҳали ошхонадаги ишларга қўл ҳам урганимиз йўқ. Ҳаммаси қандоқ бўлса, ўшандоқ ётипти,— деди ойим жиғибийрон бўлиб.

Атарсинҳ ҳолвачи ҳар кунни бир вақтда — эрталаб роппа-роса соат ўн бирда аксиради. Шу одамнинг аксиргани эшитиб, маҳалладаги кўп одамларнинг ҳуши ўзига келади. Мен ўшани кўриш учун балконга югурдим.

Аксирини эшитиши билан рўпарамиздаги Файз Али аравакаш чекиб турган чилимини қўйди-да, «Қани энди борай бўлмаса, вақт ҳам бўпти» деб чорподан турди-да бориб аравага от қўша бошлади.

Чап томондан қўлига тасбеҳ ушлаб мавлавий Исҳоқ чиқди-да, кўчанинг ўртасига тушиб олиб намоз ўқигани масжидга равона бўлди.

— Ҳой Балдевинг онаси!— пастдан туриб бақирди дадам.— Мактабга болаларга сутни юбордингми, йўқми? Бу Тулсий қаёққа даф бўлиб кетди?

— Ҳа, дада, нима гап?— сўради Видя опам панжаранинг олдига келиб.

— Гап шуки, Атарсинҳ аксириб ҳам бўлди, сенлар бўлсанг ҳали ҳам болаларга сутни жўнатмабсанлар. Тулсий қаёққа кетди?

— Дада, бугун болаларнинг иккови ҳам мактабга боргани йўқ. Бугун ой тўлган кун, байрам-ку ахир,— деди Видя кулиб.

Дадам бирпас турди-да, кейин «Шунинг илгарироқ айтсанг бўлмасмиди» деб «ишхона»сига кириб кетди.

Ойим ҳам одатда Атарсинҳ аксирини билан кувдан ёғни оларди. Лекин калит йўқолиб, ўшани қидириш билан овора бўлиб қолди.

— Ҳозиргина Видяга ёғ олиб бердим-а. Ҳой Видя! Нега индамайсан? Қалит қани? Нега ҳеч қайсингдан садо чиқмайди? — деб хуноб бўляпти ойим.

— Ойи, мен яна ўзингизга қайтариб бердим-ку,— деб жавоб берди Видя опам нариги уйдан чопиб чиқиб.

— Ҳой Балдевнинг дадаси! Сиз кўрмадингизми калитларни?— сўради ойим панжаранинг олдига келиб.

Пастдан стулнинг гирчиллаган овози эшитилди-да, бир оздан кейин дадам ҳовлига чиқди.

— Мен сенга минг марта айтдим, рўмолингнинг учига боғлаб юргин, деб. Қаердалигини мен қасқдан билай. Бўёқчининг шкафини қараб кўрдиларингми?

Одатда уйимизда бир нарса йўқолди дегунча дарров бориб бўёқчининг шкафини қаралади.

Ойим панжаранинг олдидан қайтиб келди. Унинг баттар хуноби ошиб кетди. Утирган жойларини, шалворининг ораларини яна бир марта қараб кўрди. «Шу ерда бўлса, топилмасмиди? Бу уй шундоқ бир бевош уйки, бир нарса йўқолдими, ҳаммаси дарров соқов бўлади-қўяди» деб жиғибийрон бўлди ойим.

Биз тўртала опа-ука ҳам калит қидириб ҳамма ёқни тити-пити қилиб ташладик — бўёқчининг шкафи ҳам, ошхона-ю ёғ турадиган ҳужра ҳам қолмади. Ҳатто чироқ турадиган токча, ўчоқнинг орқаси, шолчаларнинг таги — ҳаммасини қараб чиқдик. Калитлар ерда ҳам йўқ, кўкда ҳам.

— Топилдими калит?— пастдан туриб сўради дадам.

— Йўқ, дада, ҳали топилгани йўқ,— жавоб берди Видя.

Зинада даданинг оғир-оғир қадам товуши эшитилди.

— Ҳозиргина Видяга ёғ олиб берувдим. Видя, нега соқовга ўхшаб турибсан? Нега индамайсан? Гапир!— жиғилляпти бу ёқда ойим.

Ойим ошхонага кириб, ўчоқнинг олдига борди-да, оёғининг учида туриб ўчоқнинг орқаларини қарай бошлади.

— Бунақа қидиришингда ўн йилда ҳам тополмайсан,— деди дадам ойимга қараб. Ойим бўлса саросимага тушиб, дам у ёққа югуради, дам бу ёққа.

— Сен бир жойга ўтириб, хотиржам ўйлаб кўр, охирги марта қаерда кўргансан, ўзи? — деб маслаҳат берди дадам.— Ана ўшанда калитларинг шундоқ кўзингга кўринади-қўяди.



— Э-э, сиз ҳам қаёқдаги гапларни гапирасиз-а! Айтяпман-ку, ҳозиргина Видяга ёғ олиб берувдим, деб.

Ахийри топилмагач, ойим дадам айтгандай қилди: бир жойга ўтириб, кўзини юмди-да, калитни охирги марта қачон ишлатганини эслай бошлади.

— Сабзавотчига пул олиб бердим,— деди у ўйлаб.

— Бугун унга пулни мен олиб бердим-ку,— гапани бўлди дадам.— Сен кечаги кунни айтяпсан. Яна ўйла бошқатдан.

Шу маҳал зинада бировнинг шип-шип қадам товуши эшитилди. Кичкина аммамдан бошқа ҳеч ким бундай энгил юролмади. Аммам бизникига келди дегунча ҳаммамиз югуриб бориб, унга ёпишиб оламиз. У паст бўйликкина, истараси иссиқ аёл. Доим мулойим илжайиб туради.

— Аммам келдилар!— деб қичқирди Видя опам даричадан қараб. Кейин дарров унга хабар берди:— Амма! Калитимиз йўқолиб қолди. Эрталабдан бери қидириб тополмаяпмиз.

Аммам оёқ кийимини ечиб, уйга кирди.

— Эрталабдан бери қидира-қидира жонимда жон қолмади,— деб ҳасрат қилди ойим.

— Фолбинга кўрсатиб қўя қолмабсиз-да. Анави ариқнинг бўйида ўтиради-ку,— деди аммам.— Мен ғир этиб бориб келаман. Атиги бир пайсагина ҳақ олади.

Аммам шундай деб, ҳозиргина ечган оёқ кийимини яна кия бошлади.

— Э, фолбин нима қилиб беради?— деди ғижиниб дадам.

— Ахир сўраб кўрсак, нима қипти, ака? Атиги бир пайса олса,— деб аммам зинадан пастга туша бошлади.

— Э, билганингни қилларинг,— деди дадам баттар ғижиниб. Дадам «Арья-самааж» тарафдори бўлгани учун фолбин деса кўнгли айнайди.

— «Рамаяна»ни ҳам бир қараб кўриш керак. Дуч келган бетини очинг-да, ўқиб кўринг. Бир хил вақтда тўғри ҳам чиқиб қолади.

— Э-э, кел, қўяқол, сингилжон. Эркакларга ёқмаган нарсани қилиб, барака топиб бўладими?

— Калитни тайинли бир жойга осиб қўймагунингча ҳар куни йўқотаверасан,— зарда қилди дадам.— Кел, шу нарсани ҳозир сенга ўзимоқ қилиб берай.— Шундай деб дадам «бўёқчининг шкафи»га яқинлашди.

— Шу ерда болға турувди, йўқ. Қаёққа кетднйкин?—деб қолди у гижиниб. Кейин шкафнинг тортмасидаги бўш шиша, бало-баттарларни титкилай бошлади.— Бу уйда ҳеч нарса ўз жойида турмади-турмадида,— деб пўнғиллади дадам.

— Бир жойда ётгандир-да, дадаси. Ҳозир болганинг нима кераги бор?— деди ойим кувнинг ёнида ўтирганнича.

— Тулсий қаёққа даф бўлиб кетди? Ўша бирон ерга қўйган бўлса керак,— деди яна тўнғиллаб дадам. У шкафдан битта катта мих олди. Кейин зинанинг ёнидаги гиштлардан бирини олиб, у билан меҳмонхона олдидаги деворга мих қоқа бошлади.

— Ҳаммаларинг икки қулоғинг билан эшитиб қўйларинг,— деди михни қоқа туриб.— Бундан буён калит шу ерда туради. Олдиларингми, ишлатиб бўлиб, яна шу ерга илиб қўйларинг! Эшитдиларингми?

Дадам фақат калитнинг эмас, бошқа нарсаларнинг ҳам аниқ бир жойда туришини яхши кўради. Чунончи у киши ҳамиша «Чироқ манави токчада турсин. Кимда-ким олса, яна худди шу ерга опкелиб қўйсин. Ёғ соладиган воронка шишанинг оғзида турсин ва ҳоказо» деб тайинлагани-тайинлаган. Олдин ҳам бир марта калит йўқолган эди. Ушанда дадам ўз қўли билан калитларни ойимнинг рўмолига боғлаб қўювди. Биз роса маза қилиб кулган эдик. Чунки дадам билан ойим жуда камдан-кам шунақа ҳазиллашади.

Дадам калит осншга мих қоқиб бўлгач, меҳмонхона ёнидаги осма соатга кўзи тушиб қолди. Соат қачонлардан бери тўхтаб ётибди.

— Ке, шуни ҳам бир юрғизиб қўяй,— деди дадам.

У стулга чиқиб милларини айлантриб, соатни тўғрилади. Соат аввал тўққизга занг урди, яна битта айлантрирган эди ўнга, кейин ўн бирга урди. Дадам соатни ўн биру чоракка тўғрилаб, қопқоғини ёпиб қўйди-да, кўйлагининг чўнтагидан битта қалам олиб, соатнинг устидан тагидан деворга чизиқ тортиб қўйди.

— Ҳой Балдевинг онаси! — деди у ойимга.— Эсингда бўлсин: соатни ҳеч ким ўрнидан қўзғатмасин. Соат шу чизиқлардан сурилиб кетмасин. Тушундингми?

Аслида соатга дадамнинг ўзидан бошқа ҳеч ким тегмайди, чунки у жуда баландда. Стул қўйиб чиқма-

са, соатга дадамнинг ҳам бўйи етмайди. Лекин шундай бўлса ҳам, ҳар гал соатни бураганда албатта шундай деб тайинлаб қўяди. Ойимга тайинлаб бўлгач, дадам ҳалиги қалам билан соатнинг ёнига урдуча қилиб «Сешанба куни буралди» деб ёзиб қўйди. Тепароқда бир ёзув бор эди, уни ўчириб қўйди. Унинг тепасида шунақа яна иккита ўчирилган ёзув турибди.

— Ўзи арзимаган нарса, лекин биров ҳафсала қилмаса, бекор,— деди дадам стулдан туша туриб.

Аммам фолбиннинг олдига бориб келди-да, ойимга шивир-шивир қилди:

— Йўқолган нарса қоронғи бир ҳужрада турибди, деяпти. Кириб, ўнг томонга беш қадам юрилса, топилади, деяпти.

— Э-э, худди ана ўша қоронғи ҳужра қулф-да,— деди ойим тарвузи қўлтиғидан тушиб.

— Вой, бўлмаса пичанхонададир,— деди чаҳчаҳлаб Видя,— борувдингиз-а ўша ёққа? Сигирни ечгани борувдингиз, а?

— Борган бўлсам, энди бормайман,— деб шарт кесди ойим.— Чаён-паён чақиб олади.

— Йў-ўқ, ойи, нега сиз бораркансиз? Тулсийни юборамиз,— деди Видя.

Лекин ойим калитнинг ўша ерда тушиб қолганига ҳеч ишонгиси келмади.

— Вой худойим-ей! Ундан кейин ахир Видяга ёғ олиб бердим-ку,— деб хуноб бўлди ойим.

— Сиз ошхонани ҳам бир қараб кўринг,— деб маслаҳат берди аммам.— У ер ҳам ҳужрага ўхшаш қоронғи жой-ку. Ҳойнаҳой калитлар ўша ерда ётибди. У ерда ҳам бўлмаса, унда «Рамаёна»га қараб фол очиб кўрамиз.

Бир пайт Вимла опам индамай келиб остонага туриб олди. Иккала қўлини орқасига қилиб олган, нуқул жилмаяди. «Вой, калит топилдими?» деб қичқириб юборди уни биринчи бўлиб кўрган Видя опам. Шундай деб, у ўзини Вимлага олди. Бу Видя нега энди чинқиради, деб ўйладим мен. Вимла калитни топганда диконглаб, калитларни шарақлатиб келарди. «Калитни топдим! Калитни топдим!» деб бутун уйни бошига кўтарарди. Лекин бунинг туриши бошқача, ҳеч калитни топганга ўхшамайди. У бошини бир ёққа қийшайтириб, билинар-билинемас кулиб турибди. Хурсандлиги ҳеч билинмайди.

— Вой ўлай! Қаерда экан?— жон ҳолатда сўради ойим панжарага суяниб. Ҳаяжондан рўмолнинг учи билан оббо деб оғзини артяпти.

— Кувнинг шундоқ тагида ётган экан.

— Ҳа, ана, ўзим ҳам айтдим-а, бўлса фақат шу кувнинг олдида бўлади, деб — шарақ этиб қўлини қўлига урди ойим.— Бошқа қаёққа кетарди? Ахир шу ердан бошқа ёққа бормаган бўлсам. Ҳа, Видяга ёғ олиб бериб, калитни шу ерга қўйган эканман-да. Ўзи менинг одатим шу: калитни ҳеч кўзимдан нари кетказмайман.

— Дада! Дада! Калит топилди!

Дадамнинг ишхонасидан яна стулнинг ғирчиллаган овози эшитилди. Кейин дадам ҳовлига чиқди-да, «Ойингга айт, михга илиб қўйсин» деб буюрди. Ойимнинг панжарага суяниб турганини кўриб қолиб, унга мурожаат этди:

— Балдевинг онаси, қатиқ бўлса, идишда озроқ тушириб юбор. Бир чўмилиб олай.

— Шу пайтда чўмилсангиз, сутни қачон ичасиз?— деди зарда билан ойим.— Эрталаб ичадиган сутни мана шу маҳал бўлди, ҳали ичганингиз йўқ. Яна ўзингиз, бу уйда ҳеч тартиб йўқ, дейсиз!

— Ҳой инсон! Намунча жаврайсан? Чўмилсам, ўн соат чўмилармидим? Шунча жаврамасанг, аллақачон чўмилиб чиққан бўлардим.

Дадамнинг бу гапига ойим бошини сарак-сарак қилиб, панжара олдида кетар экан, шу байтни ўқиди:

Имом, устоз, машъала — уччови битта,  
Элга берар ёруғлик, ўзи эса зулматда.

\* \* \*

Туш пайтида кўчада яна шовқин-сурон бўлиб қолди. Ойим иккала опамни ёнига олиб машинада нимадир тикиб ўтирган эди. Шовқинни эшитиб, учовининг ранги қув ўчиб кетди.

— Оббо, жувонмарглар-ей,— деди ойим ғазаб билан.— Булар яна биронта сомсапазни талаяпти.

Иккала опам югуриб деразанинг олдида борди-да, бамбук парданинг тирқишидан пастга қарай бошлади.

У ерда нима бўлганини мен яхши биламан. Худди соат тўртда пандитжий бизни ўқитиб бўлиб, уйга кетганида кўчамизга энди соя туша бошлаган бўлади.

Шу пайтда елкасига саватини қўйиб олган бир сомсапаз ҳовуз томондан келиб, кўчамизга бурилади. У ёши анчага борган оппоқ бир одам. Унга биров ғиринг-пиринг демайди. Лекин баъзи-баъзида унинг ўғлими ёки бошқа бирон сомсапаз саватини кўтариб ўтиб қолса, кўчамизда турадиган Шайхнинг ўғли, мавлавий Исҳоқнинг ўғли, Найнов — учаласи бир бўлиб ҳалиги сомсапазни олдига ўтказиб олади-да, сомсасини тушира бошлайди. Сомсани тўйиб еб олгач, сомсапаз, қани пулини бер, деса, бечорани дўппослаб уради. Шундай пайтларда дадам уйдан чиқиб, сомсапазни ажратиб олади. Анавиларни уришади, мавлавий Исҳоқнинг ўғлига дўқ-пўписа қилади. Бу ёқда ойим юрагини ҳовучлаб ўтиради. Шўрлик дам панжаранинг олдига чопади, дам деразанинг олдига.

Бугун яна шовқин кўтарилиб қолди. Шайхнинг ўғли ўртоқлари билан бирга яна биронта сомсапазни қийратган бўлса керак, деб ўйладим.

— Ойи, кўчамизда ҳеч ким йўқ-ку! — деди Видя.

— Ундоқ бўлса, катта кўчададир, — деб ойим шартта ўрнидан турди-да, балконга қараб юрди. Биз ҳам ойимнинг кетидан балконга чиқдик.

Қарасак, бир одам симёғочга танғиб қўйилибди. Файз Али салласини ечиб олиб, ўша билан ҳалиги одамни янада сиқиб боғлаяпти. Саллани оббо деб тартади. Ҳалиги одам икки букчайиб қолган. Афти-башараси қип-қизил, кўзи косасидан чиқиб кетай деб турибди. Шўринг қурғур қўли боғлоқ бўлганидан ўзини қутқариш учун ҳеч нарса қилолмайди. Туриб-туриб боши қаттиқроқ мункиб кетади-да, Файз Алига ҳалақит қилади. Файз Али афти-башарасига аямай зарб билан мушт урса, бечоранинг боши орқага оғиб кетади-да, бирпасдан кейин шилқ этиб елкасига тушади. Лабларидан тирқираб қон оқяпти. Бу даҳшатли манзарани кўриб, оёғимда жон қолмади, қалт-қалт титрай бошладим.

Шу пайт уйдан чўлоқланиб Нуру бобо чиқди-да, тўғри симёғочнинг олдига бориб, қўлидаги таёқ билан ҳалиги одамни уриб кетди. Одамлар йиғила бошлади.

— Вой-бў! Бу золимлар бечорани ўлдириб қўяди. Ичак-чавағини ағдариб ташлайди, — деди ойим куюниб. Кейин орқасига ўгирилиб, зинадан югурганича пастга, дадамнинг олдига тушиб кетди. Биз тепада қолавердик.

Дадам хонасидан чиқиб, кўча эшикка қараб юрган эди, ойим шартта йўлни тўсди.

— Эшикдан бир қадам чиқсангиз, нақ ўлигимни кўрасиз. Қачон қараса, маҳалланинг кўзига ёмон кўрингангиз-кўринган. Одам деган ҳам шунақа бўладими?

— Ҳа, нима қил дейсан? Сичқонга ўхшаб биқиниб ўтираверайми бўлмаса? — деди дадам тутақиб.

— Менинг ўлигимни кўраман десангиз, кўчага чиқасиз. Оёғингизга бош ураман, чиқа кўрманг.

— Э-э, нима деб валдираяпсан!

Дадам оёғини тортиб олди-да, кўчага чиқиб кетди. Биз ака-ука иккаламиз пастга тушдик.

— Тулсий қаёқда? Ҳой Видя! Вимла! Қарангларчи, Тулсий қаёқдайкин? Уни пастга тушира кўрманглар! Тушундингларми? — ойим тепага қараб қизларга тайинлади.

— Тулсий уйда ухлаб ётибди, — деди Видя опам.

— Қараб тур, пастга туша кўрмасин. Э худойим! Шу кишига ҳам ақл бер! Ҳар нарсага аралашавермасин! — кўчага чиқиб кетган дадамнинг орқасидан нола қилди ойим.

Дадам кўчага чиқиб, тўғри симёғочнинг олдига борди. Салла ўрамагани учун озғингина кўриняпти. Биз ака-ука иккаламиз кўчага чиқиб олдик. Мен симёғочга боғлиқ одамдан кўзимни узмай қараб турибман. Оппоққина, қўнғир соқолли экан. Соқолининг бир чеккасидан қон томиб турибди.

Дадам Нуру бобонинг олдига бориб, бир нарса деди. Нуру бобо ҳалиги одамни уришни тўхтатди.

— Э-э, тақсир, сиз ҳали ҳеч нарсани билмайсиз. Бу тухуминг қуригур бошқа маҳалладан келган, — деди Нуру бобо дадамга қараб ва яна уришга тушиб кетди. У ҳам уряпти, ҳам бир нарсалар деяпти, гапини тушуниб бўлмайди.

Файз Али танғилган одамнинг чўнтагидан битта шиша олиб, дадамга кўрсатди. Шижанинг тагида озгина сарғиш сув кўринди. Уни кўриб, Нуру бобо яна уришга тушди.

Дадам жуда ётиги билан гапиряпти. Сомсапазни калтаклашганда бақириб-чақириб гапирадиган дадам ҳозир Файз Али билан Нуру бобога жуда мулойимлик билан гап уқтиряпти. Файз Али бир оз ҳовуридан тушиб қолган, боғлашга унча зўр бераётгани йўқ, лекин

ҳали ҳам туриб-туриб бир мушт тушириб қолади. Қалтакнинг зарбидан анави бечоранинг боши сарак-сарак бўлиб кетади.

Дадам уйга қайтиб кириб, тўғри ўз хонасига бурилди. Ойим тепада панжаранинг олдига келиб, қараб турган эди. Дадам хонасининг эшигига борганда бетоқат бўлиб сўради:

— Ҳа, нима гап экан? Гапирсангиз-чи энди! Нима бўпти?

— Ҳеч гап йўқ,— деб мужмал жавоб қилди дадам.

— Бирон нарса бўлгандир. Бир одамни симёғочга боғлаб бекорга ураётгани йўқдир, ахир.

— У ҳам шуларга ўхшаган бир одам экан. Бир уйда ўтириб ичкилик ичаётган экан...

Биз турганимизни кўриб, дадам гапидан тўхтаб қолди. Бирпас жим турди-да, кейин ичкарига кириб кетди.

Шу пайт кўчадаги шовқин-сурон яна авжига чиқди. Биз балконга югурдик. Қарасак, ҳовуз томондан учтўрт киши қўлига таёқ кўтариб бақариб-чақариб югуриб келяпти. Уларни кўрди-ю, Файз Али ҳам югуриб кириб, уйдан бел кўтариб чиқди. Каримхоннинг ўғли билан Фатҳиддин ҳам таёқ кўтариб чиқди. Ҳовуз томондан келаётганлар етиб келиб ўзини Файз Али билан Нуру бобога ташлади. Файз Али биттасини бел билан уриб, жағини ёриб юборди. Қон фонтан бўлиб отилиб кетди. Нуру бобонинг бошидан ҳам қон оқа бошлади. Ҳалигилардан биттаси танғиб қўйилган одамни бўшатишга тушди. Бир маҳал ёнбошдаги кўчадан Субадорнинг ўғли хоккей ўйнайдиган таёғини кўтариб чиқди-да, ҳалиги учта одамдан биттасининг орқасига қулочкашлаб бир туширди. Шу орада бутун маҳалла тўпланди-да, ҳайҳайлаб, бақариб-чақариб уришаётганларни ажратишга тушди. Ажратаётганлар ичида Атарсинҳ ҳам бор. Унинг салласи гоҳ у ерда кўринади, гоҳ бу ерда. Бундай қарасак, ҳовуз томондан яна иккита одам таёқ кўтариб югуриб келяпти. Уларнинг орқасидан иккита хотин ҳам ҳаллослаб келяпти. Биттаси ковушини ечиб, қўлига кўтариб олган.

Симёғочга боғланган одам оломоннинг ичида кўринмай кетди. Таёқларнинг ҳавода силкиниши ҳам камайди. Ойим акам иккаламизни деразанинг олдидан тортиб олди.

Дадам хонасига кириб, яна ишига шўнғиб кетди. У ўзи нима иш қилади, билмайман. Ишхонасида ўтириб олиб битта бармоғи билан чиқиллатиб машинкада хат ёзиб ўтиради. Ҳар пайшанба куни дадамга чет элдан хатлар келади. Шу куни ҳеч ким унинг олдига киролмайди. Ҳатто ойим ҳам. Уйда шовқин-сурон деган нарса бўлмайди. Дадам ойимга ҳар хил газмолларнинг намунасини беради. Опаларим уларга ёпиштирилган расмларни кўчириб олади. Ойим бўлса ўшалардан бизга кўйлак-шалворлар тикиб беради. Дадамнинг катта бир қутиси бор. Қути қалам, ранг-баранг коса-пиёлалар билан лиқ тўла. Баъзиларига инглизча ҳарфлар билан бир нарсалар ёзилган. Уйимизга ўқтин-ўқтин ҳар хил савдогарлар келиб туради. Дадам уларни ишхонасига опкириб кетиб, анчагача суҳбатлашиб ўтиради.

Бир маҳал дадам пастдан туриб «Тулсий!» деб чақириб қолди. Югуриб панжаранинг олдига бордим-да, пастга қарадим: Ҳовлида дадам турибди. У кишининг шундай орқасида иккита бегона одам. Биттасининг бошида туркча қалпоқ, иккинчисининг бошида машҳадча рўмол, эғнида жуда кенг-кавл шалвор. Демак иккови ҳам мусулмон экан. Мен чопиб ойимнинг олдига бордим-да, ҳовлиқиб дедим:

\* — Ойи, ойи, уйимизга иккита мусулмон кепти.

Ойим машинада бир нарса тикиб ўтирган экан, аввалига ҳайрон бўлиб, бирпас менга қараб турди. Кейин ўрнидан туриб, панжара олдига борди. Шу пайт Тулсий кўзини ишқалаганича балкондан чиқиб, тўғри зинага қараб югурди. Дадам ўз хонасига кирди-да, эшикни ичкаридан маҳкам бекитиб олди. Ойим панжаранинг олдида турганича сал энгашиб, дадамнинг хонасида бўлаётган гапни эшитмоқчи бўлди. Лекин ҳеч нарса эшитилмади. Ойим энди уйга қайтиб кириб кетаётган эди, Тулсий пастдан ҳовлиқиб чиқиб қолди.

— Ойижон, иккита савдогар кепти. Дадам ўшаларга овқат-повқат опкел, деб буюрдилар,— деди у шоша-пиша.

— Бўпти, бориб ўчоққа олов ёқ-да, чой қўйиб юбор.

Ойим шундай деди-да, ўзи ҳам ошхонага қараб йўл олди.

Ошхонага кираверишдаги махсус бир токчада доим иккита чинни лаганча, иккита гулли пиёла ва битта чиройли чойнак туради. Бу асбоблар мусулмон



савдогарларга аталган. Улар келганда ош-овқат шу идишларда берилади. Улар кетганидан кейин ойим бу идишларни аввал лаққа чўққа қўйиб қиздирадиде, сўнг қайноқ кул билан ювиб-тозалаб, яна жойига қўйиб қўяди.

Ақлим етдики, булар дадам билан уришгани келган эмас, булар савдогарлар. Мен қўрқмай пастга тушдимда, секин эшикни очиб, дадамнинг хонасига кирдим.

Дадам узун чарм диванда ўтирибди. Қўлида бир парча оппоқ ялтироқ арқонда, ҳалиги савдогарга қараб гапиряпти:

— Урами олти-ю чоракдан бўлади. Бундан ками бўлмайди. Хўш, неча ўрам ёзай?

— Жуда қимматлик қилади,— деди машҳадий либос кийган мусулмон.

— Э-э, тақсир-ей! Сиз ҳам шуни энди қиммат десангиз! Қўйинг-ей!— деб дадам ҳалиги одамнинг соқолига қўлини тегизди.— Ҳозир бунақа арқонни ҳеч ким қилмайди. Битта фаранг қолди, холос. Қолганлари урушда ўлиб йўқ бўлиб кетди.

— Барибир жуда қиммат,— деди яна ҳалиги одам.

— Хўш, қани, неча ўрам ёзай? Унақа жуда ҳам ўйлайверманг, тақсир! Бутун Пешоварни айланиб чиқинг, бунақа арқонни мендан бошқа одамдан тополмайсиз. Қани бўпти, сизники ҳам бўлмасин, меники ҳам. Урами олтидан бўлсин. Энди бундан камига бўлмайди. Бундан ками камлик қилади, тақсир. Узингиз инсоф билан ўйланг.

Савдогар мусулмонлар билан маҳалладаги мусулмонлар ўртасида жуда катта фарқ бор. Дадам савдогар мусулмонлар билан бемалол очилиб-сочишиб, кулиб гаплашади, меҳмон қилади, тортинмай уларнинг соқолини ҳам ушлаб қўяди. Лекин маҳалладаги мусулмонлар ҳаммаси нопок. Эчки сўйиб, калласини куйдиради, ҳинду сомсапазларни талайди. Болалари бўлса ишқ-муҳаббат ҳақидаги ашулаларни айтиб юради, ҳаммаси сўкиб сўзлашга ўрганган. Шунинг учун дадам бизларни улар билан ўйнатмайди.

Шу пайт Тулсий овқат кўтариб кириб қолди. Дадам менга «ташқарига чиқ» деб ишора қилди. Мен тўғри балконга чиқиб, кўчага қарадим. Оломон тарқаб кетибди. Икки чорпояда иккита одам ётибди, устига оқ чодир ташлаб қўйилган. Полициячи ҳам айланиб юрибди. Қўлига ковушини кўтариб олган ҳалиги

хотин бир чорпоянинг олдига ўтириб олган-да, чорпоянинг оёғига мушти билан уриб-уриб додлайди. Мен анчагача шу манзарадан кўз узолмай турдим. Кейин бир нечта одам иккала чорпояни кўтарди, уч-тўрт киши уларнинг кетидан юриб эргашди-да, ҳаммаси маҳалладан чиқиб кетди.

\* \* \*

Ака-ука иккаламиз зинадан пастга тушдик. Опаларим тепада панжарага суяниб, ҳовлига қараб турибди. Ҳовлида эса дадамнинг олдида Тулсий турибди. Бошида салла, эгнида дадамнинг эски узун чопони. У биз билан бирга ўтириб ўқийдиган бўлганидан бери кўчага бошланг чиқмайди. Доим салла ўраб чиқади.

Дадам Тулсийни койияпти:

— Минг лаънат сенга. Хатни нега қайтариб олиб келдинг? Бошлиғига мени айтмадингми? Дарров оларди.

— Айтдим, дадажон. Ҳар сафар айтаман. Лекин бугун олмади. Хат соладиган қопни аллақачон муҳрлаб қўйган экан, шунинг учун олмади.

Мен дарров тушундим. Шу хатни деб Тулсий деярли ҳар кун кечқурун дадамдан гап эшитади. Хатни бир неча ерга ташласа бўлади. Бизга энг яқин почта қутиси Атарсинҳ қолвачининг дўкони ёнида. Уйдан шундоққина икки қадам. Бу қутидан хат соат тўртларда олинади. Нарироқда, майдонда почтахона бор. У ерда хат қоронғи тушмасдан анча олдин, соат беш яримларда олинади. Энг катта почтахона уйимиздан анча узоқ, бозорнинг ёнида. У ердан хат қоронғи тушгандан кейин, яъни соат еттиларда олинади. Хоҳлаган одам хатни соат тўққизгача вокзалдаги почтага ҳам ташласа бўлади. Унга ҳам улгурмаган одам ўнда кетадиган поездга ташлаб юборса ҳам бўлади. Тулсий одатда хатни шаҳарнинг бош почтасига олиб бориб ташлайди. Мана бугун қайтариб олиб келибди.

— Сенга ўзи ҳеч иш буюриб, барака топиб бўлмайди. Нон ғажиги бўлса сенга. Нима қилиб безрайиб турибсан? Югурмайсанми стацияга! Анҳордан ўтиб, тўғри кесиб чиқ. Хатларни ташлаб, дарров изингга қайт,— деди дадам Тулсийга қараб.

— Бу уйдаги ишларга ҳеч ақли етмайди одамнинг,— жиғибийрон бўлди ойим ошхонадан чиқиб.—

Шундоққина икки қадам нарида-ку почта қутиси турибди. Ҳа шу хатларингизни сал олдинроқ ёзиб қўя қолинг, шунча гап-сўз йўқ. Бу Тулсий шу кетганча қачон келади энди? Уйнинг бутун иши шундоқ ётган бўлса.

— Ҳой одам, сен ўзингнинг ишингни бил. Нега бошқа ишга аралашасан? — койиди дадам.

— Ҳамманинг-ку ўзингиз «тартиб-тартиб» деб қулоғини қоқиб қўлига берасиз...— деди ойим панжарага суянганича.

Дадам шартта катта уйга кириб кетди-да, ўша ердан туриб жаҳл билан бир нарсалар деяпти.

Ҳозир уриш чиқиб кетади, деб ҳаммамиз қўрқиб кетдик. Кичкина опам секингина ойимнинг ёнига борди-да, этагидан тортиб, «Ойи, бўлди энди. Дадам гапирса ҳам сиз индаманг» деди.

— Ахир мен нима дедим? Тулсийни бир ерга юборсангиз, вақтини билиб юборинг, дедим, холос. Шунга энди гуноҳкор бўлдимми? Ахир шу пайтда олиб бориб ташлайдими хатни?

— Бўлди, ойи. Бўлди, гапирманг энди,— шивирлади яна Вимла ойимнинг этагидан тортиб.

Дадам «меҳмонхона»дан нариги уйга ўтиб, зарда билан деди:

— Сенлар ўзи нима қиляпсанлар? Шу маҳалгача чироқ ёқмадиларингми?

— Бор, Видя, чироқни ёқиб кел,— деди ойим.— Уйда айни иш қайнаган вақтда Тулсийни хат ташлагани юборасиз.

Бу гапдан дадам тутақиб кетди:

— Ҳа? Энди ишхонанинг ишини ҳам сендан сўраб қилайми? А?

Ойим ҳориб-чарчаган одамдай аранг ўгирилди-да, панжарадан нари кетди.

— Майли, билганингизни қилинг. Мен шўрлик шу пайтгача нима рўшнолик кўрувдимки, энди кўраман.

— Бўпти, мен кетдим. Мана жўнадим. Мендан рўшнолик кўрмаган бўлсанг, турқимни ҳам кўрмай қўя қол,— деди дадам жаҳл билан. У зинадан пастга тушар экан:— Мендан рўшнолик кўрмаган эмиш,— деб гўлдиради.

Ойим индамай ўчоқ бошига бориб ўтирди. Азбаройи жаҳли чиқиб кетганидан юзи қип-қизариб кетган.

Биз ҳаммамиз секин келиб, ойимнинг ёнига шўп-

пайиб ўтириб олдик. Уйимизни чуқур, юракни эзиб юборадиган сукунат чулғаб олди. Сукутни Балдев бузди.

— Энди дадам ҳеч ҳам қайтиб келмайдиларми?— сўради у йиғламсираб.

— Билмайман,— деб ойим тескари қараб олди. «Дадам кетиб қолди, энди қайтиб келмас экан» деб акам пиқиллаб йиғлай бошлади. Унинг йиғиси борган сари авжига чиқаверди. Ойим унга тикилиб турса ҳам, чурқ этиб бир нарса демайди. Кичкина опам ўрнидан туриб акамнинг олдига келди-да, рўмолининг учи билан унинг ёшини артиб, «Қўй йиғлама. Менинг ботир укамсан-ку. Йиғлама» деб туриб ўзи ҳам йиғлаб юборди. Шундан кейин тўртала бола баравар йиғлашга тушдик.

— Вой мен ўлай!— деб қолди бир маҳал ойим қўлини қўлига шарақлатиб уриб.— Мен гуноҳкор банда.

Тилим ўлгурни ҳеч тийиб туrolмасам.— Кейин икки кафтини жуфлаштириб, худога илтижо қила кетди.— Э, худойим! Менга эс-ҳуш ато қил. Камроқ гапирадиган бўлай. У тагидаги шолчани орқага сурди-да, деворга суяниб олди.— Бўлди, шу кундан бошлаб мен чурқ этиб оғиз очмаганим бўлсин. Ҳеч кимга гапирмаганим бўлсин.

\* Ҳазабдан ойимнинг юзлари ҳали ҳам қип-қизил. Унинг қандоқ қилиб индамаслигини ҳаммамиз яхши биламиз. Ҳар беш-олти кунда бир марта шунақа деб қасам ичади-да, индамай уйдаги ишларни қилиб юраверади. Унча-мунча ўнғайроқ ишларни имо-ишора билан тушунтиради, қийинроғини эса ёзиб кўрсатади. Шунини яхши билган Видя опам югуриб кириб, тахтача билан кўмир қалам олиб чиқди.

Уйдаги вазият яна ҳам оғирлашди. Тулсийдан ҳали ҳам дарак йўқ. Учоқдаги олов ўчиб қолай-ўчиб қолай деяпти. Видя опам зина тепасидаги токчага атиги биттагина чироқни ёқиб қўйди.

— Ойижон, тандирга олов ёқайми?— сўради у келиб ойимдан.

Ойим аввалига индамай турди. Кейин бошини қимирлатиб қўйди. Опам бунинг маъносини тушунмади.

— Нима қилай? Ёқайми, ёқмайми? Ёки Тулсий келиб ёқадими?— сўради у ҳайрон бўлиб.

Ойим яна бошини қимирлатди. Опаларим яна ҳеч нарса тушунмай, бир-бирига қаради. Кейин ик-

кови ҳам даҳанини тиззасига тираб ерга қараб ўтириб олди.

Пастдан бирдан дадамнинг овози эшитилди:

— Ҳў Балдевнинг онаси. Бузоқ ечилиб кетиб, онасини эмиб қўйипти! Тулсий ўзи шунақа бир кетса, йўқ бўлиб кетади.

— Дадажон келдингизми?— бир сакраб панжаранинг олдига бориб сўради акам .

— Ҳали ҳеч қаёққа кетганим йўқ. Ойингга айтиб қўй, бузоқни боғлаб қўйдим. Унча кўп эммапти. Мен ҳозир келаман.

Шундан кейин кўча эшикнинг ёпилгани эшитилди. Биз яна чувиллашга тушдик. Акам ойимнинг орқасида туриб олди-да, елкасидан қучоқлаб ялинишга тушди:

— Ойижон! Жон ойижон! Гапира қолинг. Энди дадам ҳеч қаёққа кетмас эканлар-ку, гапира қолинг.

Акамга қўшилиб биз ҳам ялина бошладик. Ойимнинг кўнгли жуда бўш. Бирпасдан кейин чуқур хўрсинди-да, тилга кириб кетди:

— Ҳа, бўпти. Ҳар ким ўз қилмишига ўзи жавоб беради. Мен ўзимга жавоб бераман, даданг ўзига.

Шундай деб ойим ўрнидан турди-да, ўчоққа олов ёқишга тушди. Уйдаги вазият яна анча енгиллашди.

Атроф тобора қоронғилашиб боряпти. Бугун ойим одати бўйича у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиргани дадамнинг хонасига кирмади. Дадам эса ҳар кунгидек уйнинг ичида у ёқдан-бу ёққа юрибди. Ойим тўсатдан чорпояда ўтирган жойида қўшиқ бошлади:

Қўрқ эгамнинг қаҳридан,  
Ўз билганин қиладур...

Қўшиқ орасида дадамнинг оёқ товуши эшитилиб турибди.

Бир қарасанг, подшо қилур,  
Бирдан «тур!» деб қоладур.

Бошқа вақт бўлганда дадам ойимни койиб берарди. Чунки бунақа қўшиқларни ёқтирмайди. «Ҳаммаси олди-қочди гаплар» дейди. Лекин бугун негадир индамаяпти. Тулсий ҳам идиш-товоқларни йиғиштириб бўлиб, ётгани балконга чиқди. Ҳамма чироқлар ўчирилган, уй зим-зиё. Ойим эса қўшиғини тўхтатмайди:

Қўрқ эгамнинг қаҳридан,  
Ўз билганин қиладур..

«Меҳмонхона»нинг ёнида озиқ-овқат қўйиладиган омборхона бор. Унга «меҳмонхона»дан кирилади. Ҳозир унинг эшиги занжир. Мен, опам, Тулсий — учаламиз томоша қўймоқчи бўлиб, омборхона ичида тайёргарлик қиляпмиз. Томоша бўлишини хабар қилиб биринчи ноғора чалинган.

— Сен отсан. Бўйнингни мана бундоқ қимирлатасан. Мана бундоқ қилиб. Мен сенинг устингга миниб оламан,— деб акам менга ўргатяпти.— Мен устингга минаман, сен юриб анави бурчакка борасан. Ҳозир нарёқдан айланиб киргин-да, опамнинг бошидаги рўмолини олиб келгин.

— Уни нима қиламиз?— сўрадим мен.

— Ие, расмда кўрмаганмисан? Маҳараана Пратап Синҳ<sup>1</sup> салла ўраган-ку.

Мен шартта деразадан балконга ошиб тушдим-да, у ердан меҳмонхонага кирдим. Меҳмонхонада омборнинг эшиги олдида томошабинлар яъни иккала опам, яна уларнинг ўртоғи Манўрма спектакль бошланишини бесабрлик билан кутиб ўтирибди. Уйлаб ўтиришга вақт йўқ. Шунинг учун мен бориб, катта опамнинг бошидан шартта рўмолини юлиб олдим, балконга қараб югурдим. Опам аввалига дод солди, кейин қочишимни кўриб, кулиб юборди.

Мен худди сеҳрланиб қолгандай акамдан кўзимни узолмай турибман. Акам кўмир қаламни ҳўллаб, ўзига мўйлов ясаб олган. Унинг бир чеккаси оқиб суркалиб кетибди. Акамнинг қўлидан келмаган иши йўқ. Буни ҳам ҳозир бирпасда тўғрилаб олади.

— Тулсий, қани иккинчи марта «ноғорани» чалчи,— буюрди акам.

Балконда ўтирган Тулсий тунука банкани ноғора қилиб чалди. Томоша бўлишини бутун маҳалла эшигсин, деб «ноғора»ни атайлаб балконга қўйганмиз.

Акам салла ўраш билан банд. Кейин тўтининг партидан саллага уқпар қадайдди. Мен картондан қилинган қилични акамнинг камарига тиқиб қўйишга уриниб ётибман.

<sup>1</sup> Маҳараана Пратап Синҳ— Мевар князлигининг ҳоқими. 1568 йилда Бобирнинг невараси Акбаршоҳдан енгилиб, тоққа қочиб кетган. Уша ерда туриб қарийб йигирма беш йил кураш олиб борган.

— Бошингни қимирлатиш эсингдан чиқмасин, хўпми? Мана бундоқ қилиб қимирлатасан. Кўрдингми? Отлар бошини шундоқ қимирлатади,— яна тушунтирдн акам.

Шу маҳал бирдан пастдан дадамнинг овози келди:

— Тулсий! Бу ёққа кел. Юкларни тушириб ол.

Тулсий «ноғора»сини ташлаб, пастга қараб чопди: «Томошабин» опаларим ҳам югуриб, балконга чиқди. Маҳараана Пратап билан от бир-бирига қараб қолаверди. «Уйга меҳмон кепти-да» деб ўйладим мен.

Ака-ука иккаламиз лип этиб, балконга ошиб тушдик. Қарасак, уйимизнинг олдида кичкина автобус турибди. Юз-кўзини чанг босган бир одам катта бир қутини автобусдан олиб, Тулсийга узатяпти. Автобуснинг олдида беш-олти киши турибди.

— Вуй! Кашмирдан қариндошларимиз кепти!— чинқирди Видя опам.

Иккала опам чопганича пастга тушиб кетди. Уларнинг кетидан биз ака-ука ҳам ўқдек отилдик.

— Вой-бу, ака,— шанғиллади бир хотин мени бағрига босиб.— Бунга ҳеч овқат берасизларми, йўқми ўзи? Озиб кетганини қаранг!— Шундай деб у мени у юзимдан-бу юзимдан чапиллатиб ўпа бошлади.

Аёл мени бағрига босганда биринчи марта ғалати бир ҳид бурнимга урилди. Баланд бўйли бир одам дадам билан қучоқлашиб кўришди. Икковининг бошида каттакон салла. Ие, кап-катта одамлар ҳам қучоқлашиб кўришадими?— деб ҳайрон бўлдим мен.

Ҳалиги аёлнинг орқасида пальто кийган учта қиз турибди. Биттаси тилла гардишли кўзойнак таққан. Учови акамга қараб куляпти. Акам бошига опамнинг рўмолини салла қилиб ўраб олган, кўмир билан чизиб олган мўйловни бутун лаб-даҳанига суркалиб кетган. Ёши акамдан каттароқ оппоққина бир бола юкларни автобусдан Тулсийга олиб беряпти.

«Булар қайси тоғдан келганикин? Уша уйимизнинг орқасидан кўринадиган тоғданмикин» деб ўйладим мен.

Ҳаммамиз меҳмонхонага кирдик. Ҳалиги бола энди чорпоянинг арқонини тортиб, таранг қилишга ур尼亚пти. Бу бола анави қизларнинг акаси экан. У чорпоянинг четига оёғини тираб олиб, унинг арқонини зўр бериб тортяпти. Кучанганидан икки юзи қип-қизариб кетган. Акам иккаламиз унга тикилиб қараб туриб-

миз. Кашмирдан келган учала қиз, иккала опам ёни-миздаги чорпояда тизилиб ўтирибди.

Шу пайт Тулсий патнисга қўйиб стаканларда иссиқ чой олиб келиб қолди.

— Биз Кашмирда тузли чой ичамиз,— деб қолди кўзойнакли қиз чойдан бир ҳўплаб кўриб.

Акам, худди сеҳрлангандек оташдоннинг ёнида туриб, чорпоя арқонини тортаётган болага тикилиб қолган. Мен бўлсам уялиб-суялиб чорпоянинг четида ўтирибман.

— Э-э, туз қўшилган чой ҳам бўладими?!— дедим мен ҳайрон бўлиб.

— Бўлганда қандоқ! Вой галварс-ей! Кашмирликлар фақат тузли чой ичади-да.

Бу гапни эшитиб, мен баттар ҳайрон бўлдим.

— Биз ширмой ҳам еймиз,— деди энг кичкина қиз уялибгина. Автобусдан тушаётганида юзи қип-қизил кўрунувди, энди сап-сарик бўлиб қолибди. Лекин тиши ярқираб турибди.

— Сен ҳеч ширмой еганмисан?— сўради у мендан. Бошимни чайқадим.

Булар қайси оламдан келган ўзи? Ғалати-ғалати гапларни гапирди. Қийимлари ҳам бошқача. Қийимидан келадиган ҳид ҳам антиқа. Булар ким ўзи? Ё парилармикин?

Уларнинг устунлигини тан олмай, мен ҳам мақтандим:

— Мен ибодатнинг ҳамма оятларини ёддан биламан.

— Мен ҳам биламан,— деди у қиз кулиб.— Сен шлокларни биласанми?

— Шлок нима?— сўрадим мен уялиб.

— Вой-вой, шуни ҳам билмас экан! Вой галварс-ей!— деди у кулиб опаларига. Опалари ялт этиб менга қаради.

— Қелларинг шлокларни айтамиз,— деди кўзойнакли опаси.

Шундан кейин учала опа-сингил чорпояда чордона қуриб ўтириб олишди.

— Вой-бў, бу ер жуда иссиқ экан-ку,— деб юзи дум-думалоқ, жингалак сочли каттароғи елкасидан шол рўмолини олиб қўйди.— Биз у ёқда доим печканинг олдида ўтирардик.

«Печка»си нима бўлдийкин?» деб ўйладим мен



ичимда. Шундай деб ўйладиму ўзимдан ўзим уялиб кетдим, ўзимни ўзим ёмон кўриб қолдим. «Ширмой» нима деганийкин? «Галварс» дегани нимаийкин? Шулари ўйлаганимча уларга кўзимни катта-катта очиб тикилиб турибман.

Опа-сингиллар чордона қуриб ўтириб олди-да, шлок айтишга тушди:

Твамева мата ча пита твамева,  
Твамева бандхушча сакҳа твамева...

Анави бола ҳам бир чорпояга келиб ўтирди-да, у ҳам қизларга қўшилиб шлок айта бошлади. Мен уларга тикилганимча эшитиб турибман-да, ичимда ўйлайман: «Ширмой, тузли чойга ўхшаб, бу шлоклар ҳам кашмирча бўлса керак».

Тулсий ҳам даҳлизда турганича кашмирча шлокларни эшитиб турибди. Мен бир нарсага ҳайрон бўлдим: кашмирча шлокларни айтганда кўзни юммага ҳам бўларкан, кейин орада бир-бири билан гаплашса ҳам, оёқни чорпоядан осилтириб ўтирса ҳам бўлавераркан.

— Бу ҳам оят айтишни билади,— деди катта опам Тулсийни кўрсатиб.

— Бу китоб ўқишни ҳам билади. Ҳамма китобларни ўқиб ташлайди,— деди кичкина опам жуда фахр билан. Яъни у «сизларда ширмой бўлса, шлоклар бўлса, мана бизда Тулсий бор» демоқчи бўлди.

— Бу мадҳия айтишни ҳам билади,— мақтанди опам.— Битта мадҳияни мен ўргатганман.

— Қани, бир эшитайлик-чи. Қанақа мадҳияларни биласан?— сўради қизларнинг энг каттаси.

— Биз фақат «Тангрига олқиш» деганини айтамыз. Ундан бошқасини айтмаймыз,— деди Тулсий.

Шу пайт бирдан ойим келиб қолди-да, иккала қўлини белига тираб Тулсийга ўдагайлаб кетди:

— Сенинг бу ерда хаха-тарала қилиб ўтиришдан бошқа ишинг йўқми? А? Мен ўлиб бўлдим-ку, бунинг парвосига ҳам келмайди. Ҳамма нарсага мен ўлгур балогардон. Ҳеч кимнинг уч пуллик иши йўқ. Қани юр. Нима қилиб безрайиб турибсан! Ул-ей!

Тулсий кўнгли вайрон бўлиб, бошини эгганича ломим демай уйдан чиқди. Унинг кетидан вайсаб-вайсаб ойим ҳам ошхонага қараб кетди.

— Турларинг, сенлар ҳам бориб кеннойимга қарашларинг,— деди жингалак сочли қиз сингилларига.

· Бирдан ўйин-кулги тўхтади. Ҳамма бўшашиб бирин-кетин ўрнидан туриб кетди.

Эртаси куни ҳар ким ўзининг ёшига муносиб ўртоқ танлаб олди. Опаларим меҳмон қизларнинг энг каттасига китоб жавонини кўрсата бошлади. Балдев эса кўзойнакли қизга камон отишни ўргатишга тушди.

— Мен ерга ётиб, оёғимнинг бошмолдоғи билан камон ота оламан, — деб мақтаняпти акам. — Аржунга<sup>1</sup> ўхшаб, мен ҳам ойнага қараб туриб нишонга оламан.

— Пьеса ҳам қўясизларми? — деб сўради қиз.

— Бўлмаса-чи! Притҳвираж, Аванкумар, Маҳараана Пратап тўғрисидаги пьесаларни қўямиз. Кеча ҳам сизлар келганда томоша қўймоқчи бўлиб турувдик. Маҳараана Пратапни. Унда мен Маҳараана Пратап бўламан, укам от бўлади.

— Сенда тож борми?

— Тожнинг ўрнига салла ўрайман, — деди Балдев маъюс тортиб.

— Ундоқ бўлса, мен сенга эртага тож ясаб бераман.

Қизларнинг энг кичкинаси деворга суяниб чорпоёга яхшилаб ўтириб олган-да, қандайдир бир қалин китобни ўқиб ўтирибди. Мен секин-секин юриб унинг олдига бордим-да, бирпас қараб турдим. Буни сезиб унинг оппоқ юзи қип-қизариб кетди. Китобдан кўзини узиб, менга қаради. Кейин китобини қўйди-да, менга гапира бошлади:

— Сенга бир нарса айтайми? Бизни ўқитадиган муаллимамиз тўртала Ведани ёддан билади, — кейин лабини қисиб, бошини чайқаб туриб шивирлади: — Яна бир нарсани айтаман. Муаллимамизнинг эри-чи... унинг битта кўзи кўр. Билдингми? — У яна лабини қисиб, калласини қимирлатди. — У ҳаммадан бекитиб ҳайкалга сиғинаркан, шунинг учун кўр бўлиб қолган экан.

— Сенинг тишларинг марвариддан қилинганми? — деб сўрадим унинг ярқираган тишларига анча тикилиб туриб.

У бир зумгина менга индамай қараб турди-да, кейин кулиб юборди:

---

<sup>1</sup> Аржун — қадимги ҳинд эпоси «Маҳабҳарата»нинг қаҳрамонларидан бири.

— Вой галварс-ей! Тиш ҳам марвариддан бўларканми? Марваридни бўйинга тақади-ку. Кел, мен сенга тишимни кўрсатай.

Қиз менинг бармоғимни тишига тегизиб, у ёқдан-бу ёққа юргизди.

— Бизларни ўқитадиган пандитжий, аёлларнинг юзига қараш гуноҳ бўлади, дейдилар,— дедим мен шивирлаб.— Сен аёлмас, қиз боласан-ку, а?

У гапимни тасдиқлаб бош қимирлатди.

— Бизнинг пандитжий ҳам бирон катта гуноҳ қилганлар. Шунинг учун буринлари пучуқ бўлиб қолган.

Мен ҳам ўша қизга ўхшаб лабимни қисиб, бошимни қимирлатишга ҳаракат қилдим.

Шу пайт ҳовлидан чағир-чуғур қилган овозлар эшитилиб қолди. Иккала катта қиз китоб жавонини кўриб бўлиб, эшикнинг олдига бориб ҳовлига қараб турибди.

Кашмирлик меҳмон бола ҳовлида арқон ўйнапти. У сакраб-сакраб ҳовлининг у бошига боради-да, кейин яна сакраб-сакраб қайтиб келади. Зўр бола экан. Қўлидан келмаган иш йўқ. Мен ҳаммадан ҳам унинг бошидаги кокилига қойил қолдим. Биз акам иккаламизникидан анча узун. Кейин тақводор одамларга ўхшаб, бир тугиб ҳам олган. Энг ҳавасим келгани шуки, югурганида кокили силкиллаб кетади. Бизларники бўлса қулоғимизнинг олдида шалпайиб ётади. Ўша боланинг кокилини кўриб, кеча кечаси мен ҳам кокилимни тугиб олувдим, баттар кичкина бўлиб кетди.

Меҳмон энди арқон ўйинни ташлаб, чопишга тушди. Унинг иккита синглиси оёқларини роса кериб бири иккинчисининг оёғига оёғини тираб, ҳовлига рўпарама-рўпара ўтириб олган. Бола югуриб келиб, уларнинг оёқлари устидан сакраб ўтиб кетади. У анчагача шунақа томошалар кўрсатди. Кейин акам билан билак ушлаш ҳам ўйнади. У акамнинг билагини маҳкам ушласа, акам ундан қутулмоқчи бўлиб чап томонга роса эгилади. Лекин ҳеч қутулолмайди. Акам унинг билагини ушласа, у бир силтаб қутулиб кетади.

Томошалардан кейин мен секин унинг олдига бориб, «Сиз худони кўрганмисиз?» деб шивирлаб сўрадим. Чунки мен, худо агар бировга кўринадиган бўлса, шу ҳойнаҳой кўрган, деб қаттиқ ишонгандим.

У аввал менга ҳайрон бўлиб қараб турди, кейин комил ишонч билан «Ҳа, бир марта кўрганман» деди.

Мен ҳанг-манг бўлиб унга тикилиб қолдим.

— Бир куни ибодат қилаётганимда ҳамма ёқ қоп-қоронғи эди. Бир маҳал кўз олдим ёп-ёруғ бўлиб кетди,— деди у. Кейин мендан сўраб қолди:— Сен ҳам шунақа ёруғликни кўрганмисан?

Мен дилим вайрон бўлиб, «йўқ» деб бош чайқадим.

— Гуноҳкор кишиларнинг кўзига бунақа ёруғлик кўринмайди,— деди у қатъий оҳангда.

Жуда кўнглим чўкиб кетди. Бошимни эгиб, ерга қараб қолдим. Мен ростдан ҳам гуноҳкорман. Акам шунақа деб неча марта дакки берган. Икки марта ош-хонадан шакар ўғирлаб еб, ҳеч кимга айтмаганман. Акамнинг оғзидан ҳеч сўкиш чиқмайди, менинг оғзимдан жуда ёмон сўзлар чиқиб кетади. Афғ-башарамдан гуноҳкорлигим билиниб турибди. Акам билан кашмирлик боланинг юзига қаранг — қип-қизил, яшнаб турибди. Меники бўлса сап-сарик.

Тулсий зинанинг ўртасида деворга суяниб турибди. Ойим икки қўлини белига тираб, ўқрайиб уни койи-япти:

— Нима қилиб бу ерда биқиниб турибсан? Мен сени бир соатдан бери қидираман,— ойимнинг овози бутун уйда худди момақалдироқдай эшитилипти.— Ҳой, сенга айтаяпман, бу ерда нима қилиб турибсан ахир? Нега чақирсам, индамайсан? Гапир! Нима қила-япсан бу ерда?

Зинанинг тагида ҳамма болалар қимир этмай турибди. Ҳаммасининг кўзи юқорида, ойим билан Тулсийда.

— Нега гапирмайсан? Ҳа, янги қилиқ чиқардингми? Олдин туппа-тузук иш қилардинг. Энди нима жин урди сени?

Ойим уришиб ётибди, Тулсий бўлса без бўлиб унга қараб турибди. Тулсийнинг кўйлаги тагида бир нарса дўппайиб турган эди, ойим ўшани кўриб қолдида, дўқ қилиб сўради:

— Ичингга нима бекитдинг? Айт, нима бу? Ҳа, энди ўғирлик қилишга ўтдингми?

Юрагим шув этиб кетди. Ойим шартта Тулсийнинг кўйлагини кўтарди-да, липпасига қистирилган бир нарсани суғуриб олди. Қарасак, китоб экан.

Бирдан кўзойнакли қиз ўртага тушди.



— Кеннойижон, мендан китоб сўровди. Бу китобни унга мен берувдим,— деди у мулойимлик билан.

Ойим икки қўлини белига қўйиб яна ўшқирди:

— Бир соатдан бери шу ерда китоб ўқиб ўтирган экансан-да, а? Бу ёқда сени қидиравериб оёғимда оёқ қолмади. Ҳой бола, менга айт-чи, хизматкор одам ўқиб нима қилади? А? Уқийдиган экансан, бу ерга келиб нима қилардинг? Узимникилардан нима оқибат кўряпманки, сендан кўраман. Э-э! Бўпти, юр энди, пастга туш, ишингга қара. Битта ўзим ҳали бу иш ўлгурдан қачон қутуламан.

Тулсий ҳали ҳам ҳайкалдай қотиб турибди. Ойим илгари бошқаларнинг олдида Тулсийни ҳеч бунақа қаттиқ уришмаган эди.

— Бу қандоқ бедодли кун! Бирорта иш айтганинг-дек бўлмайди-я! Бу китоб ўқишдан бўшасайкан, иш қилса!

Тулсий бирдан зинага чўкка тушди-да, ўнг қўлини тиззасига тираб, бошини қўлининг орасига олиб олди. Унинг танаси силкина бошлади. Ойим яна вағиллади:

— Ҳай, ҳай, мана бунинг қилаётган қилиғини қаранглар. Ҳой Видя! Вимла! Нима қилиб анқайиб турибсанлар? Чақир дадангни!

— Дадам йўқлар. Поччам билан бирга бир ёққа чиқиб кетганлар,— жавоб берди опам.

Нима бўлаётганини мен ҳали ҳам тушунолмаб турибман. Ойим Тулсийнинг елкасидан силтаб «Қўйвор! Қўйвор!» дейди. Тулсий бўлса қимир этмай ўтирибди.

— Ҳой, қанақа жоҳил бола бу! Бунга бир нарса деганим ҳам йўқ. Ўзидан-ўзи қўлини тишлаб ташлаяпти-я!

Шу пайт Видя опам чопиб зинадан чиқди-да, ойимга қўшилиб у ҳам Тулсийнинг елкасидан ушлаб силтай бошлади. Тулсий шунда ҳам қўлини тишлайверди.

— Вой, мен энди нима қиламан?—ойимнинг овози қалтираб кетди.— Ҳой Балдевнинг дадаси, қаёқдасиз? Балдев! Сенлар у ёқда нима қилиб томоша қилиб турибсанлар?

Тулсий оғзидан қўлини олди-да, ўтирган жойида ҳўнг-ҳўнг йиғлашга тушди. Дўриллаган овози йиғлаганида жуда ҳам беўхшов бўлиб кетди.

Бир маҳал Тулсий шартта ўрнидан турди-да, зинадан туша бошлади. Атрофида шунча одам турганини

кўриб, шундоқ довдираб қолдики, кўрган одам эси оғиб қолибди, деб ўйлайди. У пастга тушиб, тўғри балконга қараб юрди. Унг қўлида тишларнинг изи шундай қонталашиб қолган.

— Ҳой Вимла! Бор, ошхонадан гармдори опкел. Тезроқ бўл,— деб буюрди-да, ойим зинадан чиқиб, балконга юрди. Биз ҳам ойимнинг кетидан бормоқчи эдик, кашмирлик қизларнинг опаси юбормади...

Уша куни кечаси ҳаммамиз ўринда ётган эдик, бир пайт Видя опам кўзойнак таққан кашмирлик қизга «Ҳой, тезроқ ўрнингдан тур. Юр» деб қолди. Буни мен ҳам эшитдим, акам ҳам эшитди. Кашмирлик қиз ўрнидан турди-да, Видя опам иккови олдинма-кетин ҳовлига чиқиб кетди. Акам икковимиз билдирмасдан уларнинг орқасидан тушдик. Ҳовли қоп-қоронғи. Лекин ҳў осмонда юлдузлар чарақлаб ётибди. Шу топда уйимиз жуда бошқача кўриниб кетди.

Қарасак, пастдан, ғуслхонадан Тулсийнинг овози келяпти. Аввалига пастгина эшитилди, кейин борган сари баландлашиб борди. Тулсий ўрнига ётишдан олдин худога илтижо қилаётган экан:

Э, марҳаматли худойим!  
Куч-қудратинг бепоён.  
Менга иноят қилгин.  
Сутни тўкиб юбормай,  
Тертларни вақтида қорай,  
Хатларни вақтида ташлай.  
Бугун чироқ шишасин синдириб қўйдим.  
Лекин, э, худойим, менда айб йўқ,  
Узи дарз кетган эди.  
Э, худойим, ўзинг биласан.  
Мен бир зум ҳам бекор ўтирмайман.  
Э, худойим, синглим Шантийни ҳам  
Соғ-саломат сақлагин.  
Укам Амичанд ҳам  
Соғ бўлсин, ўйнаб-кулиб юрсин.

Видя опам пиқ этиб кулиб юборди-да, болохонадан уйга югуриб кириб кетди. Унинг кетидан биз ҳам чопиб кириб кетдик.

Мен яна келиб, ўрнимга ётдим. Ичкаридан ойимнинг овози эшитилди:

— Энди ҳар ҳолда илгаригидек эмас. Илгари бошқаларни тишларди, кўринганга ёпишиб, уриш-жанжал қилиб юрарди. Энди ҳар ҳолда ўзини тишлайдиган бўпти-ку.

Ойим шундай деб кулар экан, қорни силкиниб кетди. Қоронғи бўлса ҳам аниқ кўриб турибман.

— Бу бола «Арья-самааж» дагиларга ўхшаб кетяпти. Нима дедингиз?— деди аммам ҳам кулиб.

\* \* \*

Назаримда орадан жуда кўп вақт ўтиб кетганга ўхшайди. Маҳалламиздаги шовқин-сурон, ҳар хил овозлар ўша-ўша, лекин энди жозиба деган нарса қолмаган. Авваллари кўзимга жуда баҳайбат кўринадиган нарсалар энди кичкина, миттидек бўлиб қолган. Уйнинг деворлари нураб кетган. Мен ёпишиб олиб атрофдаги ҳаётни томоша қиладиган деразалар ҳам бузилиб-ёрилиб кетган. Энди мен ташқи дунёга қадам қўйганман. Бу дунёдаги ҳар бир нарса аждарнинг нафасига ўхшаб, мени ўз домига тортади. Шу ташқи дунёни кўрдиму, гўё бирдан жунбишга келдим, хотираларим қуюн каби ёпирилиб келаверди...

Мен деразадан кўчага қарайман. Юқоридаги ҳовлисига кўк, зангори, қизил шишага ўхшаш нарсалар ётқизилган уйнинг эшиги олдида бир тонга турибди. Ана, бурқа ёпинган иккита хотин тонгага чиқиб ўтирди-да, тонга биз томон юрди. Атарсинҳ ҳолвачининг дўконига яқинлашганда, мен лип этиб сакраб, тонганинг орқасига чиқиб олдим. Эгаси араванинг оғганини кўрди-ю, қамчи билан орқага қарс этиб тушириб қолди. Қамчи шақ этиб қулоғим аралаш елкамга келиб тушди. Аъзойи баданим мисдай қизиб кетди. Лекин шунда ҳам аравадан тушмадим. Яна бир қамчи уришдан олдин тонгачи бундай орқасига қараб «Ие, бу тақсирнинг ўғиллари экан-ку» деб қолди. Кўчадаги нарсалар — уйлар, томлар, кийимлар, беҳисоб одамлар — ҳаммаси ғир-ғир кўз олдимдан ўтяпти. Ҳар қадамда ўзгача бир манзара. Мен худонинг берган куни шундай тонганинг орқасига чиқиб оламан-да, дам шаҳарнинг у ёғини, дам бу ёғини айлаани келаман.

Ёғингарчилик мавсуми. Ёмғир челақдан қуйгандек қуйяпти. Акам иккаламиз лангўтий<sup>1</sup> боғлаб олганмиз. Чопиб-чопиб бозорга етиб бордик. Тор кўчалардаги кичкина ариқчалар, катта кўчадаги катта ариқлар — ҳаммаси қизғиш лойқа сувга тўлиб кетган...

Мен отга миниб олганман, акам эса ёнма-ён пиёда

---

<sup>1</sup> Лангўтий — белдан пастга ўраладиган мато, лунги.



кетяпти. Икковимиз шаҳардан ташқарига, гурукулга ўқишга кетяпмиз. Ёнимизда Тулсий ҳам бор. У бошига салла ўраб, эгнига дадамнинг пальтосини кийиб олганда, бизнинг папкаларимизни кўтариб кетяпти. Уйлар тамом бўлиши билан узоқдаги тоққа уланиб кетадиган чексиз далалар бошланади. Шаҳар чеккасидаги охирги уй келганда Тулсий тўхтади-да, отнинг жиловини ушлаб, мени пастга туширди. Отга акам миниб олди. Энди мен мактабгача яёв бораман. Тулсий дарров мактабдаги браҳмачаарийлар<sup>1</sup> билан бизни таништирди. Кейин ўзи ўшалар билан бирга ўтириб нўхат билан гур<sup>2</sup> еди, биргалашиб ибодат сураларини ўқиди...

Бир куни кўчада чиллак ўйнаётган эдик, тўсатдан кимнингдир додлаган овози эшитилиб қолди. Қарасак, бир хотин бутун кўчани бошига кўтариб «Войдод! Одамлар, қутқаринглар! Мен ўлдим!» деб бақиряпти.

Ҳаммамиз ўша томонга югурдик. Тор кўчага кириб қарасак, Манўҳарларнинг деворида бир талай болалар ўтирибди. Деворнинг орқасида бир хотин киши бақириб-чақиряпти. Мен ҳам тирмашиб, деворга чиқиб олдим. Қарасам, ерда Манўҳарнинг ўғай онаси ётибди, отаси эса унинг устига миниб олиб, оббо деб дўппослаяпти. Хотиннинг кўйлаги дабдала бўлиб кетган. Бечора нуқул «Вой-дод! Одамлар! Қутқаринглар! Улдириб қўяди!» деб бақиради, холос. Шундоқ ўша ерда бир лўвта<sup>3</sup> ётган эди, Манўҳарнинг дадаси шартта ўшани қўлига олиб, хотиннинг бошига бир туширди. Хотиннинг юзи-ку менга кўринмайди, лекин сочларининг орасидан қон сизиб чиқиб, ерга оқаётганини яққол кўрдим. У бирдан додламай қўйди. Фақат типирчилайди, холос. Шу маҳал биров эшикни қаттиқ-қаттиқ тақиллатиб бақира бошлади:

— Оч эшикни! Ҳой Бишандас, оч деяпман эшикни!

Бу ойим экан. Овозидан танидим.

Эртасига Манўҳардан эшитсак, янги келган ойиси ярамас хотин экан, шунинг учун дадаси уни ураркан.

«Арья-самааж» ибодатхонасида браҳмачаарийларнинг ҳаммаси бир хилда сап-сариқ дхўтий<sup>4</sup> ўраб, бир

<sup>1</sup> Браҳмачаарий — бараҳманликка ўқиётган талаба.

<sup>2</sup> Гур — шакарқамишнинг шиннисидан қилинган хонаки қанд.

<sup>3</sup> Лўвта — узун стаканга ўхшаш мис идиш.

<sup>4</sup> Дхўтий — эркаклар белидан пастини ўрайдиган мато; лунги.

қатор бўлиб тизилиб ўтирибди. Акам ҳам сариқ дхўтий ўраб, свамийжийнинг<sup>1</sup> ёнида ўтирибди. Акамнинг дхўтийси кўтарилиб, оёғи очилиб кетувди, свамийжий дхўтийнинг учини тушириб, оёғини бекитиб қўйди. Менга дхўтий ўратишмади. Нуқул йиғлагим келади. Томоғимга бир нарса тиқилиб қолгандек бўлади.

«Арья-самааж»нинг юқори қаватида талабалар яшайди. Мен ҳеч кимга билдирмай ўша ёққа чиқдим. Бир ўқувчининг хонасига кириб, дхўтийсини олдим-да, ўрай бошладим. Унақасига ўраб кўрдим, бунақасига ўраб кўрдим, ҳеч бўлмади. Ечиб яна бошқатдан ўрадим. Барибир қўлимдан келмади. Хўрлигим келиб йиғлаб юбордим. Шу пайт пастда ибодат бошланиб қолди...

Бугун менга байрам. Уйда бизга муқаддас зуннор тақиш маросими бўляпти. Шу муносабат билан мен сариқ дхўтий ўраб олганман. Ҳовлимиз тўла одам. Чўмилишдан олдин сартарошнинг олдида шунча кўп бўйнимни эгиб ўтирдимки, бўйним ҳали ҳам оғрияпти. Устара билан сочимни олиб туриб, сартарош бошимнинг икки-уч жойини кесиб олди. Ўша ери жизиллаб турибди. Лекин шунга қарамай жуда хурсандман. Атрофдагиларга кўрсатмай секин-секин қиртишланган бошимни силаб-силаб қўяман. Энди кокилим ҳам катта бўлиб қолибди. Акамнинг сочи ҳам устарада олинган, кокили ҳам катта. Ака-ука иккаламиз сариқ дхўтий ўраб, одамларнинг ўртасида турибмиз. Қўлимизда тўрт чеккаси тугилган оқ рўмол. Ҳар битта одамнинг олдига борамиз-да, «идиш»ни тутиб, «атаганингизни беринг» деймиз. Биров бир анна<sup>2</sup> ташлайди, биров икки анна. Баъзи биров эса йирикроқ танга, ҳатто қоғоз пул ҳам ташлайди. Сариқ дхўтийни мен ҳеч эплаёлмаяпман. Ҳадеб тушиб кетаверади.

Пандитжий муқаддас олов олдида ўтирганча биздан кўз узмайди. Биз одамларнинг орасидан ўтиб қайтиб келдик-да, «Шогирдларингиздан шуни қабул қилинг» деб қўлимиздаги «идиш»ни устозимизнинг олдига қўйдик.

— Шогирдлар ниманки топса, опкелиб, аввал устозининг олдига қўяди. Бу қадимдан қолган одат. Жуда яхши одат-да.— деди бир талаба иккинчисига.

<sup>1</sup> С в а м и й ж и й — бош руҳорий.

<sup>2</sup> А н н а — Ҳиндистонда 1957 йилдан аввал муомалада бўлган майда чақа.

Лекин одамлар тарқаб кетганидан кейин ойим да-  
дамга қараб тутақиб деди:

— Ўлиб кетгур-ей! Ҳамма пулни кўтариб кет-  
ди-я. Сиз оғзингизни очиб қараб туравердингиз. «Ҳой»  
десангиз бўлмасмиди?

— Устознинг ҳақи бўлгандан кейин опкетоди-да,—  
деди дадам хотиржамлик билан.

— Қанақа ҳақ экан ўша? Мен ҳам бир билиб қўяй.  
Ҳамма пандитлар ҳам саккиз аннадан ортиқ олмайди.  
Ё сиз арья-самааждагиларга янги тартиб ўргатяпсиз-  
ми? Худо билади, у қанча пуликин? Ҳойнаҳой юз ру-  
пиядан кам эмасдир. Одамларда уят деган нарса қол-  
мапти ўзи. Шарм-ҳаёни ҳам сотиб епти. Мен у сул-  
лоҳдан ҳамма пулни қайтариб оламан. Қани, бермай  
кўрсин-чи! Биз ҳали ҳам дхўтийни ечмай деворнинг  
олдида турибмиз. Дадам қўлини орқасига қилиб у  
ёқдан-буёққа юряпти.

— Олиб кетдими, энди бўлди-да. Нима қиласан  
жиғибийрон бўлиб?— деди дадам секингина.

— Шуни сиз қилдингиз.— деди ойим баттар тута-  
қиб.— Шундоқ олдингиздан ўтиб кетди, фик этмай ту-  
равердингиз. Мен-ку ошхонада эдим, болаларга ҳол-  
ва едираётувдим...

— Ҳой, нима деб вайсаяпсан?— деди дадам тақ-  
қа тўхтаб.— Ундан кўра, шундоқ кунларга етишдим,  
болаларимнинг бўйнига зуннор тақилди, деб худога  
минг қатла шукур қилсанг бўлмайдимми? Пандитжий  
опкетган бўлса, сенинг чўнтагингдаги пулни опкетди-  
ми? Одамларнинг атаганини опкетди. Одам деган бу-  
нақа кунларда яхши ниятлар қилади, болаларим са-  
ломат бўлсин, дейди...

Ойим бирдан жим бўлди-ю, ўтирган жойида ҳай-  
калдай қотиб қолди. Кейин унинг юз-кўзида безовта-  
лик аломатлари кўрина бошлади. Мен ўйлаб қолдим:  
Ие, «яхши ният қил, болаларга саломатлик тила»  
деяётган дадамми ўзи? У бунақа нарсаларни жоҳил-  
лик белгиси дерди-ку. У кишига нима бўлди? Еки ойим-  
нинг оғзини юмиш учун шундай дедимикин? Ўйлаб  
ўйимга етолмай қолдим.

Шу пайт зинада оёқ товуши эшитилди. Тулсий пан-  
дитжийни йўлдан орқасига қайтариб олиб келибди.  
Ойим ҳали ҳам жим ўтирган эди, пандитжий остонага  
қадам қўйиши билан иккала кафтини бирлаштириб  
жуда одоб билан деди:

— Пандитжий, сиз овқат емай кетиб қолибсиз. Қуруқдан-қуруқ. Шунақа ҳам бўладими?— астойдил хафа бўлиб деди ойим.

— Йўқ, онам, мен едим. Ҳолва едим.

— Йўқ, йўқ, овқат емай кетмайсиз. Шу иккози сизнинг болангиз ҳисоб. Устоз ҳам отадай гап ахир. Тулсий, сен дарров шолчани сол, мен ҳозир келаман...

\* \* \*

— Мен гурукулда ўқимайман,— деб қолди акам бир куни дадамнинг олдига кириб.

— Нега энди ўқимайсан?— сўради дадам ёзув машинкасидан бошини кўтариб.

— Ўқимайман, дедимми, ўқимайман. Мактабда ўқийман,— деб жавоб берди акам дадамга тик қараб.

Мен илгари акамни ҳеч бундай дадил кўрмаган эдим: бошини ғоз кўтариб, дадамга тик қараб турибди, иродаси қатъий. Мен ҳайрон бўлдим: ахир гурукулга бориб, сариқ дхўтий кийган бўлса, нега энди у ерда ўқигиси келмай қолди?

Дадам бирдан кулиб юборди. Боши эгилиб, даҳани бўйнига тегиб кетди. Дадам кулса, ҳамма вақт шунақа бўлади.

— Бўпти, ўқигинг келмаса, ўқима. Сен ҳиндий, санскрит тилларини яхшилаб ўрганиб олгин, дедим. Хайр, зарари йўқ, буларни ўқитувчи ёллаб, уйда ўқиттираман-қўяман. Оббо сен-ей! Ўзинг ҳали кичкинасан-ку, менга ўқрайиншингни қара,— деб дадам яна кулиб юборди. Кейин курсидан туриб, иккаламизнинг олдимизга келди-да, акамни ўнг бағрига, мени чап бағрига босиб, галма-гал бошимиздан ўпди.

— Икковинг менинг икки кўзимсан. Сен ўнг кўзимсан, сен чап кўзимсан,— деди дадам елкамизни силаб.— Демак, гурукул кўнглингга тегибди-да,а? Бўпти, энди у ерда ўқимайсан, мактабга борасан.— Шундай дер экан дадамнинг кўзида ёш кўринди.

\* \* \*

— Видя, томга чиқиб, уч-тўртта таппи олиб тушгин,— буюрди ойим опамга.

— Мен чиқмайман. Тулсий чиқсин,— деди опам.

— Нима? Нега чиқмайсан?— ҳайрон бўлиб сўради ойим.

— Чиққим келмайди. Томда...— деб ямланди-да, ойимнинг қулоғига бир нималарни шивирлади. У ҳозиргина томдан тушган эди. Мен зинғиллаб тепага чиқдим-да, деразадан кўчанинг нариги бетигаги уйларга қарадим. Қарасам, рўпарадаги уйнинг томида уй эгаси қип-яланғоч бўлиб турибди. Опаларим қачон томга чиқса, ўша одам яланғоч бўлиб туриб оларкан. Шу маҳал зинадан ойимнинг оёқ товуши эшитилди. Ойимни кўрди-ю, ҳалиги одам пастга тушиб кетди.

— Ҳў беш боланинг отаси бўлмай ўл! Одам деган ҳам шунақа ифлос бўладими?— деб ойим уни қарғаб кетди.

\* \* \*

Дадам уйнинг ичида қўлини орқага қилиб олиб, у ёқдан-бу ёққа юрибди. Ойим эса одатдагидек чорпога ўтириб олиб дадамга гап маъқуллаяпти:

— Тўйни шу кейинги байсакх<sup>1</sup> ойдан қолдирмай ўтказиб юборинг. Ортиқ орқага суриб бўлмайди.

— Ҳе, сен ҳам қаёқдаги гапларни гапирасан! Менинг қўлимдами тўйни қачон ўтказиш?— деди дадам юришдан тўхтаб.

— Ҳой дадаси! Нега зарда қиласиз? Қизларингизнинг бўйи етган бўлса. Уйга тош тушмаган кун йўқ. Маҳалланинг ҳаммаси бузуқ бўлса. Хат ёзиб юборинг, тўйни байсакҳда қилишсин.

— Ҳозир бола ўқияпти. Байсакҳ ойида имтиҳони экан.

— Ундоқ бўлса, тўйни имтиҳон тамом бўлган захоти қилишсин.

— Улар, тўйни қишлоқда қиламиз, дейишяпти.

— Ундоқ бўлса, яна ҳам яхши. Мен ўзим болаларни олиб, бир-икки ой олдин ўша ёққа бориб тураман. Қанча тайёргарлик бўлса, ўша ерда кўравераман. Бўпти, бу гап жуда маъқул. Сиз эртадан қолдирмай уларга шундоқ-шундоқ деб ёзиб юборинг.

Дадам яна у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

— Қизларингга айтиб қўйсанг бўлмайдимми, томга чиқмагин, деб?

— Ҳой дадаси! Сиз шунақа дейсиз. Бола бечораларда нима айб? Мен буларни на томга чиқараман,

<sup>1</sup> Байсакҳ — анъанавий ҳинд календарига кўра апрель-май ойларига тўғри келади.

на деразага йўлатаман. Шу маҳалладаги битта-ярим-танинг кўзи тушмасин, деб-ку мана неча йилдан бери ўқитмай уйда олиб ўтирибман. Хўш, бундан ортиқ яна нима қилай? Шўрликлар сал қаттиқроқ кулиб юборса, дарров гап эшитади. Эртадан-кечгача иккови ҳали у уйга киради, ҳали бу уйга. Бошқа борадиган жойи йўқ.

«Ойим томда бўлган воқеани, анави қип-яланғоч одамни дадамга айтармикин, айтмасмикин» деб ўйлаб турган эдим, йўқ, ойим у гапни айтмади. У одатда бунақа нарсаларни дадамдан бекитади. Чунки биладики, дадам эшитгудек бўлса, ўша заҳоти қўлига таёқ олади-ю ўша одам билан жиққамушт бўлади.

Назаримда орадан жуда кўп вақт ўтиб кетганга ўхшайди. Болаликнинг олтин даври орқада қолиб, йигитлик бошланди. Акам икковимиз гурукулга аллақачон бормай қўйганмиз. Пандитжий ҳали ҳам уйга келиб туради. Акам шундоқ ҳуснихатки, қўяверасиз. Қичкина опам мендан катта бўлса ҳам, кўп касал бўлиб қолади. Катта опам эндиликда биз билан турмайди — аллақачон узатилиб кетган. Опамнинг тўйида мен йигирмата пан<sup>1</sup> евдим. Ўша тўйга борганимда лойга ботиб қолиб, бир пой ботинкамни йўқотиб ҳам қўйган эдим. Ўшанда йиғлаб келган эдим. Поччамнинг устма-уст чиққан тишига жуда ҳавасим келган эди. «Нега тишингиз бунақа?» деб сўрасам, «Қичкиналигимда тишим тушган жойда ҳадеб тилимни айлантирган эдим. Шунинг учун бир жойдан иккита тиш чиққан» деб жавоб берувди поччам. Аммо тишим тушганда мен ҳам поччам айтгандек қилиб минг уриндим, лекин қўшалоқ тиш чиқмади.

Мен ўша тўй баҳонасида бутун қишлоғимизни кўриб келдим. Тўйда уят ашула айтаётган қизларни холамнинг эри жуда қаттиқ уришиб берувди.

Ез кунларидан бири. Кечки пайт. Ҳаммамиз овқат еб бўлиб, гаплашиб ўтирибмиз. Ойим бугун ҳам

---

<sup>1</sup> Пан — оҳак ва шунга ўхшаш нарсалар суриб ўралган бетель дарахтининг барги. Чайнаб, шимилганда носвойга ўхшаш кайф беради.

одатича ҳамма овқатланиб бўлгач овқат егани ўтирди. Акам мактабда бўлган гапларни айтиб беряпти. У энг аълочи деб топилибди. Шунинг учун мактаб директори бутун синф олдида унинг пешонасидан ўлиб, сени стипендия олишга тақдим қиламиз, деб ваъда берибди. Тандирнинг устида турган чироқ шуъласи ҳовлида ўтирганларга ғира-шира тушиб турибди. Тулсий қоронғида деворнинг тагида идиш-товоқларни ювяпти.

— Энди бизларни скаутликка<sup>1</sup> олармиш,— деди акам.— Ҳар биттамитга форма берилармиш. Ҳар биримизда арқон, ҳуштак, таёқ бўлармиш.

— Ойи!— деди тўсатдан Тулсий қоронғидан туриб. Акамнинг гапи чала қолди.

— Ҳа, Тулсий, нима дейсан?— сўради ойим унга қараб.

— Ойи,— деди яна Тулсий секингина,— мен шундоқ қилиб умр бўйи идиш-товоқ ювиб ўтиб кетавераманми?

Ҳамма Тулсийга қараб қолди. Ҳамма жим. Бу жимликни дадам бузди:

— Идиш-товоқ ювмай нима қилардинг?!— деди зарда билан дадам.— Хизматкор бўлганингдан кейин, ювасан-да. Нима, бошқа хизматкорлардан ортиқроқ жойинг борми? Шох-похинг борми?

Тўсатдан ойим қўлини Тулсийга пахса қилиб бақира кетди:

— Ҳой! Қўлингдагини қўй! Ҳозироқ қўй, деяпман сенга! Бугундан бошлаб идиш ювмайсан. Қўй!

Тулсий нима қилишини билмай довдираб қолди. Бирпасгина тўхтаб турди-да, кейин яна ишга тушиб кетди.

— Қўй, дедим сенга!— ойим шартта ўрнидан туриб, Тулсийнинг қўлини маҳкам ушлаб олди.— Шу топдан бошлаб сен идиш ювмайсан.

Ҳойнаҳой Тулсийнинг гапи ойимга алам қилиб кетди, деб ўйладим мен.

— Ҳой Балдевинг онаси! Нима қиляпсан?— ўртага тушди дадам.— Қўявер, идишни ювсин! У ювмаса, ўзинг ювасанми?

<sup>1</sup> Скаутлик, скаутизм — баъзи капиталистик мамлакатларда мактабдан ташқари тарбиянинг бир системаси. Бундай тарбиядан мақсад — ёш авлодни буржуа жамиятининг ғояларига содиқлик руҳида тарбиялаш.

— Узим юваманми, бошқа биров ювадимми, аммо Тулсий ювмайди! Тулсий юрагидаги гапни айтди. Бўлди, шу тобдан бошлаб унга идиш ювдирмайман.

Ойим ўрнидан туриб бориб, Тулсийнинг елкасидан тортиб турғиза бошлади.

— Қани, бўлди, болам, тура қол. Ун олти йил шу уйда идиш-товоқ ювдинг. Шу ҳам етади, бўлди.

— Қаёқдаги аҳмоқона гапни гапиряпсан,— деди дадам яна тутақиб.— Идиш-товоқ ювмаса, нима иш қилади ахир? Қани, Тулсий, ишингни қилавер.

— Идишга қўл уриб кўрсин-чи, худди нима қиларкинман. Шу бугундан бошлаб идиш ювмайсан. Тамом-вассалом! Қани, тур-чи бу ердан.

Ҳаммамиз анграйиб ойимга қараб турибмиз. Ойим гапириб ётибди:

— Сен ичингдаги гапни ўз оғзинг билан айтдинг. Шунинг ўзига бошингдан гул ўгирсам кам. Тур ўрнингдан, болам. Бу ёғига пешонангда нима бўлса, ўшани кўрарсан. Лекин мен энди сенга идиш-товоқ ювдирмайман.

— Сен ўзи эсингни еб қўйибсан,— деди дадам жаҳл билан.

Лекин ойимнинг баттар фиғони фалакка чиқиб кетди. У шартта Тулсийни ўрнидан турғазди-да, қўлидан кул сурилган идишни олиб, тарақ этиб тандирнинг устига қўйди. Кейин бир идишда сув олиб, Тулсийнинг қўлига қуйиб юборди. У шўрлик эсанкираб қолган, мўлтираб бир ойимга қарайди, бир дадамга.

— Билганингни қил,— деди дадам охири тоқати тоқ бўлиб.— Қачон бировнинг гапига кирувдингки, энди кирасан.

Дадам шундай деб ўрнидан турди-да, уйга кириб кетди.

Бирпасдан кейин ҳаммамиз ўринга ётдик. Уй жимжит. Мен қулоғимни динг қилиб ётибман. Дадам ҳар кунгидек уйнинг ичида у ёқдан-бу ёққа юрибди. Ойим эса чорпояда чордона қуриб ўтирганича дадамнинг қулоқ-мясини еяпти:

— Мен сизга шунча жаврадим. «Ҳой! Буни ўқитиб нима қиласиз? Хизматкор зотига китобнинг нима кераги бор?» дедим. Ана энди, уйдаги ишни қилмайман, деб турибди.

— Сал-пал ўқигани ёмон бўлдимми?— деди дадам



юриб туриб.— Келганида ҳайвондан фарқи йўқ эди. Таълим-тарбия инсоннинг зийнати ахир.

— Шунинг учун экан-да энди идиш ювишни ор деб билиши? Шунга идиш ювдираманми? Нега энди унга дили оғрийдиган ишни қил дерканман? Болаларим қатори шу уйда ўсиб-улғайди. Уқимаган вақтида бошқа гап эди. Энди ўқиб, идиш-товоқ ювиш малол келиб қолди.

Шундан кейин икковлари жим бўлиб қолишди. Фақат дадамнинг оёқ товуши эшитилиб турибди. Мен оёқ товушига қараб, дадамнинг қачон свамийжий сурати осифлиқ деворнинг олдига борганини, қачон соат осилган девор олдига қайтиб келганини билиб ётибман. Ойим қўлларини тиззасига қўйганча ҳали ҳам чорпояда ўтирибди.

— Тулсийни ўзингизга ишга олсангиз бўлмайди-ми? Ёзув-чизувга қарашиб юрарди,— деди ойим бир оздан кейин.

— Яна ўша гап. Инглиз тилининг битта ҳарфиши ҳам билмай туриб идорадаги ишни қандай эплайди? Менга келадиган бутун хатлар ё инглиз тилида бўлади, ё урду тилида.

— Уч пуллик керак жойи йўқ экан, бунга ҳиндий тилини ўқитиб нима қилардингиз? Урду тилини ўқитинг эди!

— «Урдуни ўқитинг» эмиш! Ахир бутун диний китоблар ҳиндий тилида-ку!

— Қизиқсиз. Қорнини эплаб тўйғизолмаган одам диний китобларингизни бошига урадими? Ёзув-чизувага ярамаса, югурдакликка ярар. Савдогарларнинг олдига бориб, сиз берган намуналарни кўрсатиб келиб турар.

— Қўй шу гапларингни! Эртадан бошлаб ўзи яна уй ишини қилаверади. Бунинг қўлидан бошқа иш келмайди.

— Йўқ, керакмас. Энди уй ишини қилмайди дедимми, қилмайди!

— Ўзинг ҳам ўлгудек қайсарсан-да! У қилмаса, ким қилади ахир?

— Менга қаранг, дадаси. Бунинг ишдан кўнгли совида. Сиз ҳам бундоқ гапга тушунинг. Энди иш қилса ҳам, кўнгли оғриб қилади. Сизнинг болаларингиз коллеж-мактабларда ўқиб юрса-да, бу шу ерда идиш-товоқ ювса. Унга алам қилади-да ахир. Шунинг учун

буни энди бошқа бир ишга жойлаб қўймасангиз бўлмайди. Қўлига китоб берганингизда гапира-гапира чарчадим: ҳой, бу боланинг ҳаётига зомин бўлманг, ўтирган жойидан қўзғатманг, дедим. Ушанда гапимга қулоқ солмадингиз, оғзимга бир урдингиз. Мана энди бунинг ишдан кўнгли совиди. Бизнинг уйда ортиқ туropolмайди...

\* \* \*

Эрталаб юзимни ювгани зинадан пастга тушиб кетаётсам, Тулсий одати бўйича «гараж»да сигирга терт қориб ўтирибди. Уни кўрдим-у кечқурун бўлган воқеа эсимга тушиб кетди. Кечаги гапларнинг ҳаммасини тушимда кўргандай бўлдим. Ахир ҳамма нарса ўша-ўша-ку: Тулсий бояги-бояги ҳовлига сув сеппиб, уйларни супуриб-сидириб юрибди. Лекин у идиш-оёқларга қўл урганини кўрдиму дарров ойимни чақирдим:

— Ойи! Ойи! Қаранг, Тулсий яна идиш-товоқ ювяпти.

«Меҳмонхона»да дамини ичига ютиб ўтирган ойим сакраб ўрнидан турди-да, ошхонага қараб юрди.

— Сенга бир марта айтдим-ку, идиш-товоққа қўлингни урмагин, деб! Нега жиғимга тегасан?— деди у тутақиб Тулсийга.

— Мен ювмасам, ким ювади?— деди Тулсий секингина.

— Ким ювса, юваверади. Сенга нима?— жеркиб берди ойим.

Дадам айланиб келгани чиқиб кетган эди. Ойимнинг бақирини эшитиб, яна ҳамма тўпланди. Тулсий ўзини ҳеч нарса эшитмаганга солиб, тагин идиш ювишга тушди. Ойим бирпас қўлини белига қилиб қараб турди-да, кейин шартта Тулсийнинг олдидаги кулдонни олиб қўйди.

— Сенга энди идиш ювдириб бўлман! Тур ўрнингдан. Тур, деяпман сенга!

— Кечиринг мени, хато қилибман. Билмай оғзимдан чиқиб кетибди. Ҳеч ҳам бундай демоқчи эмасдим. Кечиринг...— ёлворди Тулсий ойимнинг оёғига бош уриб.

— Ҳей, сен қанақа жоҳил одамсан ўзинг? Қуло-  
фингга ҳеч гап кирадими, йўқми? Тур ўрнингдан!  
Тулсий ўрнидан турди-да, кўнгли вайрон бўлиб  
зинага ўтириб олди.

\* \* \*

Уша воқеадан кейин орадан уч-тўрт кун ўтди.  
Бир куни мен сув ичмоқчи бўлиб юқорига чиқдим.  
Тулсийни чақирсам, у жавоб бермади. Яна чақирдим.  
Кейин ошхонани қарадим. У ерда ҳам йўқ. Унинг  
йиртиқ-сиртиқ шолчаси турадиган балконни қарадим.  
Қарасам, шолчаси ҳам йўқ, ўзи ҳам йўқ. Шундан  
кейин югуриб, панжаранинг олдига бордим-да, паст-  
га қарадим. Қарасам, ҳовлида дадамнинг ишхонаси-  
нинг олдига бутун уй ичимиз тўпланган. Бошига сал-  
ла ўраб, эгнига пальто кийган Тулсий ўртада туриб-  
ди. Мен чопганимча пастга тушдим.

Девор тагидаги кичкинагина бир тугунчага кўзим  
тушди. Бурчакда эса бир таёқ тироғлиқ турибди. Бу-  
ни ҳойнаҳой Тулсийнинг ўзи бир вақтда қишлоқдан  
олиб келган.

— Тулсий кетяпти.— деди акам менга шивирлаб.

— Тулсий, қани бу ёққа кел-чи,— деди дадам  
ичкаридан туриб.

Тулсий йиғлагудек бўлиб жойидан қўзғалмай  
тураверди.

— Қани бу ёққа кел. Манави хатни ол-чи,— яна  
қайтарди дадам Тулсийга яқин келиб.

Тулсий дадамнинг оёғига қўл теккизиш учун эн-  
гашган эди, салласи чувалиб кетди. Дадамнинг ҳур-  
матини бажо келтириб бўлиб, у энди ойимга ўгирил-  
ди. Аввал ойимнинг оёғини маҳкам ушлаб олди-да,  
кейин бошини тегизди.

— Бўпти, бўпти, тур ўрнингдан,— деди дадам.—  
Манави хатни докторга обориб берасан. Лаала Сан-  
тарам билан гаплашган эканлар, деб айтгин.

Тулсий ҳадеганда туравермагач, дадам тутақиб  
кетди:

— Бўлди-да энди! Турсанг-чи! Одам иш қилад-  
ми, йўқми сенинг дастингдан?

— Тулсийга иш топилибди,— деди яна секинги-  
на акам менга:— Гурукул самаажнинг дорихонасида  
ишлайдиган бўпти.

— Ҳа майли бирлас туриб тур-чи! Бирон соат кеч борарсан. Иккита-учта хатим бор эди, ўшаларни йўлдан ташлаб кетарсан,— деди дадам.

— Ҳой дадаси, қилаётган ишингизни қаранг,— жиғибийрон бўлди ойим.— Қап-катта болаларингиз бўлса, хатни шулар ташлаб келса бўлмайдимиз? Шу бугун ҳам хатни Тулсийга берасизми?

— Ҳой инсон! Мен нима дедим? Кетса, жуда дунёнинг нариги чеккасига кетяптими? Яқин жой. Бир соат кейин борса, ҳеч нарса қилмайди. Йўл-йўлакай иккита хатни ташлаб кетса, бир нарсаси камайиб қоладими? Бўпти, Тулсий манави хатни ол-да, энди йўлга туш... У ёқда сал ғайрат қилгин. Бу ердагига ўхшаб, кун бўйи ухлаб ётаверма. Қанча меҳнат қилсанг, шунча роҳат кўрасан. Тушундингми?

Ойим мени бир чеккага тортди-да, қулоғимга шизирлади: «Ошхонага кирсанг, ўчоқнинг устида ёғ идиш турибди. Дарров бориб ўшани опкел». Энди кетмоқчийдим, ойим яна тайинлади: «Бу гапни даданг билла кўрмасин. Оғзингдан зинҳор чиқара кўрма. Олгину тўғри кўча эшикка бор. Мен ҳам ҳозир ўша ёққа бораман».

Идишни кўтариб келсам, ойим кутиб турган экан. Вимла опам ҳам ўша ерда экан. Ранги оппоқ оқарган, кўзлари нам.

— Қараб тур, даданг келиб қолмасин,— деди ойим қўлимдан идишни ола туриб.

Ойим ирим қилиб, остонанинг иккала томонига озгина-озгинадан ёғ қуйиб чиқди. Лекин Тулсийдан дарак бўлавермади. Овози ҳам келмади.

Шу пайт акам келиб хабар қилди:

— Ойи, Тулсий кетиб бўлди.

Акамнинг гапини эшитиб, ойим лабини тишлаб қолди. Тарвузи қўлтигидан тушиб кетди. Мен дарров кўчага чиқдим. Қарасам, Тулсий ҳў ҳовузга етиб қолибди. У кетяпти-ю, лекин ҳеч ўзига ўхшамайди. Ёшидаги салла, эғнидаги пальто, елкасидаги таёғи, қўлидаги тугунни кўриб, уни Тулсий дейиш қийин эди.

— Бўпти, кетган бўлса, худо йўлини берсин. Қаерда бўлса ҳам бахтли бўлсин,— деди ойим.

Ойим яна остонанинг икки чеккасига уч-тўрт томчи ёғ томизди-да, идишни менга қайтариб бериб, ўзи дадамнинг хонасига қараб кетди.

Мен ёғ идишни ошхонага қўйиб, қайтиб келсам, уйимиздагилар дадамнинг хонасида жам бўлибди. Дадам бошини қийшайтириб олиб, деразадан ташқарига қараб турибди. Ойим чарм қопланган диванда оёғини осилтириб ўтирибди. Вимла ойимнинг ёнига жойлашган, акам деворнинг олдида тикка турибди.

Бир оздан кейин дадам секин гап бошлади:

— Уни ишга олишга-ку олди, аммо ҳали менга юз марта миннат қилади.

— Уни ишга жойлаб қўйдингиз. Шунинг ўзи катта гап. У ёғини пешонасидан кўради,— деди ойим.

Дадам яна деразага ўгирилди-да, бошини сарак-сарак қилиб деди:

— Соддагина бола эди Тулсий. Жуда виждонли, қўли ҳалол.

Ойим жим ўтирибди. Дадам ташқаридан кўзини узмай гапиряпти:

— Яхши бола, лекин ақли калтароқ-да. У боладан ҳеч нарса чиқмайди. Фаҳм-фаросатли бўлмаса, кишининг бир нима бўлиши жуда қийин.

— Ҳой дадаси! Ҳозиргина уйдан чиқиб кетди-я! Бундоқ яхши-яхши гаплардан гапирсангиз-чи. Кетган одамнинг орқасидан яхши ният қилиш керак.

— Мен нима дедим? Ёмон гап гапирдимми? Тиришса, ҳаракат қилса, бир нимага эришади. Диний китоб ўқишнинг ўзи билан иш битарканми?

Ойим бир нима демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю индамай қўя қолди.

\* \* \*

Акам бошидан кўрпани олиб ташлади. У кўрпага бурканиб ётолмайди. Мен бўлсам, аксинча, яхшилаб бурканиб, икки қўлимни оёғимнинг орасига суқиб, ғужанак бўлиб ётишни яхши кўраман.

— Менга қараб ётинг,— дедим акамга.

— Э-э, жим ётсанг-чи, уйқим кеп кетяпти,— акамнинг жаҳли чиқди.

— Мени чорпоядан чиқариб юбордингиз-ку. Кўрпани ҳам тортиб олдингиз. Орқам очилиб қолди.

— Вимла касал, камроқ гапирсанг-чи! Бўлди энди, ухла.

— Дадам ҳали ҳам келганлари йўқ. Бугун бу ерда ётмайдиларми, а?

— Дадам Вимла опамнинг олдида ўтирибдилар. Бўлди, ухла энди.

Вимла опам анчадан бери касал. Шунинг учун катта докторга кўрсатгани Лаҳўрга олиб кетишган эди. Уч-тўрт кун бурун яна қайтариб олиб келишди. Опамни уйга кичкина-кичкина ғилдиракли аравада опкиришди. Аравага оппоқ чойшаб солинган. Опам ҳам худди ўшанақа оппоқ чойшабга ўралиб ётибди. Фақатгина бурни-ю юзи кўриниб турибди, холос. Акам иккаламиз яқинроқ бориб кўрмоқчи бўлувдик, дадам йўлатмади. Ўша кун дадам доктор Рамнараян билан анча маҳалгача гаплашиб турди. Мен яқинроқ борсам, дадам ҳайдаб юборди. Шунда ҳам баъзи гапларини эшитиб олдим. Харрисон деган бир доктор бор экан. Дадам ўшани гапирди. Вимла опамнинг оғзида қандайдир бир шиш бор эмиш. Шунини эшитдим.

Опам касал ётгани учун уйдагиларнинг ҳаммаси хсмуш. Мен ҳам ўзимга ўзим насихат қилиб, жим юришга минг уриндим, бўлмади. Ҳеч тинч туролмадим.

— Юр, кўчага чиқиб кўрамиз. Анави одам келган бўлса керак,— дедим акамга.

— Қайси одам? — сўради акам.


— Анави ҳар кун кечқурун келадиган одам борку. Келса менга айтгин, дегандинг ўзинг.

— Бор, олдин ўзинг бориб, қараб кел-чи.

Мен чорпоядан турдим-да, балконга чиқишнинг ўрнига секин ичкаридан чиқиб, зинага қараб юрдим. Зинанинг ўртасида кўчага қараган кичкина дарича бор. Ўшандан мўралаб қарадим. Ҳақиқатан ҳам ўша одам кўчада турган экан. Иккала қўлини орқасига қилганича уйимизга тикилиб турибди. Ана у энди балконга қараяпти. Мен унга қараб турибману, ичимда ўйлайман: «Бу одам ким ўзи? Нега бу ерга келади? Нега ҳар кун эшикни тақиллатади-ю ичкарига кирмайди?» Мен бирпас унга тикилиб турдим-да, кейин шоша-пиша чиқиб, ўрнимга ётиб олдим.

— Ўша киши ростдан ҳам кўчада турган экан. Ана, ўзинг кўр,— дедим акамнинг елкасидан тортиб. Акамнинг кўзи илинган экан.

— Ким кепти?— деб сўради у менга ўгирилиб.— Ҳой бола! Сен нега мени сенлаяпсан? Иккинчи шун-



доқ дегин, кўрасан. Мени «ака» дегин, «Сиз» деб гапиргин.

— Ким бўларди? Уша ҳар куни келадиган кишида. Ана, пастда турибди.

Назаримда акам индамай менга қоронғида тикилиб турибди. Кейин у лип этиб ўрнидан турди-да, оёқ яланг ташқарига отилди. Мен ҳам орқасидан чиқдим. Иккаламиз ҳалиги даричанинг олдига бориб, кўчага қарадик. Ташқаридаги киши худди сояга ўхшайди. Акам анчагача унга тикилиб қараб турди.

— Бу киши ҳар куни келадиган бўл қолди. Кеча ҳам кўрувдим,— дедим мен.

— Вимла опам шу кишига тегади. Бу бизга почча бўлади. Оти Жасвант,— деди акам.

— Сиз буни қаёқдан биласиз?

— Биладан-да.

Кейин акам юқорига чиқиб, уйга кирди-да, тўппатўғри ойнанинг олдига борди.

Уйнинг бир бурчагида тўрт хотин ўтирибди. Чироқнинг заифгина нури уларни сал-пал ёритяпти. Тўртвининг бошида рўмол, ҳаммаси хомуш. Ие, буларнинг ичида холам ҳам ўтирибдими? Қачон кептийкин? Холам аммамнинг олдида кичкина кўринади. Уларнинг орқа томонида яшил шкаф турибди. Унинг эшигига бўр билан ҳар хил чизиқлар чизилган, «Бу Вимланинг шкафи» деб ёзиб қўйилган. Шкафнинг ёнида Видя опам ўтирибди. У ҳозир бизникида турибди. Ошхонанинг олдидаги уйни ўшанга берганмиз. Опамнинг қорни жуда семиз бўлиб кетган.

— Ойи! Ойи! Кўчада Жасвантжий турибдилар. Ҳар куни кечқурун келиб, туриб-туриб қайтиб кетдилар,— деди акам ҳовлиқиб.

Ойим астагина бошини кўтариб, менга қаради. Чироқнинг ёруғи юзига тушди. Ойимнинг кўзи юмилиб кетяпти. Мен уни илгари ҳеч бундай аҳволда кўрмаган эдим.

— Ойи, пастда Жасвантжий турибдилар,— деб яна қайтарди акам.

Ойим юмилиб кетай деяётган кўзларини очиб акамга бирпас тикилиб турди-да, «гапингни эшитдим» деб билинар-билинемас бошини қимирлатиб қўйди.

Акам чурқ этмай орқасига қайтиб кетди. Иккаламиз яна ўринга ётдик. Бутун уй ҳали ҳам сув қуйгандек жим-жит. Дадам ҳали ҳам Вимла опамнинг



олдида. Энди кўзим илинган эди, соат ўн бирга занг урди.

Кечаси бир маҳал дадамнинг овозидан чўчиб уйғониб кетдим: «Дуо ўқинглар! Вимла рааний<sup>1</sup>, дуо ўқинглар, деяпти». Шундай деб, дадамнинг ўзи ҳам овози қалтираб дуо ўқий бошлади. У кишининг кетидан холам, аммам, Видя опам ҳам худога муножот қилишга тушди. Битта ойим жим ўтирибди. «Биз ҳам дуо ўқишимиз керакмикин?» деб ўйладим. Мен бутун дуоларни билардим-ку, лекин айтолмасдим. Акам менга орқасини ўгириб олиб, миқ этмай ётибди. Ора-чора дадамнинг оёқ товуши эшитилиб қолади. Дадам шу маҳалда ҳам у ёқдан-бу ёққа юриптими, нима бало? Булар ҳаммаси нега шу пайтда бирдан дуо ўқиб қолди? Нега Вимла опам бизларни, дуо ўқисин, дебдийкин?» деб ҳайрон бўламан. «Опам касал ётибди. Оғзида шиши бор» деб ўзимга ўзим тушунтираман, лекин қани энди кор қилса. Ўлар, билмадим, қачонгача дуо ўқиб ўтиришди.

Тўсатдан дадам дод-фарёд қилиб қолди:

— Вой-дод! Айрилиб қолдик! Вимладан айрилиб қолдик! Оҳ! Видя рааний! Синглингдан ажралиб қолдик!

— Вой до-од! Вой Вимла қизгинам! Вой болагинам! — дод солди холам.

Ҳамма уввос солиб йиғлашга тушди. Акам апил-тапил ўрнидан туриб кетди. Менинг нима бўлганига ҳеч ақлим етмайди. Биз ётган уй қоп-қоронғи. Нариги уйда милтиллаб турган шамнинг ёруғи сал-пал тушиб турибди.

Акам чорпоядан тушди-да, тўғри нариги уйга кириб кетди. Кетидан мен ҳам кирдим. Уйнинг ўртасида дадам турибди. Эгнида ўша кундузи кийиб юрган кийими, бошида салла. Салласининг тушиб кетган учи билан кўзларини артяпти. Баъзан ўша билан оғзини тўсиб олади. Катта опам чўнқайганича беҳол деворга суяниб қолган. Боши бир ёққа энгашган, сочлари тўзиб, юз-кўзини бекитиб олган.

Акам шартта эшикни очиб нариги уйга кириб кетди. У ўзи шунақа: бир иш қиладиган бўлса, шартга қилади, бировдан сўраб-пўраб ўтирмайди. Акамнинг кетидан киргим келмади.

<sup>1</sup> Рааний — луғавий маъносини малика бўлиб, бу ўринда эр қалашни англатади.

Катта опам силкиниб-силкиниб йиғлаяпти. У йиғлаб туриб «инҳ» деб юборди. Ҳамма хотинлар ялт этиб опамга қаради. Вой-бў! Ойим жуда бир ҳолатда бўлиб қолибди-ку. Кўзлари сиқилиб, юмилиб кетган, лаблари шишиб, пастга осилиб тушган.

Акам нариги уйдан чиқди-да, кўзларини катта-катта очганича чироққа қараб турди. Кейин чироқни кўтариб яна қайтиб кириб кетди. Вимла опам ётгани учун мен у ёққа киргим келмади. Акам бир-пасдан кейин чироқни кўтариб қайтиб чиқди-да, уни токчага қўйди. Ўзи ҳам токчанинг ёнида рўпарасига тикилганича туриб қолди. «Акам кўзини намунча бунақа катта-катта очиб турибди? Намунча тикиляпти!» деб ўйлайман мен. Ойимнинг кўзлари бўлса сиқилиб, юмилиб кетяпти.

Ҳар замон-ҳар замонда учта хотиндан биттасининг йиғиси эшитилиб қолади.

— Мен омонатингни сақлашга қодир эмас эканман, эй худо! Мен омонатингни сақлай олмадим,— деб оҳзор қиляпти дадам. Кейин бизларга қараб деди:— Қани, болаларим, боринглар, энди ёта қолинглар.

Соат иккига занг урди. Катта опам йиғлаб туриб, яна бирдан чинқириб юборди. У муштини маҳкам қисиб, лабини тишлаб олган. Учала хотин яна унга ўғирилиб қарашди. Холам билан аммам ойимга ҳам разм солиб қўйишди.

— Тур. Ўрнингдан тур, Видя қизим,— деди холам опамга.— Юр, ўзингнинг уйингга чиқа қол.

Холам билан аммам ўтирган жойларидан туришди-да, опамни икки қўлтиғидан ушлаб турғазишди. Кейин авайлаб, секин-секин юрғизиб хонадан опчиқиб кетишди. Ойим ҳам ўрnidан турди. «Видя опамга нима бўлганикин?» деб ўйлаб қолдим мен.

— Опа, сиз ўтираверинг,— деди холам.

Лекин «йўқ» деб ойим ҳам уларнинг кетидан эргашди.

— Қани, Балдев, жўналаринг. Уйга кириб ётларинг.— деб койиб берди ойим.

Биз яна қайтиб келиб, ўрнимизга ётдик. Яна атрофни жимжитлик чулғаб олди. Дадам ҳам у ёқ-бу ёққа юрмай қўйди. Лекин ҳовлида бировнинг юргани эшитилди. Оёғини сургаб босишидан аммамга ўхшайди. Ана, зинадан тушиб кетяпти. Аммам шу маҳалда қаёққа кетяптійкин?

Шу пайт бирдан қоронғиликни тилиб, Видя опамнинг қулоқни тешиб юборадиган чинқириги эшитилди. Мен яна ҳайрон бўлдим: нега опамни бошқа хонага опчиқиб кетишди? Нега бунақа чинқиряпти? Ё у ҳам ўляптими нима бало?

— Эй худо! Ишонганим ёлғиз ўзингсан! — деган нариги хонадан дадамнинг овози эшитилди.— Ўзинг раҳм қил, эй, худо! Раҳм қил!

Шундан кейин дадам яна у ёқдан-бу ёққа юришга тушди.

— Бу қандоқ кун ўзи? Эй худо, раҳминг келсин! Ўзинг раҳм қил!— дерди дадам худди кўчада гапиргандай қаттиқ-қаттиқ.

Опам яна чинқирди. Бу гал жуда узоқ чинқириб гурди. Кейин ҳовлидан кимнингдир оёқ товуши эшитилди. Келаётган кимикин? Аммаммикин, ойммикин?

Кўча эшик очилиб, биров зинадан тез-тез юриб чиқа бошлади. Аммам қайтиб келдимикин? Ёнидаги ким бўлди?

Бирдан жимжит қоронғиликни ёриб чақалоқнинг «инға-инға» деган овози эшитилди.

— Эй худо! Бахтини бергин. Суянганим ёлғиз ўзингсан, э худо!— деди дадам нариги хонада туриб.

Акам иккаламиз ўрнимиздан туриб, эшикка қараб юрдик. Эшикнинг олдида холамнинг ушоққинна жуссаси кўринди. «Худо бахтли қилсин, Видя қиз кўрди» деди у секингина.

— Вимла яна қаторимизга қайтиб келди. Худо уни яна сафимизга қайтарди!— дадам титроқ овози билан шундай деди-ю, ҳўнграб йиғлаб юборди.

Яна чақалоқнинг йиғиси эшитилди. Шамнинг липлип этиб турган ёруғида дадамнинг сояси туриб-туриб жуда кўрқинчли бўлиб кетяпти.

— Боланинг тилига Оомнинг номини дарров ёзиб қўйинглар. Асал билан ёзинглар.— деди дадам.— Ҳой Балдев, ойингга бориб айт, чақалоқнинг тилига Оомнинг номини ёзсин.

Ташқари қоп-қоронғи. Уйнинг баланд-баланд деворлари кўрқинчли кўриняпти. Осмонда ғуж-ғуж юлдузлар милтиллаб турибди. Назаримда худди туш кўраётганга ўхшайман.

Опам ётган уйга кирмоқчи бўлувдик, эшик берк экан. Эшикнинг тирқишидан мўраладик. Чорпояннинг

бир учи кўринди, холос. Назаримда йиғи ўша ёқдан келяпти.

— Дадам чақалоқнинг тилига асал билан Оомнинг номини ёзиб қўйишсин, деяптилар,— дедик биз эшикнинг тирқишидан.

Ойим секин эшикни очди, лекин бизни ичкарига киритмади. У секингина «хўп» деди-ю, қўлини чўзиб, Балдевинг бошини силай бошлади. Ойим ҳадеб Балдевинг бошини силаяпти, назаримда хаёли жойида эмас.

Кейин ойим эшикни беркитиб олди, биз ўрнимизга қайтиб келиб ётдик.

Бирпасдан кейин ёнимиздаги уйдан яна секин-секин йиғи товуши эшитилди.

\* \* \*

Дорихонанинг эшиги ҳам берк, «Арья-самааж»нинг дарвозаси ҳам. Дорихона эшигининг тепасига катта-катта ҳарфлар билан «Асл диндорлар дорихонаси» деб ёзиб қўйилган. Тулсий шу ерда ишляпти. Қуёшнинг дастлабки нурлари уйларнинг деворидан ҳали пастга тушмаган.

Дорихона олдида турибман, қўлтиғимда кичкина тугунча. Бирпас туриб дарвозадан ичкарига мўраладим. Каттакон ҳовли ҳувиллаб ётибди. Унг томондаги қурбонлик маросими адо этиладиган супача ҳам бўм-бўш. Рўпарадаги деворга, айвоннинг ҳар бир меҳроби устига ведалардан олинган ҳикматли иборалар турли-туман рангларда ёзиб қўйилган:

Ростгўй бўл.

Одил бўл.

Машаққатсиз роҳат йўқ.

Қийинчиликдан кўрқма.

Рост гап — ширин сўз билан баробар.

Шунча қарадим, Тулсий ҳеч қаерда кўринмади. Дорихонанинг ёнида пастга қараб кетган катта кўча бор. Мен ўша кўчага чиқиб қарадим. Иккита бола сулайиб қолган бир илонни калтак билан у ёқ-бу ёққа ағдариб кўрмоқда. Болалар тегмай турса, илон бирпас туриб сал-пал қимирлай бошлайди, озгина ўрмалайди ҳам. Сал нарида кўчанинг четида ахлат уюлиб ётибди. Ундан сал нарироқда катта бир ахлат идиш турибди.

Бир маҳал бундоқ қарасам, ўша ахлат идишининг орқасидан Тулсий чиқиб келяпти. Икки челақ сувни кўтариб кўчани кесиб ўта бошлади. Бош яланг, гавдаси чайир, бўйи ўша-ўша пастгина. Мени кўриши билан чеҳраси ёришиб кетди.

— Э-э, бормисан? Неча замон бўлди кўришмага-нимизга!— деди у кулиб. Қип-қизил милклари йилтиллаб кетди.

— Сенга манавини олиб келдим, — дедим-да, тугунчани узатдим.— Ойим унча-мунча кийим бериб юбордилар.

Шу пайт қаёқдандир бир хотин киши шангиллаб қолди:

— Ҳой, қаёққа гумдон бўлиб кетдинг? Кўрмаяпсанми кун чиқиб кетганини?

Ўша томонга ўгирилдим. Қарасам, кўчанинг нариги бетида тахминан йигирма зина юриб чиқиладиган бир ҳовлида бир хотин турибди. Шалворининг бир почасини тиззасигача шимариб олган, қўлида сулурги, бир чўпни оғзига олиб чайнаяпти<sup>1</sup>. Икки кўзи Тулсийда.

— Бирпас туриб турасан. Ҳозир ҳақимнинг зиналарини шундоқ ювману келаман. Тепага чиқиб туравер. Менинг хонам ўша ерда.

Тулсий шундай деди-ю челагини кўтарганича, зипиллаб кўчанинг нариги бетига ўтиб кетди. Мен орқасидан қараб ўйлаб қолдим. Бу ерга келишдан олдин мен бутунлай бошқача ўйлаган эдим: лиқ-лиқ одам тўла дорихона, бошига салла ўраб, эгнига топ-тоза костюм кийиб олган Тулсий дори тайёрлаб пешма-пеш узатиб турибди. Энди кўрсам, зина ювиб юрибди. Демак бу ерда ҳам Тулсий ўша-ўша уй ишларини қиларкан-да. Яна акам, Тулсий ҳақим бўлади, дейди.

Тулсий лиммо-лим челақларни кўтариб, анави хотин турган ҳовлига чиқди. Хотиннинг сочлари ҳурпайиб кетган. Шу орада у иккинчи почасини ҳам шимариб олди. Тулсий челақдаги сувни зинага ағдарди-да, зинани супира бошлади. Ифлос, лойқа сув шилдираб зиналарга оқиб туша бошлади. Иккала челақни ағдариб бўлиб, Тулсий қайтиб келди. Ҳа-

---

<sup>1</sup> Ҳиндистонда оғизни хушбўй қилиш учун нийм дарахтининг навдасини чайналади. Шу дарахтнинг барги шифобахш хусусиятга эга.

лиги хотин жағини қимирлатиб чўлини чайнаб тураверди.

— Тезроқ бўл. Яна даф бўлиб кетма,— деди у яна шанғиллаб.

Мен бинонинг орқа томонидан ичкарига кирдим-да, шошилмай зинадан учинчи қаватга чиқдим. Тулсийнинг хонаси шу ерда экан.

Ичкарига қадам қўйишим билан деразанинг олдида турган бир шарпа лип этиб бурчакка ўтди. Кўз ўнгимда бир сариқ дупатта ҳилпираб, чуврийлар<sup>1</sup> жириглади. Бу — Тулсийнинг хотини Девкий. Тулсий яқинда қишлоғига бориб уйланиб келган.

Мен остонада туриб қолдим. Чунки Девкий бир бурчакда орқасини ўгирганича деворга қараб турибди.

— Манавини ойим бериб юборувдилар,— дедим мен секингина.

Девкий гапимни эшитди-ю, лекин тортиниб жойидан қўзғалмади. Мен тугунчани ерга қўйдим. Девкийни мен аввал ҳам бир кўрган эдим. Унда Тулсий эндигина уйланган эди. Ойим ўшанда ҳам кийим-кечак бериб юборган эдилар. Девкий ҳали ҳам ўша Видя опамнинг кийимларини кийиб юрибди.

— Келинг, ўтиринг. У киши пастдалар,— деди Девкий иймана-иймана. Шундай деб деворнинг таги-га солинган чатаайини<sup>2</sup> кўрсатди.

Уйнинг бир томонига чатаайи солинган. Унинг рўпарасида иккита-учта ялтироқ идиш турибди. Чатаайининг бир томонида лойдан қилинган ўчоқ, иккинчи томонида деворнинг тагида уч-тўртта китоб ётибди. Бу Тулсийнинг ўз уйи.

— У киши зина ювгани кетганлар. Ҳозир кеп қоладилар,— деди Девкий яна.

Девкий бир зум нима қилишини билмай турди-да, кейин лип этиб нариги томондаги эшикдан том ҳовлига чиқиб, девор туйнугидан ташқарига мўралай бошлади. У ердан ҳақимнинг уйи кўриниб турса керак. Ҳойнаҳой Девкийнинг кўзлари Тулсийни ахтаряпти. Мен ҳам деразанинг олдига бориб, ўша ёққа қарай бошладим.

<sup>1</sup> Чуврий — шиша ёки пластмассадан ясалган билагузук.

<sup>2</sup> Чатаайи — бўйрага ўхшаш, лекин ундан кўра юмшоқроқ тўшама.

Тулсий сувни ағдариб бўлиб, бўш челақларни кўтариб, зинадан тушиб келмоқда. Пастга тушгач, Тулсий бошини кўтариб, биз томонга бир кўз ташлади-ю, кулиб қўйди. Ҳойнаҳой унинг ҳам кўзи Девкийни излаяпти.

Битта дона зинапояни ювишга икки пақир сув кетади. Зина жонивор ҳам шунақа топ-тоза бўладики, йилт-йилт қилади. Ишқалайвериб, бир хил ғишлар қип-қизариб кетган.

Севинчдан Тулсийнинг чеҳраси гулдек яшнаб турибди. Ҳар гал зинадан пастга тушаётганда тепага қараб, жилмайиб қўяди. Бу жилмайиш менга эмас, даричадан тикилиб турган Девкийга аталган.

Доктор-табиб дегани ўзи озодаликни яхши кўради. Шунинг учун ҳам Тулсий бечора ҳар куни зинани қиртишласа керак. Челақлаб сув олиб келадиган ҳам, зиналарни ювиб-қиртишлайдиган ҳам Тулсийнинг ўзи. Ҳақим жанобларининг хотинлари бўлса зинанинг тепасида кавш қайтарганича вайсаб турибди.

Тулсий қоп-қора терга ботиб кетган. Қўйлагн орқасига чиппа ёпишиб қолган. Бу ёқда кун ҳам жуда қизиб боряпти.

Тулсий анчадан кейин хонасига қайтиб келди. Зиналарни ярқиратиб ювиб бўлиб, хўжайиннинг уйига яна икки марта сув келтириб берибди.

— Қани, девийжий<sup>1</sup>, сувдан беринг-чи,— деди енг билан пешонасидаги терни арта туриб Тулсий хотинига қараб. «Арья-самааж» тарафдори бўлган баъзи хонадонларда хотинига «девийжий» деб мурожаат қилиш расм. Шунинг учун Тулсий ҳам хотинини шундай деб атайти.

— Боя катта бошлиқнинг одами келган эди,— деди таъна қилгандек Девкий эрига стаканда сув тутқаза туриб.— Қурбонлик анжомларини раиснинг уйдан олиб, меникига обориб берсин, дебди бошлиғингиз.

— Қачон келган эди?— сўради Тулсий.

— Боя яқинда.

Назаримда унинг ўртасида турган Тулсий илгаригидек эмас, кичкина тортиб кетибди.

---

<sup>1</sup> Девий жий — девий — маъбуда, фаришта, жий — ҳурмат белгиси. Хотин-қизларга жуда ҳурмат билан мурожаат қилганда, шундай дейилади.

— Бугун йигирма тўрт челақ бўлди-я!— деди Девкий куйиб-пишиб.

Тулсий кулиб, менга изоҳлаб берди:

— Мен сув ташийман, бу киши ҳар куни тепада туриб олиб, челақни санайдилар.

— Кеча йигирма саккиз челақ бўлган эди, ўтган куни йигирма тўққизта,— Девкийнинг овози қалтираб кетди.— Мен бу ерда қўл қовуштириб ўтираман. Зина ювиш менинг ҳам қўлимдан келади! Лекин бу киши ҳеч кўнмайдилар,— деб Девкий йиғламсираб шикоят қилди-да, юзини тескари ўгириб олди.

— Ўзим эплагандан кейин сенинг нима ҳожатинг бор? Керак бўлса, эллик челақ ҳам ташийвераман,— деди қизишиб Тулсий. Кейин у менга мурожаат қилди:— Бошлиқнинг хотини тозаликни ўлгудек яхши кўради. Ҳар куни камида йигирма-йигирма беш пақир сув опкеламан. Шу ишлардан ортиб ўқишга вақт ҳам бўлмайди.

Тулсийнинг ўзи Девкийни ўқитар экан. Яқинда кечки ибодатни ўргатибди. Қолган дуоларни ҳам ўқитаётган экан.

Мен яна бир марта «Ойим унча-мунча кийим бериб юборувдилар» деб тугунчани Девкийга узатдим.

Азбаройи хурсанд бўлганидан кўзлари чарақлаб кетди. Дарров тугунчани қўлимдан олиб очди-да, кийимларни бир-бир кўра бошлади. Аввал опаларимнинг эски кўйлақлари, кейин чақалоқнинг кийимлари чиқди. Девкий чақалоқнинг кийимларини кўриб қипқизариб кетди. Улар билан юзини тўсиб олди. Қўлидаги чуврийлари жиринглаб кетди.

— Энди мен бормасам бўлмайди. Қурбонликнинг нарсаларини обориш керак. Ҳозир кетмасам, саккиз яримда дорихона очилади, етиб келолмайман,— деди Тулсий менга қараб.

Тулсийнинг кўзлари юмилиб-юмилиб кетяпти. Қўйиб берсангиз, шу деворга суяниб ўтирган жойида ухлаб қоладиган.

— Вой, мен ўлай!— деди-да Девкий сапчиб ўридан туриб, ўчоқнинг олдига борди.

— Ҳа, Девкий, нима гап?— ҳайрон бўлди Тулсий.

— Мен ҳозир бирпасда сизга иккитагина нон пишириб бераман. Еб кетасиз.

— Э-э, нонни қачон еб ўтираман? Вақт борми? Раиснинг уйини биласанми қаёқдалигини? Ҳув нари-



ги янги маҳаллада. Анжомларни ўша ердан олиб, бу маҳаллага опкелишим керак. Бу ёқда дорихона очи-лишига оз вақт қолди.

Тулсий бизнинг уйда юрганида биттагина хона-донга хизмат қиларди. Энди бу ерга келиб, «Арья-самааж»даги ўн беш-йигирма одамга югурдак бўлиб қолибди.

— Ҳеч бўлмаса биттагина еб кетинг. Ҳали шу кетганча худо билади қачон келасиз.— Кейин менга қараб деди:— Бу киши ҳеч вақтида овқат емайдилар. Гоҳда кун бўйи туз тотмай юрадилар. Ҳали биттаси чақириб олиб кетади, ҳали бошқаси. Жуда тўйдим. Сиз бир дадангизга шуни айтсангиз, у киши бир ҳаким соҳибга гапириб қўйсалар.

— Мен ҳеч нарса емайман,— деди Тулсий.

Шу пайт гапиришидан худди дадамга ўхшаб кетди. У ўрнидан турди-да, керишиб дераза олдига борди. Ташқарига қараб «Ҳаким соҳиб келяптилар», деди. Девкий ҳам дарров деразанинг олдига бориб, пастга мўралади. Мен ҳам ўша ёққа кўз ташладим. Ростдан ҳам ҳаким соҳиб зинадан тушиб келяпти. Эгнида тиззадан пастга тушадиган узун камзул, бошида салла, кўзида кўзойнак.

— Сиз ҳозир қараб туринг,— деди Девкий бидир-лаб, — зинанинг ярмига тушадилару яна қайтиб чиқиб кетадилар. Қараб туринг, албатта қайтадилар.

Худди Девкийнинг айтгани бўлди. Ҳаким соҳиб бир ўн поғона тушди-ю таққа тўхтаб қолди. Кейин орқасига қайтди. Буни кўриб, Девкий ёш болага ўхшаб қиқирлаб кулди.

• — Энди нима бўлишини ҳам айтайми?— деди яна Девкий.— Ҳозир ичкаридан халта олиб чиқадилар.

Девкийнинг бу айтгани ҳам тўғри чиқди. Ҳақиқатан ҳам ҳаким соҳиб ичкаридан мош ранг халта кўтариб чиқди. Халта жонивор отнинг бўйнига ем осиб қўядиган тўрванинг ўзгинаси.

— Катта одамни бунақа масхара қилиш яхши эмас, девийжий. Мен сизга неча марта айтганман,— деб танбеҳ берди Тулсий дўриллаб. Гап-сўзи дадам-ниқидан тариқча фарқ қилмайди.

Ҳаким соҳибнинг хотини ҳам уйдан чиқиб, эрига бир нарсалар деди. Девкий ўша заҳоти деразадан мўралашни бас қилиб, орқасига қайтиб келди. Унинг қувноқлигидан асар ҳам қолмади.

— Улар сизни бозор қилишга юборишади. Мана, айтди дерсиз. Тезроқ кетиб олмасангиз, ҳозир ҳақим соҳиб чақириб қолади.

— Ҳой, ўзи ўйлаб гапиряпсизми? Ҳақим соҳиб айтса, бозорга бормайми энди? Шундоқми? Бу гапни бир гапирдингиз, иккинчи гапирманг,— деб Тулсий хотинини койиб берди.

Тулсий иккаламиз пастга туша бошладик. Девкий жуда маъюс бўлиб қолди.

— Сени, ҳақим бўлади, дейишади. Шу ростми, Тулсий?— сўрадим пастга тушгач.

— Ҳақим соҳиб гоҳ ўқитадилар, гоҳ ўқитмайдилар. Ўзимча ўтириб ўрганай десам, ҳеч ишдан ортмайман.— Кейин худди ўзи билан ўзи гаплашаётгандай деди: — Девкийни қишлоққа ташлаб келмасам бўлмайди. Ейдиган иккитагина нонимни ўзим пишириб оларман. Ушанда эҳтимол ўқишга вақт бўлар.

Пастга тушсак, қўлида халтасини ушлаб ҳақим соҳиб турибди. Тулсий дарров кафтларини жуфтлаштириб таъзим қилганича хўжайинининг олдига борди.

— Тулсийрам, манави халтани олиб, озгина бозор ўчар қилиб келгин,— деди-да, ҳақим соҳиб унинг қўлига халта билан битта қоғоз тутқазди.

\* \* \*

Туш вақти. Акам иккаламиз усти тунука билан ёпилган очиқ айвонда гаплашиб турибмиз. Акам ҳозир студент, Лаҳўрдан таътилга келган. Бошида кул ранг, қайиқсимон қалпоқ, эгнида оппоқ шим. Мен акамнинг қалпоғига ҳавас билан қараб турибман.

— Биз у ёқда қалпоқни мана бундоқ сал қийшайтириб киямиз,— деди-да, у қалпоғини ўнг чеккасига салгина қийшайтириб олди.

Назаримда акам оппоққина бўлиб, яшнаб кетибди. Кейин иккаламиз меҳмонхонага кирдик. У чамадонини очиб, сариқ-қизил ранг, йўл-йўл бир галстукни олди-да, менга кўрсатиб деди:

— Бизнинг коллежда мана шу рангдаги кийим кийилади. Ўғил болалар худди шу рангда куртка кийишади.

— Куртка нима дегани?— сўрадим мен.

— Костюмга ўхшаш бир нарса. Махсус материалдан тикилади. Мен ўзимникини олиб келмагандим. Бўлмаса, кўрардинг.

Акамнинг гапларини эшитиб, кўз ўнгимда бутунлай бошқа бир дунё намоён бўляпти. Бир неча йил илгари ҳам бир марта шундай бўлган эди.

— Қоллежда ҳамма нарсамиз шунга ўхшаш икки рангли, йўл-йўл бўлади — спорт формаси ҳам, сочиқ ҳам, узун пайпоқлар ҳам. Инглиз профессорлари дарс беради. Бизни ўқитадиган иккита профессор инглиз,— леб ҳикоя қиляпти акам.

— Мен ҳам соқол-мўйловимни олдим,— дедим мен ҳам мақтаниб.

Мен ростдан ҳам икки кун олдин соқол-мўйловимни олган эдим. Яп-янги тиф уч-тўрт жойимни кесиб ҳам олди.

— Ие, шу пайтдан-а? Ҳали сенинг соқол олишингга вақт бор-ку,— деди акам жиддий қиёфада. Кейин келиб ёнимга, чорпоёга ўтирди.

— Даҳанимдан қоп-қора туклар чиқиб кетди. Юлиб ташловдим, баттар кўпайиб кетди,— дедим ўзимни қолаб.

— Соқол олишдан олдин бировдан сўрадингми?— деди акам.— Соқол чиққанда аввал қайчи билан олинади. Бўлмаса, соқол қаттиқ бўлиб кетади. Мана кўрарсан, сенинг соқолинг энди қаттиқ бўлади. Бутун юзингни соқол босиб кетади.

Тарвузим қўлтигимдан тушиб, акамга қараб қолдим. Менинг ҳеч бир ишим акамга ёқмайди. Ўзи энди салгина кўнглим кўтарилган эди, акамнинг бу гапидан яна руҳим тушиб кетди.

— Мана, менинг юзимни кўргин. Қара, қандоқ теп-текис.

Акам шундай деб юзини силатиб кўрди. Унинг юзи ростдан ҳам ниҳоятда силлиқ, меники эса ғадирбудур. Шундан кейин мен, ҳа, акамнинг олдида уч пулга арзимас эканман, деб қўйдим ичимда.

— Менда-чи, кечаси... анави... нимаиди... иҳтилом бўлади,— дедим секингина жуда бир хил бўлиб.

Акам менга қараб ағрайиб қолди. Кўзлари шундай катта-катта бўлиб кетдики, қўяверасиз.

— Ие! Неча марта бўлди?

— Уч марта. Биринчи марта ёзда бўлувди. Йи-

ринг-пиринг оқдим, деб жуда қўрқиб кетдим. Шунинг учун дарров ойимга бориб айтдим.

— Ойим нима деди?

— Ойим менга индамади, лекин дадамга айтибди.

— Хўш? Кейин нима бўлди? Дадам бир нарса деди?

— Дадам мени роса уришдилар. Ҳар хил романларни ўқийсан, шунинг учун шундоқ бўлган, дедилар. Кейин дарсга керак битта китобни олиб, деразадан улоқтирдилар. Ҳар куни азонда соат тўртта тургинда, муздек сувда чўмилгин, дейдилар.

— Кейин-чи? Кейин нима қилдилар?

— Менга битта китоб бердилар. Унда ўша нарса тўғрисида ёзилган экан...

— У китобни мен ҳам ўқиганман. «Мангулик уруғи» деган китоб. Тўғрими?

— Ҳа, худди ўша. Овқатни яхшилаб чайнаб ейиш керак, кечаси ётишдан олдин муздек сувда чўмилиб олиш керак, дейилган ўша китобда.

— Энди овқатни обдон чайнаб ейдиган бўлгандирсан, а?

— Ҳа, овқатни роса чайнаб, кейин ютаман. Уринга ётишдан олдин, кейин эрталаб туриб совуқ сувда чўмилишни канда қилмайман.

— Сут-чи? Сут ичасанми? Ётишдан олдин сут ичиб бўлмайди.

— Ичмайман. Ойим тиқиштира ҳам, йўқ дейман. Аввал кечқурун овқат пайтида тўртта-тўртта нон ердим. Уни ҳам йўқ қилдим. Ҳозир битта ейман, холос.

— Бадантарбия қиласанми?

— Ҳа, қиламан. Ҳар куни эрталаб ўртоғим билан Атарсинҳнинг дўконигача чопиб бориб, чопиб келаман.

— Ундоқ бўлса, сенда бу нарса бўлмаслиги керак эди,— деди акам худди докторларга ўхшаб жуда жиддий оҳангда.

— Бир маслаҳат беринг. Мен энди нима қилай?— дедим ҳаяжон билан.

Акам чуқур хаёлга чўмди. Унинг ўтириши худди касалга диагноз қўяётган докторга ўхшарди. Шу нарса туфайли халоватим йўқлигига акамни яна ҳам ишонтириш учун мен секин шивирладим:

— Мен кечаси ухламайдиган бўлиб қолдим.

— Ие, бу нима деганинг?— ҳайрон бўлди акам.

— Уйқумда ҳалиги нарса бўп қолмасин, деб шундай қиламан. Кечаси ҳамма ухлаб қолгандан кейин секин ўрнимдан тураман-да, дадамнинг хонасига тушиб, ўша ерда соатнинг тагида ўтириб чиқаман.

— Эрталабгача-я?

— Ҳа, соат тўртгача.

— Уйқунг келмайдими, нима бало?

— Келганда қандоқ! Жуда уйқум келади. Уйқумни ўчириш учун соатнинг чиқиллашини санаб ўтираман ёки бир хил пайтда у ёқдан-бу ёққа юраман.

— Шу ишни ҳар куни қиласанми?

— Йўқ, ҳар куни эмас. Ҳалиги нарса бўлгандан кейин бир ҳафта — ўн кун бемалол ётиб ухлайвераман. Лекин кейин, яна бўлиб қолмасин, деб ваҳмага тушиб қоламан. Ушанда яна кечасилари ухламай чиқаман.

Акам жим бўлиб қолди.

— Бир нарса денг. Энди нима қилай?— дедим юрагимга баттар гулгула тушиб.

У бирпас ўйлаб турди-да, секин жавоб берди:

— Мен профессор домладан сўраб кўрай-чи. Уша киши нима деса, ўшанга қараб иш қиласан...

\* \* \*

Ёз куни. Чорпоялар ҳовлига олиб чиқилган. Ҳамма ширин уйқуда. Майин шабада эсиб турибди. Осмондаги соң-саноқсиз юлдузлар худди чўмилиб олгандай ярақ-ярақ қилади. Мен нафасимни ичимга ютиб, дадамнинг уйқуга кетишини пойлаб ётибман. Дадам ухласа, секин ўрнимдан тураман-да, пастга тушиб кетаман. Шу пайт қўшнимизнинг ҳовлисидан чуврийларнинг жиринглагани эшитилди. Кейин чорпояни ғижирлатиб биров ўрнидан турди-да, ютоқиб сув ича бошлади. Яхши ҳамки чорпоя ғижирлаб қолди, бўлмаса кўзим кетиб қолай деган экан. Тирсагимни тираб, хиёл ўрнимдан турдим. Одам ўрнида чалқанча ётаверса, қандай ухлаб қолганини ўзи билмай қолади. Ётган жойида ҳадеб қимирлайверса, у ёнбошидан-бу ёнбошига ағдарилаверса, уйқуси ўчиб кетади. Уйқунини ўчириш учун ётган жойида шартга туриб, бирпас ўтирса ҳам бўлади. Чорпоянинг ғижирлашими ёки шунга ўхшаш бирон-бир овоз эшитилиб

қолса-ку, нур устига нур: уйқуга кетай деб турган кўзингиз яна шаппа очилади-кетеди.

Дадам хуррак ота бошлаши билан дик этиб ўрнимдан турдим. Енимдаги чорпояда акам маза қилиб ухлаб ётибди. Бунни кўриб менга жуда алам қилиб кетди. Қани энди мен ҳам шундай қотиб ухласам! У менга ўхшаб ҳадеб уйғониб кетавермайди, қўйиб берсангиз, пешингача ётиб ухлайди.

Оёқ учида юриб зинадан пастга тушдим, эшикнинг занжирини овоз чиқармай очиб, кабинетга кирдим. Ичкарига кирган заҳотим девордаги соат «данг» этиб битта занг урди. Соат неча бўлдийкин? Ўн икки яримми ёки бирми? Уйнинг ичи зим-зиё, жимжит. Нафас олишим ўзимга эшитилиб турибди. Шундай гугурт чақиб, соатни кўриб олсам бўлади-ю, чўчидим. Чунки чироқ ёқилганини дадам сезиб қолса борми, адабимни беради.

Соат капгири чиқ-чиқ қилиб турибди, холос. Бошқа тиқ этган овоз эшитилмайди. Мен у ёқдан-бу ёққа юраман. Дадамнинг столдан орқа деворгача ўн икки қадам. Лекин баъзан ўн бир ярим қадам чиқади. Бир куни шу уйнинг ичида ролпа-роса бир минг олти юз қадам юрибман. Бир вақт қарасам, тонг отибди-да, туйнукдан ёруғ тушяпти. Ҳозир ҳам ҳеч бўлмаганда соат яна битта занг ургунча юриб туришим керак. Чунки вақт қанча бўлганидан хабарим йўқ. Соат икки яримдан тўртгача айниқса эҳтиёт бўлишим керак. Шу пайтда ухлаб қолсам, анави нарса яна бўлиб қолиши мумкин.

Иссиқ пайтда уйнинг ичида ўтириш айниқса азоб. Кабинетнинг ҳамма ёғи берк, жуда дим. Одамнинг нафаси қайтиб кетади. Терга тушиб, кўйлагим орқамга чиппа ёпишиб қолди.

Бирпасгина диванга ўтирсам нима қиларкин, деб ўйладим. Суянмай тўғри ўтираман, элликкача санайману, яна дарров ўрнимдан туриб у ёқдан-бу ёққа юраман, деб ўзимга-ўзим сўз бердим. Лекин, ухлаб қоламан деб қўрқиб, ўтирмадим. Яна икки юз қадам юрай, кейин ўтираман, дедим ўзимга ўзим. Ўзимни зўрлаб бир юз эллик қадам юрдим. Оёқларим чалкашиб кета бошлади. Ҳолдан тойиб стулга суяниб қолдим-да, уйқунни қочириш учун зўр бериб кўзимни юмиб-очишга тушдим.

Энди бирпас диванга ўтирсаммикин, деб ўйладим.

Йўқ, диванга ўтириб бўлмайди. У ҳаддан ташқари юмшоқ. Йўқ, диванга ўтирмайман. Ерга ўтириб, бошимни диванга қўяман. Шундоқ қилсам, ухлаб қолган тақдиримда ҳам ҳалиги мен чўчиган нарса юз бермайди. Диван ҳақиқатан ҳам жуда юмшоқ. Бошимни ҳеч тўғри ушлаб туrolмадим, ҳадеб диванга тушиб кетаверди. Бошим диванда-ю, назаримда ўзим қандайдир чуқурликка тушиб кетяпман. Бундан ниҳоятда кайф қиляпман. Бир туш кўриб, чўчиб уйғониб кетдим. Тушимда чорпояда ётган эмишман. Ойдин кеча эмиш. Бағри кенг бир водий эмиш-да, ой ёғдусида жуда ҳам кўркам, жуда ҳам чиройли бўлиб кўринармиш... Бирдан чўчиб уйғониб кетдим. Ие, ухлаб қопман-ку, Йўқ, йўқ, ухлаб бўлмайди. Шундай деб шартта ўрнимдан турдим-да, чуқур-чуқур нафас ола бошладим...

Соат неча бўлдикин? Гугурт ёқиб, қараб олсам-микин? Қўзим илиниб қолмаганда, соат неча бўлганини билардим. Агтанг, вақт қанча бўлганини билмаса, одам тубсиз сув қаърига кириб кетгандай бўлади. Бўйним сал оғриб турибди, демак яхшигина ухлабман.

Ўрнимдан турдим-да, яна у ёқдан-бу ёққа юриб қадамимни санай бошладим. Хонада чироқ бўлса, ухлаш қийин бўлади. Унда соатнинг милядан кўз узмай тонг оттириш ҳам мумкин. Секинроқ санасам, соатнинг миля эллик саккизта санаганимда бир хона ўтади, тезроқ санасам олтмиш бешгача боради. Деворда осиглиқ чойшабдаги товусларни санасам ҳам бўлади. Ҳар ҳолда анча ўнғай бўлади. Аммо бу зимистондачи? Қадам санашдан бошқа илож йўқ. Яна оёғим толиб, бошим зилдай бўлиб кетди. Лекин барибир ўтирмайман. Тикка туриб ухлашнинг ҳеч иложи йўқмикин? деб ўйлайман ичимда.

Кўчада ғийқ этиб битта эшик очилди. Кейин биров йўталиб, ҳассанинг тўқиллаши эшитилди. Бу ҳойнаҳой Бабу Мангатрам. У ҳар кунни роса соат тўртда айлангани чиқади. Демак, соат тўрт бўлибди.

Кўчадаги водопроводдан шовиллаб сув оқа бошлади. Туйнукдан ичкарига ғира-шира ёруғ туша бошлади. Бирин-сирин бутун маҳалла уйғоняпти. Севинчим ичимга сиғмай кетди. Демак бу кеча ҳам эсон-омон ўтди.

Секингина зинадан чиқиб, яна ўрнимга ётиб ол-

дим. Ҳамма тинч ухлаб ётибди. Бирпасдан кейин да-  
дам бу ёнбошига ўгирилди-да, менга қараб деди:

— Тур энди. Тура қол, ўғлим. Муздек сувга чўми-  
либ олгин. Соат тўрт бўлди.

\* \* \*

Мен дорихона дарвозаси олдида турибман. Шу маҳал ичкаридаги ибодатхонадан кимдир шанғиллаб қолди:

— Мен ҳали ҳар биттанг билан гаплашиб қўяман. Ҳамма ёқни ағдар-тўнтар қилиб ташлайман. Ҳали ҳар биттанг менинг олдимда жавоб берасан. Сенлар ҳали нима деб ўтирибсанлар? Мени Атмадарший деб қўйибди! Мен ҳали...

Қарасам, бир одам эғнида ёқаси бўғиқ узун кам-зул, бошида салла-да, ҳеч кимга қарамай, худди ҳа-вога гапираётгандек, кекирдагини чўзиб, юқорига қа-раб олганча аюҳаннос соляпти.

— Ҳали битта-битта менга жавоб берасанлар. Соат тўққиз бўлгани қачон эди, шу пайтгача дорихо-на очилгани йўқ. На ҳақимдан дарак бор, на ёрдам-чисидан...

Шу вақт бинонинг юқори қаватидаги сариқ дупат-тага кўзим тушиб қолди. У томдаги гир айлана девор орқасига бекиниб турган Девкий эди.

— Мен ҳар биттанг билан гаплашиб қўяман! Ме-ни Атмадарший деб қўйипти. Ҳамма нарса ўлда-жўл-да. Бутун бошли бир майдонча бекор ётипти. Гуру-кул очилди, мана ўқийдиганлар аввал йиғирма бешта бўлса, энди ўн учта бўлиб қолди. Бу нарсалар бирон инсоннинг парвойига келмайди. Мана энди дорихона очиб қўйиб, кўраётган кунимиз: ҳақим дегани тўқ-қиздан олдин ўриндан туришни ўйламайди ҳам. «Арья-самааж»нинг бутун пули кўкка совриляпти...

Ҳовлида бирон киши кўринмайди. Бу одам кекирдагини чўзиб кимга гап уқтираётганига ақлим етмайди. У бақириб-чақириб қўлидаги таёғини ерга бир уриб қўяди. Худо билади, қачондан бери шу аҳ-волда турибди.

— Булар «жамият» аъзоларининг кўзини бўяйди. Мен ҳаммасини кўриб-билиб турибман. Мендан ҳеч ким ҳеч нарсани бекитолмайди. Ҳали буларни шун-доқ қўйиб қўймайман, ҳаммасининг жиғини эзаман. Булар дорихонада ишлаши керак бўлган одамни уйи-



га обориб ишлатади. Вақти келиб, ҳаммаси юзага чиқади, ҳамма сир очилади...

Шўрлик хириллаб қолганига қарамай, ҳамон осмонга қараб бақриб ётибди. Девкий ҳали ҳам томда даричанинг ёнида бекиниб эшитиб турибди.

Мен Тулсийдан касалимга дори олмоқчи эдим, лекин берк дорихонанинг олдида туравериш ноқулай бўлиб, катта кўчага қараб юрдим. Нарпроқдаги майдонга борсам, у ердан ҳам ҳалиги одамнинг овози эшитилиб турибди. Бирпас кўчаларни айланиб юрдим. Мен уч-тўрт ойдан бери ўзимни ёлғиз ҳис қиламан. Хаёлпараст бўлиб қолганман. Бурчак-бурчакда ўтириб узоқ-узоқ хаёл сураман. Бу одамда ҳам менинг касалимдан йўқмикин, деб, кўчада ҳар бир учраган одамнинг юзига тикилиб қарайман. Кечаю кундуз бир нарса ичимни тирнаб ётади. Кўчада дадамнинг битта-яримта оғайнисини кўриб қолсам, шартта тескари қараб оламан. Чунки биламанки, тўхтатиб олиб, «Нега бунақа озиб кетдинг? Нима бўлди?» деб сўраб-суриштиради. Афтимга қарайди-ю дардимни билади-қўяди. Кейин дарров ичида акам билан солиштиради. Акам қаёқдаю мен қаёқда? Унинг икки юзи қип-қизил, шундай яшнаб турибдики, қараган одамнинг ҳаваси келади. Мен-чи? Менинг рангимда ранг йўқ. Кўриб, одам кўрқади. Айланиб юриб-юриб тонгалар турадиган жойга бориб қолдим. Шаҳарнинг энг катта ибодатхонаси ҳам шу ерда.

— Ҳей! Бу ерда нима қилиб турибсиз?— деб қолди биров орқадан.

Ўгирилиб қарасам, оғайним Кулдип. Яп-янги ярақлаган велосипедда бир оёғини ерга тираб гердайиб турибди. Уни кўрдиму бирдан руҳим енгил тортиб кетди.

— Кинога қалайсан? Юр,— деб таклиф қилди у.

Нима дейишга ҳайрон бўлиб қолдим. Анави касалим бор эмасми, шунинг учун бунақа ўйин-томошалардан ўзимни тийишим керак.

— Йўқ боролмайман. Ишим бор,— дедим охири.

— Э-э, қанақа одамсан ўзи! Юрсанг-чи! Иккита билет олувдим. Мадан бирга бормоқчи эди, келмай қолди,— деб қистади Кулдип.

Ниҳоят у мени кинога боришга кўндирди. Биз кинотеатрга етиб бордик. Тихирлик қилишимга қарамай, Кулдип мени дарров залга олиб кириб кетди. Қорон-

ғида тимискилаб жойнимизни топиб ўтирдик. «Фарҳод ва Ширин» киноси қўйилаётган экан. Икки кўзим экранга қадалган. Кинога келмаслигим керак эди. Мана залга кирдим у яна жўшиб кетдим. Ахир дадам берган китобда ҳам, кимда-ким ўша дардга йўлиққан бўлса, кино кўрмаслиги лозим, деб аниқ ёзиб қўйилган. Лекин бир нарсага ҳайронман. Кинони-ку ҳамма кўради. Акам ҳам кўради, оғайниларим ҳам. Нега уларга ҳеч нарса қилмайди? Биз анча кечикиб кирганимиз учун кино дарров тамом бўлиб қолди. Бирдан чироқлар ёниб, зал ёп-ёруғ бўлиб кетди-да, пап, сигарет ва шунга ўхшаш майда-чуйда сотадиган болалар шовқин-сурон қилиб ичкарига ёпирилиб кирди.

— Мен кетдим, — деб ўрнимдан турмоқчи бўлдим.

— Қаёққа кетасан? Ҳозир бир қиёмат томоша бўлади, — деди-да, Кулдип қўлимдан ушлаб, яна жойимга ўтқазиб қўйди. — Ҳозир шундоқ бир қиёмат томоша бўладики, унақасини умрингда кўрмагансан.

— Қанақа томоша экан? — қизиқиб сўрадим.


— Ростакам ўйин кўрасан, — деди Кулдип. — Эронлик бир қиз ўйнайди.

Мен яна ўрнимдан туриб кетмоқчи бўлдим. Бироқ оғайним шундай қизиқтириб қўйдик, кетгим келмай қолди. Ҳаяжонланиб, юрагим гуп-гуп уряпти. Бир маҳал чироқ ўчиб, экраннинг олдида қора парда тортилди. Зал зим-зиё бўлиб қолди. Нафасим оғзимга тикилиб, саҳнадан кўзимни узмай қараб ўтирибман. Кулдип қўлимдан ушлаб олган.

Бирдан саҳнага ўнг томондан доира шаклида чўғдек қип-қизил ёруғлик тушди-ю шу доира ичида бир қиз пайдо бўлди. Қизни саҳнага худди шу нур олиб тушгандай бўлди. Унинг бир қўлида кичкина чилдирма, узун-узун тилла ранг сочлари елкасини чулғаб турибди. Эғинда тўпигига тушадиган узун қип-қизил бурма юбка. Худди парининг ўзгинаси. Юрагим гурс-гурс уряпти. Ўзимни бошқа бир дунёга келиб қолгандек ҳис қиламан.

Қизнинг бир қўли белида, иккинчи қўли ёйга ўхшаб тепага қайрилган-да кичкина чилдирмани елкасига тик қўйиб ушлаб турибди. Қиз хиёлгина қийшайиб, майин жилмайганича томошабинларга қараб турибди.

Бирдан қиз бошини силкитиб, полни депсиб ўйинга тушиб кетди. Қўлидаги чилдирмаси ҳам тилга кир-



ди. Қаердадир парда орқасида соз янгради. Қиз ёруғлик допрасидан чиқмай рақс тушяпти.

Бирдан қизил нур яшилга айланди. Раққоса илгаригидан ҳам жозибалироқ бўлиб кетди. У чилдирмасини дам тиззасига қўйиб чалади, дам бошининг тепасига кўтариб чалади. Туриб-туриб ёйдек эгилиб кетади. Силкиниб-силкиниб яшил нур ичида ўйнаяпти. Баъзан юбкаси кўтарилиб, болдирлари кўриниб кетади. Бу ўзи нима? Пари дегани шу эмасмикин?

Ўйин тугаб, раққоса парда орқасига кириб кетди. Назаримда рақс кўз очиб юмгунча тамом бўлди.

Хуллас, томошахонадан қандай чиққангани билмайман. Кулдип билан хайрлашдим. Уйга кетяпману бутун фикру хаёлим ҳалиги гўзал қизда.

\* \* \*

От бошидаги серҳашам жиға шамолда ҳилпирайди. Лахўрдаги тонгалар алмисоқдан қолган, чарчаб-ҳориган отлари судралиб юради. Лекин бизнинг шаҳримиздаги тонгалар гўё елдек учади. Утирадиган жойлари ҳам кенг. Одам бемалол керилиб ўтиради. Уриндиқлари шундай қулай, шундай юмшоқки, қанча юрсанг ҳам, чарчаш нималигини билмайсан.

Уйдан чиқиб кетганимга анча йил бўлган. Уйни жуда соғинганман. Шунинг учун тонгада кетяпману кўчаларга, уйларга, йўлда учраган ҳар бир нарсага интиқиб қарайман. Шаҳар жуда ўзгариб кетибди. Илгари баҳайбат кўринадиган кўприк энди кичкина бўлиб қолибди. Кўчалар ҳам аввалгидай узун-узун, кенг эмас. Худди кичрайиб, торайиб қолганга ўхшайди. Фақатгина қуёш заррин нурларини ўша-ўша сахийлик билан сочиб турибди.

Муртазо тонгачи ҳаммаҳалламыз. Ёшлик пайтимизда маҳаллани бошига кўтариб уят ашулалар айтиб юрарди. У ашула бошлаши билан биз қулғимизни бекитиб олардик. Энди бу ҳам ўзгариб кетибди. Узун мўйлов қўйибди, ҳамма тонгачиларга ўхшаб бошига кул ранг салла ўрабди.

— Ҳозир сизларнинг маҳаллангизда турмаймиз, — деди у менга ўгирилиб. — Бошқа ёққа кўчиб кетганман.

Бу гап менга оғир ботди. Бир нарса демоқчийдим,

шу пайт арава муюлишдан бурилди-ю маҳалламизга кириб борди. Маҳалла ҳам худди кичрайиб қолганга ўхшайди.

Бир пайтлар мана бу ерда тонгачиларнинг кулбалари бўларди. Уларнинг олдида ҳамиша тўрт-бешта от боғлоглиқ турарди. Энди ўшаларнинг ўрнида бир баланд ҳашаматли уй турибди.

— Бу Амжад Алининг қасри, — деб тушунтирди менга Муртазо.— Уруш пайтида туя олиб сотиб, роса пул ишлаб олди. Пулни қоп-қоп қилиб туяга ортиб келди.

— Нуру ота ҳозир қаерда?

— У аллақачон ўлиб кетган.

Ана Бўстон тақачи уйининг олдида туриб машина билан бир отнинг юнгини оляпти. Юнг оладиган машинанинг гўнғиллаши узоқдан эшитилиб турибди. Ҳар томонда симёғочлар кўзга ташланади.

Мавлавий Исҳоқ уйидан чиқди-да, кўчанинг ўртасига тушиб олиб, бир ёққа қараб юриб кетди. У ҳойнаҳой масжидга кетяпти. Атарсинҳ ҳолвачининг дўкони ҳам бузилиб кетибди. Ўрнига ҳаво ранг пешайвонли катта икки қаватли уй солинибди. Дўконнинг ёнидаги улкан дарахт ҳам кесилиб кетибди.

Эшикни ойим очди. Уни кўрдиму юрагим гуп-гуп уриб кетди. Бечора қандай қариб, юзларини ажин босиб кетибди. Худди оғзида битта ҳам тиши йўққа ўхшайди. Ойим буни мендан бекитиб ўтирмади.

— Ҳа, ойижон, нима қилди? — деб сўрадим.

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ. Уч-тўртта тишимни олдирувдим,— деб жавоб берди у.

Дадам одати бўйича кабинетида ўтириб олиб чиқчиқ қилиб машинкада хат ёзаётган экан. Мени кўрди-ю дарҳол ўрнидан туриб, бағрига босди. Болалигимдан таниш ҳид димоғимга урилди.

— Қани, дарров бунга қайноққина сут олиб келчи,— буюрди дадам ойимга елкамни силаб туриб.— Йўл юриб, чарчаб келган.

Дадамнинг сочи оппоқ оқариб кетибди. Лекин мўйловида оқ яккам-дуккам. Бу ўзига жуда ярашиб турибди.

— Акам қаёқда? — сўрадим бесабрлик билан.

— Ҳозир келиб қолади,— деди дадам.— Бозорда ҳам бир идора очганмиз. Аканг ўша ерда ишлаяпти.

Дадамнинг хонасидан чиқиб, уйни айлана бошла-

дим. Уй ҳам кичкинага ўхшаб қолган. Бир вақтлар ошхонанинг олдидаги устунга осилиб ўйнаганимиз-ўйнаган эди. Уша вақтда жуда баланд кўринадиган устун энди деярли менинг бўйим барабар бўлиб қолибди. Шкафдаги сариқ бўр билан чизилган чизиклар ҳали ҳам бор экан. Кичкина опам ёшлигида шкафнинг эшигига «Вимла» деб ўзининг отини ёзиб қўйган эди. Уша ёзув ҳали ҳам ўчмай турибди. Шкафнинг бир тавақаси очиқ ётибди. Худди Вимла опам у ёқ-бу ёққа кета туриб, шкафни очгану ёпиб қўйиш эсидан чиқиб қолгандай. Токчада ёғоч гардишли оддийгина ойна ҳали ҳам турибди. Акамга ўхшаб, менинг юзимга ҳам ранг кирибдими, йўқми, деб кунда йигирма марта шу ойнага қарардим. Уйимизни қандайдир бир ҳорғинлик чулғаб олган. Бутун уйни чанг-ғубор қоплаб олгандек, ҳамма нарса анчагина қартайиб қолгандек туюлади.

Мен йўқлигимда уйда анча-мунча ўзгартирилган бўлибди. Бизникилар орқа қўшнимизнинг уйини сотиб олиб, уйимизга қўшиб олишибди. Бир хонада бўй барабар учта шкафда китоблар турибди. Ҳаммаси инглизча. Иккита хонага гилам тўшалган.

— Аканг ҳамма ёқни мана шундоқ ўзгартириб ётибди,— деди оғим.— Уни у ёққа, буни бу ёққа суртиш бўлса унга. Ўзинг яхши биласан, дадангнинг бунақа нарсаларга ҳеч хуши йўқ эди, ҳозир ҳам ўшанақа. У кишига эртаю кеч чиқ-чиқ қилиш бўлса. Бошқа ҳеч нарса билан иши йўқ.

Оғимнинг киртайган кўзлари, ажин босиб кетган юзига қараган сарим кўнглим вайрон бўлиб кетяпти.

Она-бола уйларни айланиб бўлиб, яна даданнинг хонасига қайтиб келдик.

— Ҳой, сен бунга иссиқ сут бердингми, йўқми? Йўлдан чарчаб келган ахир,— деди яна дадам.

— Хизматкор ҳали қайтиб келгани йўқ. Сутни ҳозир ўзим пишириб бераман.

— Тулсий қаёққа даф бўлди? Тулсийга айт, ўзи пиширсин.

Тулсийнинг номини эшитиб, мен ҳанг-манг бўлиб қолдим.

— Ҳой, қанақа одамсиз ўзи? Сизга юз марта айтаман, Тулсий бизларга хизматкор эмас, унга иш буюрманг, деб.

— Тулсий шу ердами?— ҳайрон бўлиб сўрадим.

— Ҳа, шу ерда,— деди ойим.— Кундузи тикувчилик қилади, кечаси шу ерга келиб ётади. Ҳозир ҳам кўйлак тикиб ўтирибди. Даданг ҳеч эски одатини қўймайди, ўшанга иш буюргани-буюрган. Ҳой, шунга иш буюрманг, деб бу кишига шумшук бўлганим-бўлган.

— Сен уни жуда бошингга чиқариб олдинг,— деди дадам жаҳли чиқиб.— Шундоқ бориб, сут пишириб келса, қўли синиб қоладими? Қолаверса бу ерда шундоқ тураверадими? Бу ер унга карвонсаройми?

— Тулсий дорихонадан кетиб қолганми?— сўрадим мен.

— У ердан кетгани қачонийди,— деди ойим.— Хўжайини хотини билан эртаю кеч жиққамушт экан. Эзилганда икки ўртада шу шўрлик эзилди. Дорихонадан кетгандан кейин кўп азобларни тортди. Қишлоғига бориб табиблик ҳам қилди, бўлмади.

Дадам худди илгаригига ўхшаб деразадан ташқарига қараб турибди. Бир маҳал зарда билан гапириб қолди:

— Унга айт, бошқа жой топсин. Жўнатиб юбор бу ердан.

— Ҳой дадаси, яна уч-тўрт кун тура турсин. Шўрликнинг бир тайинли жойи бўлмаса. Иш топса, айтмасангиз ҳам, ўзи кетади,— деб, ойим менга қаради.— Аканг барака топсин. Тулсийнинг ночорлигини кўриб, Видяга олиб берган машинани шартта опчиқди-да, мана, деб қўлига тутқазди. Мен шунчалик қизолмасдим. Мана энди кичкина-кичкина кўйлақларни бинойидек тикиб ўтирибди.

— У одам эмас, ғирт тўнканинг ўзи,— деди дадам жаҳли чиқиб.— Мия деган нарса йўқ.— Кейин менга ўгирилди-да, мулойимлик билан деди:— Бундоқ семириб ҳам келмабсан, ўғлим. Овқатнинг мазаси йўқ-миди? Уйдаги овқат бошқача-да, а?

Дадамнинг жуда чиройи очилиб кетди.

— Хўш, санскритни ўрганиш қалай кетяпти? Бу тилни албатта ўрганиш керак. Лекин форс тилини ҳам бўшаштирма. Бу ҳам жуда чиройли тил. «Гулистон» билан «Бўстон»ку оламда тенги йўқ асарлар,— деб бир нарсаларни ўзича хиргойи қилиб, яна гап бошлади:— Манави гапни эшит. Форсийгўйларнинг бир гапи бор: «Бир сиқим тупроқ олсанг ҳам, баланд тепалиқдан ол». Қара, қандай ажойиб гап!— Дадам анчагача деразага тикилиб ўзича ғазал айтиб турди.

Кейин оймга ўгирилиб, яна тайинлади: — Бунга қайноққина сут пишириб бер. Йўлдан чарчаб келган.

Дадам билан ойм бўлар-бўлмасга гижиллашадиган бўлиб қолишибди. Дадам оймнинг гапини бўлса, ойм афт-башарасини бужмайтириб, тескари қараб олади. Дадамнинг гапига ойм гап қўшса, дадам бир-пасда тутатиб, ўдағайлаб кетади.

— Сизлар бу ерда чой ичмайсизларми?— сўрадим мен.— Биз у ёқда доим чой ичардик.

— Чой нимаси?— зарда қилди дадам.— Йигит кишига чой ичиш нимаси? Сут пишириб бер бунга, ойиси!

— Ҳой, ўзингиз қанақа одамсиз. Ҳамманинг уйида чой ичилади. Ҳа бизнинг қаеримиз кам? Сиз намунча ўзингизникини маъқуллайверасиз.

— Бўпти, бўпти, билганингни қил. Бўлмаса мендан сўраб нима қиласан?— деди у жаҳл билан.

Шундан кейин ойм иккаламиз юқорига чиқдик. Ойм ўчоққа сув қўйиб қўйди-да, қуруқ чой қидиришга тушди. Мен пиёла олгани шкафни очдим. Қарасам, шкафда бир даста бир хил пиёла турибди. Буни ҳам ҳойнаҳой акам олиб келган, деб ўйладим. Чунки илгари уйимизда бунақа бир хил пиёла бўлмасди. Дадамга намунага келган катта-кичик, ҳар хил гулли пиёлалар турарди.

Ойм роса қидириб, қуруқ чойни тополмади. Ўчоқ бошидаги қутичаларни бирма-бир қараб чиқди. Қуруқ чой ҳеч қаерда йўқ.

— Бу уйда ҳеч бир қўйган нарсанг жойида турмайди-да,— деб гижинди ойм. Тишини олдириганданми ё бошқа сабабданми оймнинг овози анча бўшашиб қолибди. Ўзи ҳам жуда семириб кетибди.

Ойм чойни тополмай, панжаранинг олдига борди-да, пастга қараб баланд овоз билан сўради:

— Ҳой дадаси, Судама келдими, йўқми?

Судама дегани хизматкоримиз экан.

— Йўқ, келгани йўқ. Ҳа, нимайди?— сўради дадам.

— Қуруқ чойни тополмаяпман. У бўлганда бозордан опкелиб қўя қоларди.

— Ойи, мен ўзим чиқиб келаман,— дедим мен олдига бориб.

Дадам хонасидан чиқиб айтиб қолди:



— Чойни мана мен бераман. Опчиқиб кет.

— Бор ўғлим, опчиқа қол,— деди ойим менга қараб.— Даданг чой олиб сотишга ҳам ўтган. Қобулдаги савдогарларга чой етказиб беради.

Мен зинғиллаб пастга тушдим. Дадам бир оппоқ темир қутичани қўлимга берди. Бундай қутини илгари бу ерда ҳам кўрган эмасдим, Лаҳўрда ҳам. Юқорига олиб чиқиб, қутичани полга уриб, аранг очдим.

Қайнаб турган сувга чой солдик. Ранг-панг деган нарса йўқ. Яна солдик. Барибир ранги чиқмади.

— Ҳой, дадаси, менга қаранг,— деди ойим панжаранинг олдига бориб.— Берганингиз нима бало эди? Чоймиди ё бошқа нарсамиди? Ҳеч ранги йўқ-ку.

— Бу Шанхайнинг чойи,— пастдан туриб жавоб берди дадам.— Асл чой. Бунақасини бозордан тополмайсан.

— Нега бўлмаса ранги чиқмаяпти?

— Нега энди чиқмас экан? Чиқади.

— Ишонмасангиз, мана ўзингиз келиб кўринг. Озгина-узгина эмас, бир сиқим ташлаб юбордим, барибир ранг деган нарса йўқ.

— Қанақасига ранги йўқ бўларкан? Қани мен ўзим бир чиқиб кўрай-чи.

Дадам оғир-оғир қадам ташлаб юқорига чиқиб келди. У кейинги вақтда зинадан шунақа секин чиқиб, секин тушадиган бўлиб қолибди.

— Қани, бир кўрай-чи, — деди-да, дадам чой солинган сувга тикилиб қаради. Кейин ойимга буюрди:— Қуруқ чойдан яна солиб, оловга қўйиб қўй.

— Вой, тахир бўлиб ўлмайдимиз? Ҳеч замонда шунақаям чой дамланадимиз?

— Йўқ, мен бунақа чойни ичмайман,— дедим мен сарғиш сувга қараб.

— Сен ўзи чой ичмоқчимисан ё ранг ичмоқчимисан? Ранги билан нима ишинг бор? Шундоқ асл, тоза чой-а?

— Барибир ичмайман.

— Ўзи йигит кишига чойни ким қўйибди?— деди дадам эшитилар-эшитилмас.

Шу пайт янги хизматкоримиз Судама келиб қолди. У катта ёшдаги, қотмагина одам экан. Соқоли ўсиб кетган. Икки ёққа шох ташлаб лапанглаб юраркан. Турқини кўрган одам «Бу жиннихонадан қочиб келяптими, нима бало?» деб ўйлайди.

Судама келиб чойдан бир чимдим оғзига солиб, чайнай бошлади. Кўзини пир-пир учириб анча чайнади-да, кейин қайнаб турган сувга қараб деди:

— Ие, тақсир, бу кўк чой экан-ку! Бизда бунақа чой ичилмайди. Бунақа чойни патанлар<sup>1</sup> ичади.

— Биз ичсак нима қилибди? Бир нарса бўп қоламизми?— деб жаҳл қилди дадам.

— Мен ичмайман бунақа чойни,— дедим яна секингина.

— Ичмасанг, ичма. Буларга шундоқ чой опкелиб берибману, нозини қаранг. Бу ёққа ол қутини. Сенларга чой берган мен аҳмоқ.

Дадам чой қутини олиб, зарда қилиб пастга тушиб кетди. Судама чой олиб келгани бозорга кетди. Мен дадамнинг олдига тушиб, унга разм солиб ўтирдим. Анча чўкиб қолибди. Машинада ёзиб ўтирибди-ку икки букчайиб кетяпти.

Бир маҳал бундай қарасам, остонада эшикка суяниб Тулсий турибди. У мени дарров таний олмади. Мен қараганимдан кейингина таниб, дарров кафтларини қовуштирди. Илжайган эди, майда-майда тишлари кўриниб, қип-қизил милклари ялтираб кетди.

— Тулсий! Э-э, бормисан?— деб унга отилдим.

У дарров эгилиб таъзим қилди-да, оёғимга қўл урмоқчи бўлди.

— И-и, қўйсангчи, Тулсий. Нима кераги бор?— дедим-да, қўлини олиб қўйдим. Лекин у яна кафтини қовуштириб тураверди. Унга бошдан-оёқ разм солиб чиқдим. Бўйим Тулсийникидан анча баланд бўлиб кетибди. Бир пайтлар баҳайбат кўринадиган Тулсий энди менинг олдида пастгина бўлиб қолибди. Кўзлари ич-ичига ботиб кетган, юзидаги тиниқликдан асар ҳам қолмаган, соқоли ўсиб кетган. Тулсий илгариги одати бўйича остонада, эшикнинг кесакисига суянганча турибди.

Мен гапирай десам, гап тополмайман. Тулсий ҳам индамай турибди, ҳойнаҳой нима дейишга ҳайрон. Иккаламиз ҳам ноқулай аҳволда қолдик. Ноилож мен ҳовлига чиқиб кетдим.

— Мен ҳам борсам майлими?— деб қолди Тул-

<sup>1</sup> Патанлар — Афғонистон ва Покистоннинг чегарадош районларида яшайдиган қабила.

сий қўлини қовуштирганича. У, кўзи ожиздек, менга кўзини қисиб қараб турибди.

— Кеннойим яхши юрибдими? Ҳозир у киши қаерда? Шу ердами ё қишлоқдами?— сўрадим мен.

— Девкий вафот этиб кетди, тақсир,— деди Тулсий бирпас жим туриб.— Иккинчи боласини туғаётганда ўлиб қолди.

Тулсийнинг ич-ичига ботиб кетган кўзлари менга қадалган. Бирдан лаблари пир-пир учиб, кўзига ёш қалқди. Салласининг учи билан кўзини артди. Юпатиш учун елкасига қўлимни қўйган эдим, ўпкаси тўлиб кетиб, хўнграб йиғлаб юборди.

Тулсий хўнграб йиғлаяпти, мен гўё соқов бўлиб қолганман. Бир оғиз илиқ сўз тилимга келмайди.

— Болаларинг қаерда?— сўрадим ниҳоят у ўзига келганидан кейин.

— Иккови ҳам қишлоқда. Укамнинг қўлида.

Тулсий кўз ёшини артиб, менга ниҳоятда меҳр билан тикилди.

— Уғлим каттагина бўлиб қолди. Еттига кирди. Қизим ҳали кичкина.

— Отини нима қўйгансан?

— Уғлимнинг отини Вед қўйганман. Қизимнинг оти Шантий,— деб жавоб берди у хиёл кулимсираб. «Арья-самааж» тарафдорлари ўзи илгаридан болаларига шунақа номлар қўйишади. Тулсий ҳам ўшалардан.

— Ойим сени, тикувчилик қиялпти, дейди. Шу гап ростми?

— Ҳа, рост. Анави дорихонадан кетганимдан кейин бир-икки ой Ситарам деган ҳақимнинг қўлида ишладим. Қиладиган ишим фақат дорини идиш-идишга солиш эди. Иши-ку унча кўп ҳам эмас, қийин ҳам эмас, лекин у одам ҳеч нарса ўргатмади. Шунинг учун у ердан ҳам кетиб қолдим.

— Энди бу тикувчилик маъқулми сенга?

— Қўйлак-пойжомаларни тикиб турибман,— деб жавоб берди Тулсий бирпас ўйлаб туриб.— Балдевжий барака топсинлар, менга бир жой тўғрилатиб бердилар. Уша ерда ишлаб ўтираман. Лекин қийнал-япман. Уста кўрмаганман-да.— Кейин секин қулоғимга шивирлади:— Сиз бир дадангизга айтсангиз, мени банкага югурдак-пугурдак қилиб қўйсалар. Ўзим айтсам, жаҳллари чиқади, деб қўрқаман. Мен айт-

сам ҳам, албатта, йўқ демайдилар, лекин сиз айтсангиз, иш тезроқ битарди дейман-да.— Тулсий бу гапни ўзини худди шу хонадон аъзосидек тутиб айтди. Афтидан дадамнинг табиатидан ҳам яхши хабардор экан.

— Ҳой Тулсий, қани бир минут бу ёққа қараб юбор-чи,— деб чақириб қолди дадам.— Манави хатларни олгин-да, зинғиллаб катта почтага ташлаб кел. У ердан хатлар кетиб қолган бўлса, шўппайиб қайтиб келаверма. Тўғри станцияга боргин. Тушундингми? Бўпти, бор.

Тулсий хатни олиб, оёқ кийимини кийди-да, худди илгаригидек физиллаганича уйдан чиқиб кетди.

Шу маҳал кўчадан бировнинг қаттиқ-қаттиқ гапирётгани эшитилиб қолди.

— Қўйиб юборинг, деяпман болани! Сиз ўзингиз кимсиз? Отамисиз ё жаллодмисиз?

Овозидан дарров танидим — акам. Лип этиб деразанинг олдига бориб, кўчага қарадим. Акам кўчада кўринмайди, лекин овози борган сари баландлашяпти:

— Менга барибир. Бола сизники. Бир кун келиб катта бўлганида башарангизга тупурадиган бўлади,— деди у.

Дадам ўз хонасида қаққайиб туриб қолган. Шу пайт ҳовлиқиб ойим тушиб келди-да, ғижиниб деди:

— Э-э, нима қиларди ўшаларга аралашиб? Отаси нимаиди-ю, боласи нима бўларди?

Югуриб кўчага чиқдим. Қарасам, акам турибди. Қўлида битта ёш бола. Чўққи соқол, бошига туркча дўппи кийган бир киши акамга ўқрайиб қараб турибди.

Шу пайт рўпарадаги уйдан мавлавий Исҳоқнинг ўғли амакиваччаси билан чиқиб қолди-да, у ҳам ҳалиги одамга дакки берди:

— Бу киши тўғри айтади. Ёш болани ҳам шунақа урадим одам?

Ҳалиги киши акамга бирпас ўқрайиб қараб турди-да, кейин бўшашиб деди:

— Хўп, урмаганим бўлсин, биродар. Бу ярамас сал ўқисин, дейман-да.

У боласини акамнинг қўлидан олиб кетди.

Мен акам билан қучоқлашиб кўришдим. У мўйловини олдириб ташлабди. Эгнида костюм-шим.

— Хат-пат ёзмабсан-да? Ўзим чиқиб, кутиб олардим.

Акам ўша-ўша: жуда тетик, ғайрати жўш уриб турибди. Уйга киришимиз билан у мени белимдан қучоқлаб олди-да, шундай деди:

— Абнаший Рамнинг бошлаб таъзирини бердик. Шундоқ бошладикки, ўла-ўлгунча эсидан чиқмайдиган бўлди.

— Ким у Абнаший Рам?— сўрадим мен.

Билсам, коллежнинг бошқарув комитетида иккита гуруҳ бор экан. Абнаший Рам шу гуруҳлардан бирининг раҳбари экан. Яқинда уларда қандайдир бир сайлов бўлиб ўтибди. Акам ўша сайловни гапираётган экан.

— Сайлов кечагина бўлиб ўтди,— деб гапида давом этди акам.— Кўплар сайлов фондига пул бермаган эди. Бизлар киши билмас уйма-уй юриб ҳаммадан аъзолик бадалини ундирган эдик, ёппасига сайловга келишди. Абнаший Рам уларни, келмайди, деб ўйлаган экан. Шўрликнинг башарасини бир кўрсанг эди, раҳминг келарди.

Мен эса ўртоқларимни суриштира бошладим:

— Рамеш қалай юрибди?

— Ялло қилиб юрибди. Бир жойга унаштирилган эди, мен йўққа чиқардим.

— Рамеш унаштирилганмиди?

— Гап бундоқ бўлди. Рамешнинг амакиси бир одамга сўз бериб қўйибди. Тўй ўшанинг зўри билан бўлаётган эди. Лекин Рамешнинг шу тўйга ҳеч қўнгли йўқ эди. Бироқ амакисига буни рўй-рост айтолмасди.

— Хўш, сиз нима қилдингиз?

— Уртада бир одам турган эди. Танисанг керак. Бозорда баққоллик қиладиган Мансарам деган одам. Мен ўша одамга кимлигимни айтмай бир хат ёзиб юбордим. «Бу бола хезалак. Қизнинг умрини хазон қилманглар» деб ёздим хатда.

— Хўш, кейин нима бўлди?

— У хатни ким ёзганини билиб қолибди. Мен хатни ўзимизнинг Муншийдан бериб юборувдим. Ҳалиги одам уни таниб қолибди. Эртасига хатни кўтариб дадамнинг олдига келиб қолди. Роса тўполон қилди. Лекин биз ҳеч бўш келмадик. Хуллас, тўй йўққа чиқди. Рамешнинг боши осмонда.

Акамнинг гапларини эшитиб, назаримда бу мудроқ шаҳар бирдан яна уйғониб кетди, илгаригидек

гавжум, жозибали бўлиб қолди. Унинг қоронгу ва сокин кўчаларида бирдан ҳаёт мавж уриб кетгандек бўлди.

— Агар чарчаган бўлсанг, дамингни ол. Эрталаб сени кўлга олиб бораман. Бир маза қилиб чўмила-миз,— деди акам.

Мен ҳайрон бўлдим:

— Ие, қанақа кўл? Ҳеч қандай кўл-пўл йўқ эди-ку.

— Бир кўл топганмиз. Таповондан икки милча нарироқ борсанг, анҳорнинг суви ёйилиб оқади. Анҳорнинг четидаги катта бир дарахт ағдарилиб тушган-да, суви тўсиб қўйган. Уша жойда кўлга ўхшаш бир нарса пайдо бўлган. Қирғоқлари баланд. Рамеш қўли билан бурнини бекитиб олиб, тепадан сувга оёқ ташлагани-ташлаган. Қалла ташлашни билмайди, нуқул оёқ ташлайди. Кўрсанг, маза қилиб куласан.

— Рамеш ҳам борадими?

— Йўқ, у боролмайди, оёғи сал лат еган.

Бир воқеа акамнинг эсига тушиб қолди шекилли, сал ийманиб гап бошлади:

— Яқинда бир қизиқ воқеа бўлди. Рамеш иккаламиз кўлга чўмилгани борган эдик. Иккаламиз ҳам қирғоқда қип-яланғоч турибмиз. Теварак-атрофда ҳеч ким йўқ. Шунинг учун иккаламиз доим яланғоч чўмиламиз. Бир маҳал бир инглиз аёл келиб қолса бўладими! Қаёқдан келиб қолди — билмайман. Аёлни кўрдигу ўзимизни сувга отдик. Менга-ку ҳеч нарса қилгани йўқ, лекин Рамеш оёғини сал уриб олди.

— Қалай, ишингиздан хурсандмисиз? — сўрадим мен.

— Йўқ, бу савдо-сотик менга тўғри келмайди. Барибир бир кун бу ишни ташлайман. Лекин ҳозирча маркизетни оммалаштиришнинг кетида юрибман.

Ҳайрон бўлиб турганимни кўриб, акам тушунтира кетди:

— Читнинг нималигини биласан, а? Ундан шалвор, пойжома тикилади. Читга талаб жуда катта. Бунга ҳам яхши биласан. Читнинг ҳам, бошқа материалларнинг ҳам турлари бўлади. «Қалит» ва «57» деган сўзларни эшитган бўлсанг керак. Булар читнинг энг асосий турлари. Чананшоҳ баззоз читнинг «57» деган турини сотади. Худди шунга ўхшаб, мен ҳам маркизет билан савдо қилмоқчиман.

— Маркизет ўзи нима дегани?— яна ҳайрон бўлдим мен.

— Бу ҳам материалнинг номи. Сенга айтайми нима иш қилганимни? Бир куни Рамешни уч-тўртта дўконга юбордим. У битта дўконга боради-да, «Сизда маркизет борми?» деб сўрайди. Кейин бошқа дўконларга бориб, шундоқ деб сўрайди. Орадан икки-уч кун ўтгандан кейин яна уч-тўртта оғайнимни юбордим. Улар ҳам у дўконга, бу дўконга кириб «Маркизет борми?», «Маркизет борми?» деб сўраб келди. Қарабсанки, дўкондорлар шунақа материал мавжудлигини, унга талаб ҳам борлигини билди. Лекин ҳозирча ҳеч ким заказ бермай турибди. Бироқ яқин кунларда заказ тушиб қолиши турган гап.

— Тулсий шу ерда турибдими?

— Ҳа. Уни кўрмадингми?

— Кўрдим.

— Бу боланинг қўли ҳеч тикишга ўрганмади-ўрганмади-да! Бозорда кеча биттаси тутиб олиб урибди. Эсингдами, ойим бизга қўйлак-шалворлар тикиб берарди. Тулсийнинг тиккани ҳам ўша оймникидан фарқ қилмайди. Шунинг учун урган-да. Э, қўй, шу гапларни. Бошқа нарсалардан гаплашайлик. Хўш, ўзинг қалайсан? Имтиҳонлар қалай бўлди? Роса хоккей ўйнаган бўлсанг керак, а? Менга қара, бир таклиф бор: иккаламиз велосипедда бир Қўҳмарийга чиқмаймизми? Жуда маза қилардик-да.

— Вўй-бў, қирқ мил жойгая? Бунинг устига йўл тоғлик бўлса.

— Э-э, ҳеч нарса қилмайди. Бу ердан ярим йўлгача велосипедда борамиз. Ундан у ёғига биронта машинада кетамиз. Қайтишда яна велосипедда келаверамиз. Хўп деявер. Жуда зўр бўлади. Битта велосипед уйда бор, биттасини Рамешдан оламиз. Юр, Рамешникига ҳозир бориб келамиз. Ҳали жуда вақтли. Йўқ, майли, сен ўтириб тур, ўзим ғизиллаб бориб келаман.

Шундай деб акам велосипед олиб келгани Рамешникига кетди...

\* \* \*

Ҳаётда чинакам бурилиш қаердан бошланади? Фалон жойгача болалик, ундан у ёғига балоғат даври бошланади, деб айтиш мумкинми? Шундай аниқ бир

нуқта, бир чегара борми ўзи? Ўша нуқтадан бу ёқда нимаики бўлса, ҳаммаси ноаниқ, ноқерак ва аҳамиятсиз, ундан у ёғида нимаики бўлса ҳаммаси аниқ, равшан ҳамда муҳим, деб айтиб бўладими? Болаликдаги чанг-тўзон йигитлик даврида бўлмайдами? Бу нарса умрнинг охиригача давом этмайдами?..

Мен ҳам савдо ишига киришдим.

Бир клерк билан бирга банкда ўтирибман. У менга қунт билан кирим-чиқим дафтарини қандай тутишни ўргатапти. Клерк оппоққина, мендан ёшроқ бир йигит. Лекин жуда билармон, чаққон. Югурдак мижознинг пул қоғозини олиб келди дегунча, бир зумда уни катта китобга ёзиб қўяди. Қоғозга «ёзилди» деб қизил қалам билан белги ҳам қўяди. Унинг қилаётган ишини диққат билан кузатиб, тушунишга уринаман, лекин бефойда. «Банк ишини албатта ўрганиб олгин. Савдо-сотикда албатта қўл келади» деб тайинлайди дадам. Мен банк хизматчиси эмасман, бегонаман. Лекин клерк менга тавозе билан муомала қилади.

Шу маҳал орқадан бировнинг «Мен ёлғон гапирмайман. Сира ҳам ёлғон гапирмайман» дегани эшитилди.

Бу йўғон, дўриллаган овозни дарров танидим-да, ўгирилиб қарадим. Тулсийлигини кўрдиму яна тескари қараб ўтириб олдим. Унинг шу ерда ишлашини биламан. Лекин шу топда мени кўришни хоҳламайман.

— Тақсир, сиз мени бекорга алдоқчи деяпсиз. Мен умримда ёлғон гапирган одам эмасман.

Унинг овози яна ҳам йўғонлашиб, йиғлагудек бўляпти. Орқамга ўгирилиб, «Нима гап ўзи?» деб сўрагим келди. Лекин негадир қимир этмай ўтиравердим. Ўтирибману қулоғим ўша ёқда.

— Ҳой, ҳой, Тулсий! — деб қолди бир клерк. Шундан кейин стул ғирчиллаб, биров шоша-пиша юриб кетди.

— Ҳой, нима қиялсан? Бунга қарасаларингчи! Қанақа дардисарга кунимиз қолди ўзи?

Шу ерга келганда мен чидаб туrolмай, орқамга ўгирилиб қарадим. Тулсий менга орқасини ўгириб турибди, шунинг учун мени кўрмайди. Билагини оғзига тикиб, энгашиб олган. Унинг бу алпозда туриши менга болалигимдан таниш. Чунончи кўриб, сесканиб кетдим. Ходимлардан биттаси зўр бериб унинг елка-



сидан ушлаб силтаяпти, аммо Тулсий ҳеч қўлини қўй-  
вормайди. Қўзидаги кўзойнакнинг бир томони қуло-  
ғига ип билан илиб қўйилган.

— Оббо! Бу бола қўлини узиб олади-ку. Оғзидан  
чиқариб олинглар,— деб куйяпти ҳалиги ходим.

— Ҳой Тулсий! Қўйвор қўлингни. Қўйворсанг-чи.  
Ахир мен сенга ҳеч нарса деганим йўқ-ку.

Ниҳоят Тулсий қўлини қўйиб юборди. Лаблари  
шундай қон. Юзи лов-лов ёняпти. Ҳеч кимни кўрмай-  
ди — мени ҳам, бошқаларни ҳам. У сал нарига бориб,  
ерга ўтириб олди-да, бошини тиззасига қўйиб, ҳўн-  
раб йиғлашга тушди. Терга ботиб, қўйлаги ҳўл бўлиб  
кетган. Елкалари силкиниб-силкиниб кетяпти. Мен  
ҳали ҳам қандай ўтирган бўлсам, ўшандай ўтирибман.  
Ҳозир Тулсийнинг олдига бормаганим маъқул. Бор-  
сам, мени кўриб, уялиб кетади. Кейин хижолат бўлиб,  
ўзини ўзи койиб юради.

Орқа томонимда ўтирган иккита хизматчи Тулсий-  
ни масхара қилиб куляпти:

— Мен унга ҳеч нарса ҳам деганим йўқ. Қилган  
айбим шу бўлдики, «Мижозга квитанцияни кўрсатиб  
келдингми?» деб сўрадим, холос. Шунга энди қўлни  
тишлаб ўтирибди-я!

— Бу қип-қизил жинни экан, оғайни.

Бирпасдан кейин гап-сўзлар таққа тўхтади. Фа-  
қат клеркларнинг қитир-қитир қилиб ёзиши эшитилиб  
турибди, холос. Тулсий эса ҳали ҳам ўша ҳолатда ўти-  
рибди.

— Тулсий! Ҳў Тулсий!— чақириб қолди биров.

Мен бошимни кўтариб қардим.

— Ҳой, Тулсий! Тур ўрнингдан. Стаканда сув  
олиб кел!— Чақирган кассир экан. Тулсий секин бо-  
шини кўтариб қаради.

— Тур! Бориб стаканда сув олиб кел,— деди яна  
кассир.— Нима бало, башаранг қип-қизил? Нима бўл-  
ди ўзи? Сал илдамроқ бўл. Чаққон-чаққон ҳаракат  
қилишни ўрган. Тушундингми?

Тулсий чурқ этмай ўрнидан туриб, деворнинг та-  
гида турган кўзалар олдига кетди.

— Ҳой, менга қара. Стаканни яхшилаб чайиб  
ташла, — деди кассир.

Тулсий сув олиб, кассир томон кела бошлади.  
Менга кўзи тушиб қолмасин, деб қўлим билан юзим-  
ни тўсиб олдим...

Биз энди овқатни илгаригига ўхшаб ошхонада шундай ерда ўтириб емаймиз. Алоҳида жойда стол-стулда ўтириб еймиз. Шу кунларда Видя опам иккита боласи билан бизни кига меҳмонга келган. Беш яшар ўғли жуда шўх. Ҳали қарасанг «Мени тутолмайсиз. Мени тутолмайсиз» деб қийқирганича столнинг атрофида айланади, ҳали қарасанг, столнинг тагига кириб олади-да, «Мен қаердаман? Мени топинг» деб қичқиради. Хуллас, уй шовқин-суронга тўла. Жиянимизни ҳам ўша бизни ўқитган пандит келиб, ўқитиб кетади. У ҳам ҳиндий ва санскрит тилларини ўқийди. Дадамнинг ўзи бўш қолди дегунча неварасини олдига олади-да, «Гаятрий»<sup>1</sup>нинг оятларини ёдлатади.

Лекин бир ҳафта-ўн кундан бери уйда вазият анча кескин. Бир бало бўлмасайди, деб юрагим жуда ғаш. Ҳамма бир-бири билан шивирлашади. Ҳали ойим опам ёки акам билан бир чеккада пичирлашиб ўтиради, ҳали дадам ойим билан пичирлашади. Ёки бўлмаса дадам билан акам иккови уйнинг ичига кириб олиб, шивир-шивир қилиб гаплашади.

Бир маҳал дадам билан акам икковлари меҳмонхонага кириб олишди-да, яна гап талашиб кетишди. Неча кундан бери аҳвол шу: дадам ҳар хил далилларни келтириб акамга гап маъқулламоқчи бўлади, акам ҳеч кўнмайди. Гап шуки, акам савдо-сотикни ташламоқчи, бирор бошқа шаҳарга жўнаб кетмоқчи. Дадам эса бунга унамайди.

— Ҳой, менга қара,— деди дадам мени чақириб.— Пастга тушиб, анави қора муқовали катта китобни олиб чиқ. Тез бўл.

— У китобнинг фойдаси йўқ. Унинг ичидагини мен беш қўлимдай биламан,— деди тутақиб акам.

Мен китобни олиб чиқдим. Дадам қўлимдан олиб очди-да, буюрди:

— Қани ўқи-чи, нима ёзилганикин.

— Дада, ҳаммаси шундоқ эсимда деяпман-ку. Ўқиганингиз билан ҳеч нарса ўзгариб қолмайди, -- деди акам баттар қизишиб.

<sup>1</sup> Г а я т р и й — ҳиндуларнинг муқаддас китоби «Ригведа»даги оятлар.

Дадам қўли билан кўрсатиб турди, мен ўқий бошладим:

«Херрисон ва Кросфилд»: март — 1550 рупия, апрель — 2100 рупия, май — 600 рупия, июнь — 1100 рупия...

— Ана, кўрдингми, бу атиги битта фирмадан тушган фойда,— деди-да, дадам китобнинг иккинчи varaғини очиб, менга «Ўқи!» деб буюрди. Мен ўқидим:

«Жекоб Баренс ва ўғиллари»: апрель — 401 рупия, май — 130 рупия...

— Дада, бу ишингиз бекор, деяпман-ку сизга! Буларнинг ҳаммаси ёд бўлиб кетган менга,— хуноб бўлди акам.

— Бу савдо-сотиқ деган нарсанинг ҳеч чеки-чегараси бўлмайди, ўғлим,— насиҳат қилди дадам.— Газлама, чой-пой билан савдо қилишга хушинг бўлмаса, бошқа нарсани танла. Таъбинг. Ўттиз йилдан бери шу савдо-сотиқнинг ичидаман. Ҳар ҳолда тажриба, ошна-оғайни деган нарсалар бор. Сен хўп десанг, мен ўшаларга икки энлик хат ёзиб юбораман, улар ҳар жойда сенга ваколатхоналар очиб беришади. Сен бу ёғидан чўчима.

— Ҳеч нарсадан чўчиётганим йўқ, дада. Савдога умуман тобим йўқ. Бу ишни бутунлай ташлайман. Вассалом.

— Бу ишнинг нимаси ёқмайди сенга? Хўш?— сўради дадам кулиб туриб.

Дадам дам ётиғи билан, дам дўқ қилиб — турли йўллар билан акамга гап уқтиряпти, лекин акам оёғини тираб олган.

— Мен, ёқади, ёқмайди деяётганим йўқ сизга! Савдо-сотиқ билан шуғулланмайман. Вассалом.

— Агар сенга бу ерда ишлаш ёқмаса, бемалол, идорангни бошқа шаҳарга кўчириб олиб кета қол.

Акам индамади. Лекин бошини сарак-сарак қилиб қўйди.

— Савдо-сотиқ шундоқ бир кенг майдонки, қанча қулоч ёзсанг, ёзаверасан. Савдо шунақа нарса... Бир замонлар мен битта ўзим эдим, аранг кун кўрардим. Менга ёрдам берадиган одам йўқ эди. Ўшандоқ шароитда иш бошлаган эдим. Лекин сенинг йўлинг бутунлай бошқа. Нима нарсадан кам жойинг бор? Қани?

Мен биламанки, буларнинг гапи ҳали-бери тамом бўлмайди. Ҳайронман, иккови нима қилиб битта нарсани қайта-қайта гапираверади.

— Ўзи шунақа экан: биров туққан онасини деркан, биров ўгай онасини деркан,— деди дадам. У киши шу гапни ўқтин-ўқтин қайтаради, лекин мен бу иборанинг маъносига унча тушунмайман.

— Одам деган ҳаётда ўйлаб қадам қўйиши керак. Мен сенинг фойдангни гапиряпман. Хўп, бошқа шаҳарга кетдинг ҳам дейлик. Хўш, нима бўлади? Овора-сарсон бўлиб, қоқилиб-суқилиб юрасан, холос. Мен умримда кўп қоқилганман. Бу гапларни сенга шунинг учун гапиряпман. Кимки бировнинг тажрибасидан сабоқ олса, ўша ақлли одам.

— Мен барибир савдо-сотиқ билан шуғулланмайман, дедим-ку. Кетаман бошқа ёққа, — деди акам зарда қилиб.

— Хўп, бошқа ёққа бориб нима иш қиласан? Қани бир эшитайлик-чи.

— Бориб нима иш қилишимни ўзим ҳам билмайман. Лекин бу ерда қолмайман.

— Намунча мени ҳам, ўзингни ҳам хуноб қиласан. Гапни сал ўйлаб гапириш керак. Билдингми?— ўдағайлади дадам.

Акам дадамнинг гапини эшитмагандай без бўлиб ўтирибди. Дадамнинг тоқати тоқ бўлиб кетди. Шартта бошидаги салласини олди-да, оппоқ оқариб кетган бошини акамга эгиб, деди:

— Ҳеч бўлмаса, сочимнинг оқини ҳурмат қил. Мен энди қариб қолдим. Токайгача ишлайман? Менга ҳам сал раҳминг келсин.

Мен жуда бир хил бўлиб кетдим. Акамнинг ўжарлигини кўриб, жуда жаҳлим чиқиб кетди. Намунча бағри тош бўлмаса. Акамга қарадим. У ҳали ҳам парвойи фалак.

— Ҳамма ҳам бир кун бориб қарийди-да, дада. Мен ҳам бир кунни қарийман,— деди у пинагини бузмай.— Уйдан бош олиб кетаётганим йўқ-ку. Фақат савдо-сотиқни ташляпман, холос. Энди бошқа бир ишнинг бошини тутаман. Ахир ўзингиз ҳам бир пайтлар идорадаги хизматни ташлаб, савдо-сотиқ ишига ўтган эдингиз-ку. Шундоқми?

— Мен билан ўзингни баравар қиляпсанми? Мен у ишни ташлаган бўлсам, бекордан-бекорга ташлаган

эмасман. Зарурликдан ташлаганман. Қўлимга бор-йўғи йнгирма беш рупия маош тегарди, ахир.

Дадам шундай деб экзема тошиб кетган иккала қўлини кўтариб акамга кўрсатди:

— Мана бунга қара. Кўряпсанми? Ё шуни ҳам кўраётганинг йўқми? Қанақа одамсан ўзи? Сенда ҳеч раҳм-шафқат деган нарса борми, йўқми?

Дадам йиғлаб юборай деяпти. Шу пайт ойим келиб қолди-да, гапга аралашди:

— Менга қаранг, дадаси. Боланинг пешонасида нима ёзилган бўлса, ўшани кўради. Бунинг йўлини тўсиб нима қиласиз? Қушнинг боласи ҳам қанот чиқариб, уясида ўтирадимми? Қанот чиқариши билан пир этадию учади-кетди.

— Сен нега гапга аралашасан? — койиб берди дадам.

— Дадаси, сиз менинг гапимга қулоқ солинг. Менку, хўп, бир ақлсиз, саводсиз, оқ-қорани танимайдиган хотинман. Сизлар ҳамманглар ақлли, ўқиган, доно одамсизлар. Лекин ҳайронман, арзимаган бир нарсага нега тушунмайсиз? Уғлингиз савдо-сотик билан шуғуллангим келмайди, деб турибди. Нима қиласиз буни зўрлаб? Сиз ўз бурчингизни адо этдингиз. Яхшилаб ўқитдингиз, оёққа турғиздингиз. Бўлди, шу билан сизнинг вазифангиз тугади. Энди булар нима бўлса, пешонасидан кўради.

Дадам бир нарсаларни гўлдираб, ерга қараб олди. Ойим эса гапириб ётибди:

— Энди нима қилса, ўзи билади. Бузадими, ёрдими ўзининг иши. Биз унга аралашиб нима қиламиз? Бекордан-бекорга ўзингизни хуноб қилганингиз қолади. Барибир фойдаси йўқ.

— Ҳа мен энди қачонгача меҳнатда эзилиб ётаман?— деб бирдан бақириб берди дадам.— Мен энди чарчадим. Кел, қилмаса, қилмай қўя қолсин. Шунча куч сарф қилиб, тайёр қилиб қўйилган нарсани сув олиб кетса, олиб кета қолсин. Менга нима.

— Жиғибийрон бўлиб нима қиласиз? Фойдаси борми? Бунинг минг йўлини тўсинг, барибир кетмай қўймайди. Шундоқ бўлганидан кейин уйнаб-кулиб жўнатинг. Мен, уйда ҳамма иш хурсандчилик билан бўлса, дейман. Ўзи олдимизда бор-йўғи иккитагина боламиз қолган бўлса...— Ойимнинг ўпкаси тўлиб кетди. У этаги билан кўз ёшини арта бошлади. Илга-

рилари ойим ҳеч ҳам йиғламасди, аммо энди салга кўз ёши қиладиган бўлиб қолган. Шунақа пайтларда ойимнинг эсига ўлиб кетган қизлари тушади. Аммо уларнинг номини ҳеч тилга олмайди.

\* \* \*

Акам иккаламиз пастдаги китобли уйда гиламда ёнбошлаб ётибмиз. У менга савдо-сотиқ қондаларини қунт билан ёзиб тушунтиряпти:

— Чет элдан олиб келинган молга нарх қўйишда унга кетган йўл ҳаражатлари, страхование ҳақи, бошқа ҳамма сарфлар ҳисобга олинади. Шу нарсани қисқартириб СИФ дейилади. Энди, айтайлик, молни Бомбайдан олгансан. Унда сотган одам молни темир йўл станциясига олиб келиб, вагонга ортиб беради. Ундан у ёғига бўладиган сарф-ҳаражатлар сенинг устингга.

Акам менга жуда сабр-чидам билан савдонинг қонун-қондаларини ўргатяпти. У бугун кечқурун Лаҳўрга жўнаб кетиши керак. Дадам мени неча марта бир чеккага чақириб, «Акангдан сўраб билиб бер, Лаҳўрга бориб нима иш қиларкин» деди. Лекин мен дадамга аниқ бир гап айтолмадим. Чунки у ёққа бориб нима иш қилишини ҳали акамнинг ўзи ҳам яхши билмасди. Бир қарасанг, бориб, газета чиқараман, дейди, бир қарасанг, театр ташкил қиламан, дейди, яна бир қарасанг, ёзувчи бўламан, ҳикоя ёзаман, дейди. Хуллас, ҳамма нарса ноаниқ.

— Ҳей онаси!— деди дадам ҳовлидан туриб.— Балдевга йўлга озгина сомса-помса қилиб бергин.


Бу гапни дадам ойимга шу бугуннинг ўзида бешолти марта айтди.

— Ҳой дадаси! Қаёқдаги гапларни гапирасиз-а! Поезд соат еттида кетадиган бўлса, энди шу вақтда сомсага унайми? Ҳамма нарсанинг вақти-соати бор-да.

— Гапирган бўлсам, ёмон нарсани гапирдимми? Тоза ёққа бўлган сомса йўлга яхши бўлади. Маза қилиб еб кетади.

— Ҳой дадаси...— деб ойим яна оғиз очган эди, худди неча йил илгари бўлгани каби, Видя опам унинг этагидан тортиб, шивирлаб қолди:

— Хўп, қилиб бераман, деяверсангиз-чи, ойи.



Қутиласиз-қўясиз. Гап талашиб нима қиласиз? Дадам Балдевнинг чамадонини очиб кўрармиди, сомса борми, йўқми, деб?

— Хўп, дадаси, иложини топсам, албатта қилиб бераман,— деди ойим.

Дадам бир қўлида чек ушлаб, остонадан туриб акамга деди:

— Ма, Балдев, манавини ушла. Боргину банкка ўтказиб қўйгин. Мен банкнинг бошлиғига хат ёзиб бераман. Жуда унақа ўзингни пулдан сиқиб юрма. Уйдан узоқда бўлгандан кейин пул кетади. Унақа пулни тежаб-тергайверма, бемалол ишлатавер.

Акам чекни дадамнинг қўлидан олди.

Дадам ичкарига кириб кетди-ю бир зумдан кейин қўлида бир даста откритка олиб қайтиб чиқди.

— Манави ўн бешта откриткани олиб қўй,— деди у акамга.— Уч-тўрт кунда биттадан юбориб тур. Мен ҳаммасига ёзиб, таппа-тахт қилиб қўйдим. Шундоқ ташлаб юборсанг бўлди. Агар бирон нарса ёзмоқчи бўлсанг, тагида жой қолдирдим.

Откриткани кўриб, ҳанг-манг бўлиб қолдим: дадам ҳар бир откриткага битта гапни бир хилда қилиб эринмай ёзиб чиқибди: «Дада, мен ўйнаб-кулиб юрибман, хавотир олманг». Тагин тагига «Балдев» деб ёзиб қўйибди. Ўзининг адресини ёзишни ҳам унутмабди.

— Мен сен икковингни яхши биламан,— деди дадам кулиб.— Икковингнинг ҳам хат ёзишга ҳеч хушинг йўқ. Энди тайёр хатни шундоқ почтага ташлаб юбориш оғирлик қилмас, а? Ё шу ҳам малол келадими?

Акам индамай откриткаларни олиб, чўнтагига солиб қўйди.

— Бу ёққа эмас, ички чўнтагингга сол,— деди дадам.

— Шу ер яхши-ку, дада,— эътироз билдирди акам.

— Йўқ, йўқ, бу чўнтагинг бўлмайди. Ички чўнтакка солиб қўй.

— Хўп, ҳали солиб қўяман.

— Унақаси кетмайди. Шу ерда, менинг олдимда солиб қўй... Ҳа, ана бу бошқа гап,— ниҳоят дадамнинг кўнгли ўрнига тушди.

Шу пайт бирдан остонада турган Тулсийга кўзим тушиб қолди. Қўлида таёғи билан бўғчаси, ёнида етти-саккиз ёшлардаги бир бола.



— Э-э, Тулсий, сенмисан?— деб у томонга илдам юрдим.

Тулсий бир қадам олдинга ташлаб, таёғи билан тугунчасини ерга қўйди-да, дадамнинг ҳурмати учун энгашиб иккала қўлини баравар унинг оёғига тегизди.

— Қишлоқдан қачон келдинг?— сўради дадам таъна қилгандек. Лекин жавобини ҳам кутиб ўтирмай, хонасига йўл олди.

Билсак, банкдан ҳайдалгандан кейин Тулсий яна қишлоғига қайтиб кетган экан. Лекин афтидан у ердан кўнгли совиб қайтибди. Ёнидаги етти-саккиз ёшлардаги бола ҳаммага ҳайрон бўлиб қарайди. Тулсийнинг ўзи эса ҳали ҳам остонада қўл қовуштирганича турибди. У унар-унмасга қўл қовуштирадиган бўлиб қолибди.

— Ойим яхши юрибдиларми?— сўради Тулсий кўрқа-писа.

— Ҳа, яхши юрибди, яхши юрибди,— деди энсаси қотиб дадам стулда ўтирганича ўнг оёғини ликилла-тиб. Дадам стулда ўтириб оёғини ликиллатдими бўлди, унга бир нарса ёқмабди, деяверинг. Ҳозир ҳам Тулсийнинг кириб келиши унга ҳеч ёқмади.

— Видя опамдан хат келиб турибдими? Яхшимилар?— сўради Тулсий.

— Ана ўзи юқорида ўтирибди. Чиқиб кўриша қол,— деб жавоб берди дадам.

Тулсий ниҳоятда ҳорғин, шахди паст кўринади. Неча йиллар бўлди, ҳаёти барбод бўлган. Шунинг учун мен унга, акам ҳаётда ўзига йўл очиш учун бошқа шаҳарга кетяпти, дейишга андиша қилдим.

Тулсий зинадан юқорига чиқмоқчи бўлувди, зинада ойим кўриниб қолди.

— Ие, кел Тулсий! Бормисан? Жуда йўқ бўлиб кетдинг!— деди ойим зинанинг ўртасида тўхтаб.

Тулсий ойимнинг олдига чиқди-да, иккала қўлини унинг оёғига тегизди.

— Шуми ўғлинг?— сўради ойим.

— Дарров ойингга таъзим қил,— деди Тулсий ўғлига.

Вед жуда эпчиллик билан отасининг ҳукмини бажо келтириб, иккала қўлини ойимнинг оёғига тегизди.

— Отасига қараганда анча чаққон экан. Омон бўлсин,— деди ойим кулиб.

. Шу пайт дадам яна битта хат кўтариб, хонасидан чиқди-да, акамга мурожаат қилди:

— Ҳамма нарсанг тайёрми, Балдев? Манави хатни ҳам олиб қўй. Лаҳўрдаги «Арья-самааж» ташкилотининг раисига ёздим. Албатта у одамнинг олдига бориб учрашгин. Сенга ҳар қандай ёрдам керак бўлса, аямайди.

Шундай деб дадам яна ичкарига кириб кетди.

— Балдевжий бир ёққа кетяптиларми?— Тулсий шивирлаб сўради мендан.

— Ҳа, Лаҳўрга кетяптилар.

Бу гапдан Тулсийнинг афти ҳеч ҳам ўзгармади. У бошини қимирлатиб, костюмининг тугмасини ўйнаб туриб деди:

— Уғлим Ведни ола келувдим. Шуни хизматкор қилиб олсанглар. Тақсир, шу гапни дадангизга ўзингиз айтсангиз. Мен айтсам, уришиб берадилар.

— Ўзинг нима иш қиляпсан?

— Ҳозир ҳеч қанақа иш қилаётганим йўқ. Дадам марҳаматларини аямасалар, менга лойиқ кичикроқ бир иш топилиб қолар.

— Уғлинг ўзинг билан тураверса бўлмайдими?

— Тақсир, сизларникида турса, унча-мунча хат-саводи чиқадими, оқ-қорани танийдими, дейман-да.

Тулсийнинг бу гапи менга худди кесатгандай туюлди.

— Вой, Тулсий кепти-ку!— деди опам шодон қий-қириб. У тепадан югуриб тушди-да, Тулсийга қараб гапириб кетди:— Қачон келдинг? Сени кўрмаганимга ҳам ўзи ўн йилдан ошиб кетди, шекилли, а? Бу ўғлингми?.. Бу ҳам сенга ўхшаб нўхатнинг сувига бош ювадими?— деб Видя опам қотиб-қотиб кула бошлади.

Дадам бу кулгини эшитиб, хонасидан чиқди-да, зарда қилди:

— Сенларнинг дастингдан ҳеч иш қилиб бўладими, йўқми ўзи? Қани, тур ўрнингдан, Тулсий! Бор, бир чеккага бориб ўтир.

Тулсий индамай ўрnidан турди-да, ўғлини қўлидан етаклаб останага бориб ўтирди. Шу ўтиришда у биринчи мартаба менга етти ёт бегонага ўхшаб туюлди. Дадам қайтиб хонасига кириб кетди. Видя опам келиб, ойимнинг ёнига диванга ўтирди.

— Ойи, Тулсий ўғлини, хизматкорликка олиглар, деб олиб келибди,— дедим мен секингина.

Бу гапни эшитиб ойим кулди:

— Бу шўрликка ҳам бир бошпана топила қолма-япти. Айланади-ўргилади, яна шу ерга қайтиб келади.

Секин гапирсам ҳам дадам гапимни эшитиб қолибди. Ўтирган жойида бошини кўтариб деди:

— Бу гапни иккинчи оғзингга ола кўрма. Ўзича ҳеч уйдан кетай демайди. Қачон қарасанг, шу ерда. Боласини олсанг, яна канага ўхшаб ёпишиб олади. Ҳеч кераги йўқ, думини тугиб юбор. Сенлар айтмасанг, мен ўзим айтаман. \

Шундай деб, дадам ҳозир бориб Тулсийга гапирадиган важоҳатда ўрнидан турди.

— Ҳой, дадаси, шундоқ кунда бировга ёмон гапириб бўлмайди. Сал у ёқ-бу ёғини ўйлаб гапиринг. Ўғлингиз сафарга кетаётган бўлса,— деб ойим насиҳат қилар экан, янги чиқарган одатига кўра лабини буриб, қўлини силтаб, опамга қараб олди.

— Мен нима ёмон гап гапирибман? Ҳе, бўлди, бирпас жим турларинг. Мен хатимни тамом қилиб олай,— деб дадам яна хат ёзишга уннаб кетди. Балдев акам ичкарига кириб кетди. Ойим билан опам яна шивир-шивир гаплашишга тушди.

— Тулсийнинг ўғлини мен ола қолай,— деди Видя опам.— Раживни ўйнатиб юрар.

— Олсанг ола қол. Ёмон бўлмайди. Ҳар ҳолда таниш одамнинг боласи-ку,— деди ойим.

Бирдан Тулсийнинг бир пайтдаги қилиқлари эсига тушиб, Видя опамнинг кулгиси қистаб кетди.

Мен декабрь ойида Лаҳўрга акамнинг олдига бо-радиган бўлдим. Икковимиз бир ой бирга туриб, роса ўйнаб-кулиб, ҳамма ёқни айланадиган бўлдик. Икковимиз шунга келишиб олдик. Аммо акамнинг кетишини ўйлаб кўнглим вайрон бўлиб кетди, ичимда бир нарса чирт этиб узилиб кетгандай бўлди.

Дадам хатни конвертга солиб ёпиштирди-да, ўгирилиб девордаги соатга қаради. Ойим ҳам, опам ҳам чурқ этмай ўтирибди.

— Сенларнинг гапинг деб мана хат ҳам кечикиб қолди,— деди у зарда билан бошини қимирлатиб.— Хат шу бугундан қолмай жўнатилиши керак.

Дадам шундай деб, шартта ўрнидан турди-да, Тулсийни чақирди. У бир зумда етиб келди.

— Югуриб боргин-да, манави иккита хатни шаҳар почтахонасига ташлаб келгин. Нима қилиб менга қараб турибсан? Қани, бўла қол.

Ичкарида диванда ўтирган ойим буни кўриб кулди-да, лабини буриб, қўлини силкитиб қўйди.

\* \* \*

Худди кўп йиллар илгари бўлгани каби, ой ёғду сочиб турибди. Томда ётган жойимда осмонга тикиламан. Юлдузлар шундай ғуж-ғужки, худди чексиз осмонни чанг қоплаб олганга ўхшайди. Совуқдан кўрпага ўралиб ётибману, қарамай десам ҳам беихтиёр кўзларим ўша юлдузларга қарайди. Биронта юлдузга тикилиб қараб турсангиз, у сизга қараб кўз қисаётгандай туюлади. Юлдуз дам қизғиш, дам яшил бўлиб кўринади.

Маҳалладагилар овқатини еб бўлиб, идиш-товоғини йиғиштиришга тушди. Идишларнинг тақир-туқирни қулоғимга чалиняпти. Орқадаги қўшнимизникида бирор чанқабди. Қўзадан қулдиради сув қўйди-да, ютоқиб ича бошлади. Қўшнилари ҳам ётишга тайёргарлик кўряпти. Томга чорпоялар қўйиляпти, бошқа нарсалар олиб чиқиляпти. Ҳаммасини эшитиб ётибман.

Таниш бир қўшиқ эшитиляпти. Болалар айтяпти:

Гуллар билан келганмиз,  
келганмиз,

Қиш-қировли кунларда,  
кунларда.

Биздан сизга ким керак?  
Ким керак?

Қиш-қировли кунларда,  
кунларда.

Бу овозлар Бабу Ишвардаснинг томидан келяпти. Видя опамнинг ўғли Ражив ҳам ўша ёққа ўйнагани кетган. Унга қараб тургани Тулсийнинг ўғли ҳам бирга кетган. Қулоғимга чалинаётган овозлар ичидан жияним Раживнинг овозини танишга ҳаракат қилияман...

---

## ТАВСИЯНОМА

### ҲИКОЯ

Қочоқлар иши министрлигида тушки овқат пайти. Шу министрликнинг хизматчиси Трилўкий Натҳ беш-олтита ҳамкасабалари билан эшик олдида ҳангомалашиб турарди. Шу маҳал ҳеч кутилмаган воқеа содир бўлди. Юзаки қараганда унча аҳамияти йўқ бир воқеа. Лекин аслида бундай воқеа оддий хизматчининг ҳаётида бўлса бир марта бўлади, бўлмаса йўқ. Хуллас, бир катта одам Трилўкий Натҳ билан қўл бериб кўришди. Шунчаки қўл учида эмас, жуда яқин бир одами билан кўришгандек қучоқлашиб кўришди. Ҳатто елкасига қўлини қўйиб, беш минутча гаплашиб-кулишиб ҳам турди. Унинг исми шарифи, уй адресини ён дафтарчасига ёзиб олди-да, машинага ўтириб жўнаб кетди.

Баъзилар, дунё ҳеч қачон ўзгармайди, қандай бўлса, шундай тураверади, фақатгина одамлар ўзгаради, дейди. Бу ғирт бўлмаган гап экан. Чунки дунёнинг ўзгаришини Трилўкий Натҳ ўз кўзи билан кўриб, ишонч ҳосил қилди. Ўша куни қуёш нурларини яна ҳам ёрқинроқ сочди, осмон янада ёришиб кетди, теварак-атрофдаги одамлар эса худди байрамда юргандек шод-хуррам кўриниб кетди. Шу эмасми ахир дунёнинг ўзгариши?

Одам учолмайди, деб даъво қилади баъзилар. Аммо бу ҳам бўлмаган гап экан. Чунки ўша воқеадан кейин Трилўкий Натҳда қанот пайдо бўлди. У ишхонасига кираётганида оёқлари ерга тегмади. Бамисоли учиб кирди. Ахир ҳазил гапми? Унинг катта одам билан бирга турганини ахир қанчадан-қанча киши кўрди. Ҳатто катта инспектор ҳам кўрди. Жаноб Трилўкийнинг оддий хизматчи эмаслигига у ҳам ишонч ҳосил қилди.

Уша куни душанба эди. Куннинг иккинчи ярмида жаноб Трилўкий бамайлихотир хонага кириб келди. Кириб, аввал столи устида қалашиб ётган папкаларга бепарвогина қаради, кейин мукка тушиб ишлаб ўтирган ҳамкасбларига кўз қирини ташлади. Ҳасад билан Трилўкийга қараб-қараб қўяётган бу хизматчилар назарида қурт-қумурсқага ўхшаб кетди. У ўрнига ўтирди-да, битта папкани олиб, очди. Лекин папканинг ичига қарагиси келмай хонадаги нарсаларни кўздан кечира бошлади. Ҳеч нарса дидига ёқмади. Шу пайтда бир ерда қамалиб ўтиришга ҳеч хуши йўқ эди. Шартга кўчага чиқса-ю, боши оққан томонга қараб кетса, роса қўшиқ айтиб, ўйнаб-кулса.

\* \* \*

Кечга томон осмонда юрган Трилўкий Натҳ яна ерга қайтиб тушди, аммо барибир ҳали ҳам руҳи жуда кўтаринки. Ишдан келганида эшик олдида, одатдагидай, хотини Кунтў кутиб олди. У уч боланинг онаси бўлишига қарамай, ҳали ҳам илгаригидек: кўзлари шўх, ўйноқи, чеккасидаги гажаклари ўзига жуда ярашган.

— Эрталаб банкани олиб кетмабсиз-да, келишда ёғ ола келардингиз,— деди у эрига қараб.

Трилўкий индамай келиб, хотинини астагина қучоқлади. Хотини ҳайрон бўлди. Одатда эри ишдан келганида хотини ундан бир оғиз сўз эшитишга зор бўларди. Неча замондан бери эрининг лабида кулги деган нарсани кўрмаган эди.

Жаноб Трилўкий чорпояга ўтириб, оёқ кийимини ечди. Кейин кир пайпоғини ечиб, палоснинг тагига тикди-да, бамайлихотир деди:

— Бугун жаноб Қҳанна билан кўришиб қолдим. Жуда кутилмаган учрашув бўлди-да.

— Ким экан у?

— У киши бир пайтлар маориф министрлигида жуда катта лавозимда ишлаганлар. Ҳозир пенсияда. У кишини илгаридан танийман, бизга коллежда лекция ўқиганлар.

Кунтў эрига тикилиб қаради.

— Эрталаб идишни олиб кетганингизда ҳозир ёғсиз ўтирмасдик. Мана энди овқат қилай десам, ёғ йўқ,— секингина эрига шундай деб, ошхонага қараб кетди.

— Ҳой, қаёққа кетяпсан? Бирпас гапимга қулоқ солсанг-чи. Жаноб Қҳанна ваъда қилди: сен тўғрингда бошлиғингга кириб айтаман, деди. У киши бугун ишхонамизга келувди. Менинг отимни, адресимни ёзиб олди. Менга қараб, сен аллақачон юқорироқ лавозимда бўлишинг керак эди, деб айтди.

— Аввал бўлинг-чи, ундан кейин гапиринг. Элбуртдан ногора чалишнинг нима ҳожати бор?— деди Кунтў эрига қараб.

Трилўкийнинг севинчи ичига сиғмасди.

— Оҳ! Қандай кўришганимизни кўрсанг эди! Қадрдонлардай кўришдик. У киши мени кўрдию, азбаройи хурсанд бўлиб кетганидан ўзини менга ташлаб, қучоқлаб олди. Ҳол-аҳвол сўради. Ун тўрт йилдан бери оддий хизматчи бўлиб ишлашимни айтганимда кўзларига ёш келиб кетди.

Кунтў пиқ этиб кулиб юборди. Кейин ошхонадан чиқиб, мазах қилиб сўради:

— Ростданми? Ростдан ҳам кўзига ёш келиб кетдими?

— Ҳа, ростдан. Жуда ҳафа бўлиб кетди. Жаноб Қҳанна бизни ўқитган, ким қанақалигини яхши билади. Чунончи мендек бир қобилиятли шогирдининг шунча йилдан бери оддий бир хизматчи бўлиб юрганини кўриб, у киши ҳанг-манг бўлиб қолди. Ахир мен коллежда энг олдинги студентлардан эдим...

— Биладан, биладан,— деб эрининг гапини чўрт кесди Кунтў.— Яхши ўқиганингиз учун медаль ҳам олгансиз. Хоккей командасининг капитани ҳам бўлгансан. Лакновга мусобақага бориб, кубокни ололмай қайтиб келганингизни ҳам биладан. Кубокни ололмай қолганингизга бир нобоп судья сабаб бўлганини ҳам айтгансиз. Булар ҳаммаси сийқаси чиқиб кетган гаплар.

У яна ошхонага кириб кетди. Бугун ёғсиз овқат қилишга мажбур бўлди. Болаларга гуруч билан нўхатни сувда пишириб берди.

Кунтў кечаси анчагача ухлолмай ётди. Юраги туриб-туриб орзиқиб кетарди. Аввалига қўлини боши тагига қўйиб, шифтга қараб ётди. Кейин кўзи уйқуга кетиб қолди. Кунтў туш кўрди. Тушида ошхонада эмиш. Қўлинг ўргилсин ёғни катта идишдан товага қуяётган эмиш. Ёғнинг хушбўй ҳиди бутун уйни титиб кетган эмиш.

Кунтў у ёнбошига ўгирилиб ётди-да, бошқа бир туш кўрди. Катта қизи аргимчоқ учаётганмиш. Қизининг эғнида сутдек оппоқ кўйлак эмиш-да, сочларига чиройли гуллар қадалган эмиш.

Бироқ уйғониб кетиб, туши бўлиниб қолди.

— Ҳали ҳам ухламадингизми?— сўради у эридан.

Трилўкий ҳам хотини каби ухлолмай ётганди. У ҳам шифтга тикилиб олган, мияси ҳар хил ўй-хаёллар билан банд. Шунинг учун Кунтўнинг гапига дарров жавоб бера қолмади.

— Ухлаб қолдингизми, нима бало?— яна сўради Кунтў.

— Ухлаб қолувдим, уйғониб кетдим.

— Менга қаранг, ростдан ҳам кўтариласизми?

— Қим билади дейсан? Бу унчалик осон иш эмас. Ҳозир биров тавсия қилмаса, ўтирган ўрнингдан бир энлик ҳам силжий олмайсан.

Эр-хотин бирпас жим ётишди. Кейин жимликни Кунтў бузди:

— Каттакон бўлсангиз, бўлгудайсиз. Кўринишингиз салобатли, худди бошлиққа ўхшайсиз. Ана, Ражнийнинг эри. У ҳам олдин оддий хизматчи эди. Мана ҳозир катта бошлиқ бўлиб ўтирибди.

Трилўкий индамади.

Кунтў шартта ўрнидан турди-да, эрининг олдига келди.

— Бошлиқ бўлсангиз, менга нима олиб берасиз?— У шундай деб сўради-ю, хахолаб кулиб юборди.

— Олдин бўлай, ўшанда кўрамиз. Ҳали қачон бўлиб-қачон кўяди?— деб жавоб берди Трилўкий хаёл суриб.

— Кечқурун ишдан келганингизда оббо деб гапирётувдингиз. Энди бўлса ҳар битта сўз оғзингиздан аранг чиқяпти. Намунча? Сизга ҳазил қилувдим. Менга ҳеч нарсангиз керакмас.

Трилўкий яна индамади. Шу топда Кунтўнинг кўз олдидан бир-биридан жозибали манзаралар ўтмоқда эди.

— Катта бўлсангиз, сиз ҳам пора оласизми?— сўради Кунтў.

— Шу порани ўйлаганинг учуноқ мен ҳеч оддий хизматчидан нарига ўтолмайман,— деди хафа бўлиб Трилўкий.

— Бунинг нимаси ёмон экан? Ҳозир ҳамма пора



олади. Пулингиз кўп бўлса, ёмонми? Ўзингиз-ку тамаъгирлик қилманг, лекин битта-яримта тутқазса, йўқ деб ўтирманг. Бемалол олаверинг. Хўпми?

Трилўкий индамай девор томонга ўгирилиб олди. Ҳамон хотинининг жағи тинмасди:

— Мен ҳам эрта-индиндан бошлаб қизимизга сеп йиғишга тушаман. Бир хилларга ўхшаб ҳовлиқмайман. Шошиб қилинган ишнинг охири вой бўлади. Керакли нарсаларни шошмай, битта-битта олиб, ташлаб қўявераман. Шу бойвучча хотинларни ўлгудек ёмон кўраман-да. Ҳаммаси нега коптокка ўхшаб юмюмалоқ бўларкин. Эртаю кеч ғийбат қилишдан бошқа ишни билмайди. Лекин сиз каттакон бўлсангиз, мен уларга ўхшаб семириб кетмайман. Уйдаги ҳамма ишни ўзим қилавераман. Сизнинг ўринингизга ҳам ўзим ишлайман. Ахир шундоқ катта одам бўлганингиздан кейин майда-чуйда ишларга сизнинг вақтингиз бўлармиди...

Унақасига ҳам, бунақасига ҳам эрининг кўнглини кўтаролмагач, Кунтў энди ноз-карашма қилишга ўтди:

— Вой-бў-ў, хўжайин! Тинчликми ўзи? Бугун менга жуда совуқ қараяпсиз. Ўзим келиб ёнингизга ётсам ҳам, қиё боққингиз келмайди-я!— Шундай деб у яна хахолаб кулиб юборди.— Э бўлди, бўлди. Энди тушундим! Сиз ҳалитдан ўзингизни катта бошлиқ деб хаёл қиляпсиз. Энди билдим.

Бирдан у сапчиб ўриндан туриб, гапириб кетди:

— Вой, мен ўлай! Гуноҳга ботдим. Намунча валдирайман! Бошлиқ бўлган кунингиз гадоёларга садақа улашиб чиқаман, маъбуда Дургага қурбонлик атаб юбораман. Албатта, шундай қиламан.

Кунтў маъбуданинг қаршисида тиз чўкиб, илтижо қила бошлади:

— Э Дурга она! Эрим бошлиқ бўлса, даставвал сенга таъзим бажо келтираман. Оғзимга келганини валдираганим билан кўнглимда ҳеч кирим йўқ. Бировга ёмонликни раво кўрмайман. Онажон, гуноҳимдан ўт. Ҳаммамиз сенинг болаларингиз. Ўзинг пуштипаноҳимизсан. Мен бир содда, саводсиз хотинман. Дилимда бор нарса тилимга чиқади.

Кунтў кафтларини қовуштириб, кўзини юмди-да, маъбудага яна бир бор таъзим қилди. Кейин ўрнига бориб ётиб, шифтга тикилди.

Бу ёқда Трилўкий хаёл суриб ётиб, охири ухлаб

қолди. Туш кўрса, ишхонаси эмиш. Бир хизматкор, қўлида папка-да коридорда югуриб келаётганмиш. Трилўкий қараса, папка уники эмиш. «Ҳой, тўхта!» дебди ҳалиги хизматкорга. У бўлса бир эшикка кирибди-ю, кўздан ғойиб бўлибди. Коридор эса аллақандай бир айқаш-уйқаш йўлга айланиб қолибди. Трилўкий, чиқиб кетаман, деб шунча уринармиш, лекин ҳеч йўлни тополмасмиш...

Шу ерга келганда у уйғониб кетди. Трилўкий чуқур бир хўрсиниб кўзини очди-да, яна шифтга тикилганча ётаверди. Шу алпозда бирпас ётгач, хотинидан сўради:

— Ухлаяпсанми ё уйғоқмисан?

Эрининг, «Менинг бошлиқ бўлишимни эшитиб, суюнганидан хотинимнинг уйқуси ўчиб кетибди» деган ўйга боришини истамаган Кунтў ўзини ухлаганга солиб, ғиқ этмай ётаверди.

— Ҳозиргина жағи-жағига тегмай вайсаб ётувди, дарров ухлаб қолибди-да.

— Бўлди уйғондим. Ухлаб ётган одамни ҳам уйғотиб юбордингиз. Хўш?

— Шу... эртага ишга бормасаммикин, деб турибман.

— Ҳа, нега энди?

— Сал мазам бўлмапти.

— Вой бў-ў! Бошлиқ бўлмасдан туриб, ҳалитдан ишга боргингиз келмай қолибди-да?

Трилўкий индамади. Бир оздан кейин сўради:

— Менга қара, сенингча, жаноб Қҳанна тавсияномани ёзиб қўйганмикин ё ҳали ёзмаганмикин? Нима дейсан, а?

— Ваъда қилган бўлса ёзиб қўйган бўлса керак.

Хотинининг бу гапидан Трилўкий баттар эзилиб кетди.

— Шу лаънати тавсияномани деб бутун ишим чипакка чиқиб кетадими, дейман-да. Юрагим шуни сезиб турибди.

— Оббо! Қимсан жаноби Қҳанна бу кишига тавсия ёзиб бераман, деса-ю, бу киши қаёқдаги ваҳма гапларни гапириб ўтирсалар.

— Э-э! Сен билмайсан-да ишхонадаги вазиятни. Шунинг учун гапираверасан. Қўтарилиш ҳақиқатан ҳам шу тавсияномага қараб қолган бўлганда ҳамма оддий хизматчилар аллақачон бошлиқ бўлиб кетарди...

Кунтў индамади. У, эрим нега бунақа ташвиш қилиб қолди, деб ҳайрон эди.

— Бу тавсиянинг менга зарари тегса тегадик, фойдаси тегмайди,— деди у худди ўзига ўзи гапиргандай.

— Нега унақа дейсиз?

— Нега бўларди? Мен кўтарилсам, ҳамма ёқда гап-сўз бўлиб кетади. Ишхонадагилар кечанинг ўзидаёқ шивир-шивир қилишга тушган эди. Мен хонага киришим билан ҳаммаси жим бўлиб қолди.

Кунтў индамади.

— Гапимни эшитяпсанми, йўқми?

— Ҳа, эшитяпман.

— Жаноб Қҳанна айтдики, у киши энг катта бошлиғимиз билан гаплашармиш. Лекин у энг катта бошлиқ. Мен боғланган ипнинг учи бош инспекторимизда. Жаноб Қҳаннанинг энг катта бошлиқ билан мен тўғримда гаплашганини эшитиб қолса борми, нақ тепа сочи тикка бўлиб кетади, менга «хап сеними» деб қўяди. Ана ундан кейин менга кун бермайди, ҳар қандамда чалади. Қарабсанки, йилнинг охирида бир баало қилиб, ҳисоботимни расво қилади. Ана унда татмом деявер. Э-э, сен ҳали уларни билмайсан.

— Бе-е, бўлмаган нарсага бошингизни оғритмасангиз-чи. Сизда нима айб? Кўтарилиш ўзингизга боғлиқмиди жуда?

Трилўкий бирпас туриб яна гапида давом этди:

— Бу жаноб Қҳанна оғриманган бошни жуда оғритди-ку. Амалим ошадими, йўқми, бундан қатъи назар, шу бугундан бошлаб ишхонадаги барча хизматчилар менга рақиб бўлиб қолди. Шу нарса келиб-келиб меда бўладими? Хўш, у одам менга ким ўзи? Ҳеч ким эмас. Фақат катталигини кўрсатмоқчи бўлди. Шунинг учун елкамга қўлини қўйиб, бир соат мен билан пичир-пичир қилиб турди. Буни ҳамма кўрди. Кўрмаганлар кўрганлардан эшитди. У ҳаммас, бу ҳаммас, энг катта хато ўзимдан ўтди. Ўзим унга қарамаслигим керак эди. Кўрган заҳотим шартта ўгирилиб олишим зарур эди. Ушанда шунча ғавғо ҳам йўқ эди.

Кунтў яна бир бор эрини юпатмоқчи бўлди:

— Э-э, қўйсангизчи! Нима қиласиз ҳадеб жиғибийрон бўлавериб! Амалингиз ошса, бекордан-бекорга ошармиди? Зеҳнингиз ўткир, бошқаларга қараган-

да яхши ишлайсиз. Ҳаммаси яхши-ку, фақат қўрқоқ-лигингиз ёмон-да. Агар шу қўрқоқликни ташласангиз, дунёда сизга етар одам бўлмасди.

— Нимадан қўрқибман? Шунчаки ўзимча гапир-япман-да.

— Мендан бошқа ҳаммадан, ҳар нарсадан қўрқасиз. Аслини олганда мендан ҳам қўрқасиз.

— Бўпти, бўпти! Жим бўл! Утириб эрининг дардини эшитадиган дунёда не-не хотинлар бор. Эр ичидаги дардни айтади, хотини билан маслаҳатлашади. Сен-чи? Сенга ҳеч нарсани гапириб бўлмайди. Дарров насихат қилишга тушасан.

— Шунга ҳам хафа бўлдингизми? Сизга сал нарса ҳам тегиб кетади-я... Вой-бў, қўлингизни қаранг! Музлаб қопти-ку! Пешонангизни ҳам тер босиб кетибди. Нима бўлди сизга ўзи?

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ. Ухлайвер.

— Мен сизга жуда ҳайронман: намуноча ич-этингизни емасангиз? Жаноб Қҳаннанинг тавсия беришидан намуноча қўрқмасангиз? Бунинг нима ёмон жойи бор? У ахир сизга яхшилик қилмоқчи-ку. Биров қўллаб юбормаса, бир энлик ҳам силжиб бўлмайди, дейдиган ким эди? Сиз эмасмидингиз? Энди мана бундоқ деб ўтирибсиз. Жаноб Қҳанна елкангизга қўлини қўйса қўйипти, шунга шунча гапми? Икковингизни бош инспектор кўрган бўлса, нима қипти? Унинг сизлар билан неча пуллик иши бор? Хизматчилар шивирлашса, сизга нима? Ҳаммаси алаmidан куйиб кул бўлиб кетмайдими? Бизнинг ҳеч кимдан қарз жойимиз йўқ.

— Гапинг тўғри. Мен бекордан-бекорга бошимни қотиряпман. Шундоқликка шундоқку-я, лекин барибир бош инспекторни билиб бўлмайди. Ҳисоботимни ишқал қилиши ҳеч гап эмас. Ана унда ҳаммаси тамом.

— Нега энди унақа бўларкан? Ишхона холасининг уйими? Сизга душманлик қилиши у ёқда турсин, хушомад қилишга тушади. Шундоқ катта таниши бор экан, деб ўйлайди.

Хотинининг овозидаги ишонч Трилўкийни бир оз хотиржам қилди. Менинг ўрнимда хотиним бўлса, бош инспекторни бопларди, деб қўйди ичида.

— Бўпти, ухлайвер. Бу тўғрида энди ўйламайман.

— Одам деган бунақа ҳар нарсадан шубҳа қила-

вермайди. Энди ётиб ухланг. Эрталаб ишга боришингиз керак.

Эр-хотин яна алламаҳалгача ухлолмай ётишди. Биринчи бўлиб Кунтўнинг кўзи илинди.

\* \* \*

Кунтў узоқ ухлолмади. Бирдан чўчиб уйғониб кетди. Қараса, эрининг чорпоясин бўм-бўш. Апил-тапил ўрнидан туриб, ташқарига кўз ташлади. Қараса, эри айвонда устунга суяниб турибди. Бир оздан кейин у қаддини ростлади-да, қўлини орқасига қилиб олиб, чала кал бошини қуйи солганича у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Эрталабки гира-ширада у худди ажинанага ўхшаб кўринарди.

Кунтў уйдан чиқиб, унинг олдида борди.

— Ҳай! Худо ҳаққи, менинг гапимга киринг-да, ичкарига юринг. Сизга нима бало бўлди ўзи? Одам деган ҳам ўзини ўзи шунча қийнайдимиз?

Трилўкий тўхтади-да, хотинига қараб деди:

— Э-э, Кунтў! Иш расво бўлганга ўхшайди. Назаримда жаноб Қҳанна тавсияни ёзиб қўйганга ўхшайди... Ишнинг пачавасини чиқарди-да.

— Миянгизга келган нарсани қаранг-а! Сизни ҳеч ким ишдан ҳайдаб юбораётгани йўқ-ку! Қўйнинг бу бўлмағур хаёлларни. Юринг, ётинг!

— Ўн тўрт йил бекорга кетди-да...

— Ҳой, гапимга ишонинг. Ҳеч нарса бўлгани йўқ. Ҳеч нарса бўлмайди ҳам. Юринг, ётинг, деяпман.

— Сенга жуда ҳайронман. Нега ҳеч гапга тушунмайсан? Энг катта бошлиқнинг менга икки пуллик алоқасин йўқ, жировим бош инспекторнинг қўлида, деб сенга юз марта айтяпман-ку ахир! Нега яна гапирасан?

Трилўкийнинг кўз ўнгида бош инспектор намоён бўлиб, у яна гапида давом этди:

— Кунтў, сен бир нарсани яхшилаб тушуниб ол. Идорада эртаю кеч қиладиган ишимиз битта — ҳисобот тузиш. Шундан бошқа ишимиз йўқ. Фараз қил, катта бошлиқ менинг ҳисоботимни сўрайди. Бош инспектор бундан дарров хабар топади-ю ҳисоботимни бузиб қўяди. Кеча тушликдан қайтиб кирганимда менга қараб тиржайиб қўювди-я! Шундан ҳам билса бўлади ҳамма сезганини. Ниҳоятда ифлос, ичи қора

одам. Менинг маълумотим уникидан юқорироқ. Шунинг учун ўзи илгаридан мен билан чиқишолмай юради. Бунақа одам ҳар қанақа муттаҳамлик қилишдан тоймайди.

— Бўпти, бўпти энди. Юринг, уйга кириг. Бўлганича бўлар. Тонг отай деб қолди-ку, ҳали кўз юмганингиз йўқ. Юра қолинг.

Трилўкий хотинини итариб юборди.

— Сен одамни бирпас ўз ҳолига қўясанми, йўқми?— деди тутақиб.

Қунтў довдираб қолди. Аммо бир зумда ўзини қўлга олди-да, эрини қучоқлаб, узр сўраган киши бўлиб деди:

— Ҳа энди, оғзимга келганини гапириб юбордим-да. Юра қолинг уйга. Ҳеч бўлмаса бир-икки соат мизғиб олинг. Жуда эзилиб кетдингиз-ку.

— Ўз ҳолимга қўй, деяпман сенга,— деди у хотинининг қучоғидан чиқишга ҳаракат қилиб.— Бу сенга ҳазил гапми ахир?

Бирпасдан кейин Трилўкий уйга кириб, хўрсина-хўрсина ўрнига чўзилди.

\* \* \*

Осмон аллақачон қизғиш тусга кирган, муздаккина шабада эсиб турибди.

Трилўкий жаноб Қҳаннинг саройга ўхшаган данғиллама уйи олдида турибди. У уй томонга қараб-қараб қўяди. Ичкарига киришини ҳам, кирмаслигини ҳам билмайди. Шу алпозда бир неча минут турди. Бир маҳал бировнинг йўталгани эшитилиб, уйдан жаноб Қҳанна чиқиб келди. Эгнида эрталаб сайр қилганда кийиладиган кийим.

— Ие, Трилўкий! Анчадан бери турибсизми? Қани, ичкарига марҳамат. Сиздан уятга қолдим. Шошилинич ишлар билан бўлиб, тавсияни ёзишга қўл тегмади. Лекин шу бугундан қолдирмай ёзиб бераман.

Трилўкийнинг елкасидан тоғ ағдарилгандай бўлди.

— Йўқ, йўқ, жаноб Қҳанна. Овора бўлманг... Мен... ўзи.... шундоқ ҳам бу йил кўтарилсам керак... Ахир ишлаётганимга анча йил бўлиб қолди, тақсир.

Жаноб Қҳанна оддий хизматчининг, тавсиянгиз керакмас, деганини эшитиб, ҳанг-манг бўлиб қолди. Бир томондан, бу гап унга қаттиқ ботди, иккинчи то-

мондан, анча енгил тортди. Чунки жаноб Қҳанна ҳис-лари жўш уриб кетган пайтда ўйламай-нетмай ваъда бериб юборган эди. Бу мушкул ишни бажаришдан уни Трилўкийнинг ўзи халос этди.

— Менимча, ҳар қандоқ ҳолатда ҳам тавсиянинг сизга зарари тегмасди. Лекин идорангиздаги аҳвол албатта ўзингизга яхшироқ маълум. Ҳай, майли, керакмас бўлса, керакмас-да.

Трилўкий қушдек енгил тортиб, ишига жўнади. Ҳадемай ишхонанинг баланд-баланд гумбазлари кўзга ташланди. Велосипед миниб олган хизматчилар кўчани тўлдириб ишга шошиларди. Уларни кўрдию Трилўкийнинг оёғи яна зилдай оғир тортди, ичини яна ҳар хил шубҳали ўй-хаёллар кемира бошлади.

---

## СУҲБАТ

ҲИКОЯ

Сабзавот ва мевалардан салат тайёрлашнинг ҳеч қийин жойи йўқ. Кечгача ўтира тураман, десангиз, хизматкорга буюраман, сизга атайлаб қилиб кўрсатади. Бўптими? Ҳа, ана, бу бошқа гап. Шу денг, эрим ҳам фақат шу салатни яхши кўради. Қачон уйга меҳмон келадиган бўлса, хизматкор шу салатдан қилсин, деб туради. Жаггани-ку қўяверасиз. Бунақа салатни жуда бопларди, одам еб тўймасди. Биронта сири бор эди, шекилли. Бўлмаса салат қилаётганида разм солиб тураман, бошқалар қандоқ қилса, у ҳам ўшандоқ қилади: ўша кўк, ўша мевалар, пиёз, зиравор ҳам ўша-ўша. Лекин тайёр бўлганда еб кўрсангиз, мазаси оғзингизда қолади. Шунинг учун, ҳойнаҳой биронта сирини билса керак, дейман.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, ҳозир бир ойда роп-па-роса уч банка тоза ёғ кетади. Хизматкорларга бўлса маргарин оламиз. Ўзингиздан қолар гап йўқ, хизматкор зотини яхши биласиз: хўжайинларга маргаринда овқат қилиб бериб, ўзига тоза ёғда қилади. Э-э, нимасини айтай, ўргилай? Шундоқ замон келдики, бировга сира ҳам ишониб бўлмайди. Ҳамма ёқни қулф-калит қилиб қўяй десам, одамнинг қўли бормайди. Кел, ейверсин, қорнига сиққанича есин, дейман. Менга саломатлик бўлса бас, қолгани топилади. Соғлиқ турганда қулф-калит қилиш юракка сиғадими? Иннайкейин ҳамма ёқни бекитиб ташлагандан нима фойда? Узоққа борманг, мана ҳозирги хизматкоримиз Матҳрани олинг. Бир кун атайлаб қараб турдим: эрталаб ҳам паққосига етти нон туширди, кечқурун ҳам. У киши нонушта ва кечқурунги овқатдан ташқари яна икки маҳал чой ичадилар. Бунисига ўласизми, қуясизми? Чойни ичганда ҳам шундоқ қуруққина



ичмайдилар. Албатта ёнида ширинлик бўлиши керак. Хўш, қандоқ қилай? Кетиб қолмаганига шукур, деб чидайман. Бошқа яна нима келарди кўлимдан? Ҳалиги гапимни яна қайтараман: ҳозир хизматкор зотига тариқча ишониб бўлмайди. Ёнинг десангиз, мен кетаман, ҳисоб-китоб қилинг, деб туради.

Булар ҳам «Итнинг олдига суяк ташлаб ўргатсанг, вовилламай кўяди» дейдилар. Ишга олганимизда етмиш рупия маошга байлашган эдик. Мана энди ойига юз рупия тўлаб ўтирибмиз. Яна ҳеч миннатдор бўлмайди. Жагга бутунлай бошқача эди. Ҳеч нарса тама қилмасди. Шу уйнинг одамидек бўлиб қолган эди. Бу кишини-ку худди ўзининг отасидай кўрарди. Бир нарса айтдингми, оғзингдан чиқмасдан бажо келтирарди. Ҳеч бир гапни икки қилмасди. Э-э, нимасини айтасиз? Ўзимизга ишонгандай ишонардик унга. Булар ҳам унинг ҳурматини жуда ўрнига кўярдилар. Бир яқин одамга муомала қилгандек ардоқлардилар. Қачон пул-мул керак деб қолса, эллик рупиями, юз рупиями, шартта ёнларидан чиқариб берардилар. Тилхат-пилхат ҳам олиб ўтирмасдилар. Шу даражада ишончли эди Жагга.

Бир кунни Жагга янги уйланиб, ёшгина хотинини уйимизга бошлаб келди. Шунда биз уларга бир жуфт кўйлак-иштон, иссиқ костюм қилиб бердик. Кийимларни атайлаб ўшаларга тиктирдик.

— Ҳой, намунча пулни кўкка совурасиз? — дедим жаҳлим чиқиб буларга.— Хизматкор нима қилганда ҳам хизматкор-да. Бошқа биров, беш рупия ортиқроқ бераман, деса, кетади-қолади. Сиз чапак чалиб қолаверасиз,— дедим.

Бу киши нима дейдилар денг: «Сен, хотин, ўз ишингни бил. Беш-ўн пақир сув олган билан қудуқнинг суви қуриб қолмайди. Жагга бизга қандоқ меҳрибон! Худди ёш болага қарагандек қарайди. Қилган овқатини-ку еган саринг егинг келади. Бунақа пазанда бутун шаҳарда битта. Хўш, ўзинг инсоф билан айт: бу шунча яхшилик қилса, мен шунни ҳам қилмайми энди?» дейдилар.

Жаггани шу уйга бошлаб келганлари худди кечагидай эсимда. Ушанда эшикдан кирдилар-да, менга қараб айтдилар: «Мана, Сумитра, сенга хизматкор олиб келдим. Бундан ҳеч нарсани аяма. Чой деса, чой бер. Ёнига ширинлик ҳам кўшиб бер. Бир-

икки кило кўпроқ ширинлик кетса, кетар. Фойда қилсанг қиласанки, зарар қилмайсан. Шундоқ қилсанг, бу бизга маҳкам ёпишиб олади. Ула-ўлгунча содиқ хизмат қилади» дедилар.

Бундоқ қарасам, остонада бир бола турибди. Кўзлари жовдир-жовдир қилади. Худди тузоққа тушган кийикка ўхшайди. Хуллас, ҳамма нарса бу киши айтгандек бўлди. Жагга бизга қаттиқ боғланиб қолди. Унда ҳали ёш бола эди. Балки шунинг учун бизга тез ўрганиб қолгандир. Ёши улғайиб қолган хизматкор бир жойда кўп туrolмайди. Боланинг йўли бошқа. Бола гўё навниҳол. Қаёққа эгсангиз, эгилаверади. Ҳозир одам ҳайвонни ҳам ўргатяпти-ку. Одам бола-си нима деган нарса? Болани ўргатишнинг жуда йўллари кўп.

Кучугимиз Жекки эсингиздами? Наҳотки эсингизда бўлмаса?! Эсдан чиқариб юборибсиз-да. Уша кучугимизни бир танишимиздан олувдик. Аввалига ким кўрганга акиллайвериб, жуда одамни безор қилди. Йўқ, кейин бу киши ўргатиб олдилар. Қаёққа борсалар кетларидан боради. Буларга шундоқ қаттиқ ўрганиб қолдики, кўриб ёқангизни ушлайсиз. Кеч бўлди дегунча қулогини диккайтириб эшикнинг олдига ўтириб олади. Кўчадан ўтадиган машинанинг-ку сонсаноғи йўқ. Лекин Жекки хўжайиннинг машинасини овозидан танирди. Машина ҳали кўчамизга кирмасданоқ сезиб, ўзини эшикка отарди. Мана шундоқ қилиб бир куни ғилдиракнинг тагига кириб кетди...

Манави зирагингизни кимга буюрувдингиз? Қурғур бирам бежиримки!.. Қанча тураркан? Йўғ-ей? Асл бриллиантми? Э-э, ҳозир буларнинг ёнига йўлаб бўлмайди. Нархи чақаман дейди. Яқинда денг, бир булоқи олдим. Зиғирдаккина бриллиант кўзи бор. Ушани қанчага олдингиз, денг. Етти юз рупияга олдим. Етти юз-а! Ҳазил гапми? Олишга олиб қўйдиму, энди тақишга юрагим йўқ. Жагга борида тақинчоқларим турадиган қутичани очиқ-сочиқ ташлаб кетаверардим, биронта нарсам йўқолмасди. Мен ўзи шунақаман — эсим ўлгур йўқ. Бўйнимдаги тилла занжирим ҳам ҳали чўмилган жойимда қолиб кетади, ҳали столнинг устида. Шунақа пайтларда Жагга дарров «мана» деб опкелиб берарди. Ҳозирги хизматкорлар-чи? Буларга ҳеч ишонч йўқ. Шунинг учун бутун зебу зийнатларимни банкка қўйдириб қўйдим.

Матҳрадан олдин бошқа бир хизматкорим бор эди. Оти Манса эди. Кўринишидан жуда вазмингина одам эди. Индамай юрарди. Худди соқов дердингиз. Мана ўша Мансадан келган ишни қаранг. Бир куни уйга орқа кўчадан келаётган эдим. Бир маҳал қарасам, Манса томнинг устида турибди-да, пастдаги шеригига кийим-бошимизни ташляпти. Мени кўрдию жон ҳолатда томдан сакраб, қочиб қолди. Шериги ҳам тирақайлаб қочди. Ана сизга хизматкор! Э-э, қандоқ кунларга қолдик ўзи... Уйингда хизматкор бўлса, ундан бир минут кўз узмаслигинг керак. Салгина анқайсанг бўлди, бир нарсангни гумдон қилади. Буларнинг дастидан остона хатлаб кўчага чиқиб бўлмайди. Кўз очиб юмгунча уйингни шипшийдан қилади. Жагга бориди мен бунақа нарсаларни хаёлимга ҳам келтирмасдим. Шу даражада ҳалол эди шўрлик...

Ҳой, сиз нега ҳеч нарса емай ўтирибсиз? Олсангиз-чи. Бемалол уни-буни олиб ўтиринг. Ё иссиқ чой дамлаб келсинми? Бу совиб бўлгандир. Манави печенъедан олиб кўринг. Қани, олинг! Олинг! Бозордан олувдим, лекин мазаси тузук экан. Печенъе қилишни Камла қизимнинг қайнонасига чиқарган-да. Печенъега қўшмаган нарсаси йўқ. Ванилин ҳам қўшади, ёнғоқ ҳам, шоколад ҳам... Лекин барибир дўконникидан арзон тушади. Дўкондан килосини ўн саккиз рупиядан оласиз. Камланинг қайнонаси қилганда ҳеч беш рупиядан ошмайди. Жагга ҳам печенъени жуда бопларди. Одам еган сари егиси келарди. Ҳафтада ҳеч бўлмаганда икки марта печенъе қиларди. «Ўзинг ҳам е» деб шунча айтардим, ҳеч емасди. «Хоним, мен емайман. Бу ерда ширинликка ўрганиб қолсам, бошқа ёққа борганимда ўзимга қийин бўлади» дерди бояқиш.

Лекин Жагга бирдан шу ишни қилиб қўйди. Шундоқ бўлади, деб ҳеч ўйлаган эмасдик. Ўзига ўзи қилди. Ҳамма гапни вақтида айтганида эди, шунақа бўлмасмиди. Лекин начора, тақдир экан. Энди минг гапиринг, фойдаси йўқ. Хўжайиннинг жуда ҳурматини ўрнига қўярди бечора. Шунинг учун ҳам, айтсам бевозта бўладилар, деб индамаган. Шундоқ бўлишни ким хаёлига келтирибди, дейсиз? Хизматкорнинг ичидагини хўжайин шўрлик қаердан билсин? Буни фақат мен билардим. Лекин Жагганинг ўзи индамаяпти-ку, деб мен ҳам индамай юравердим.

Ҳай, ҳай, сал секинроқ гапиринг... Бизнинг уйимизда тушки овқатдан кейин ҳамма ётиб ухлайди. Уй сув қуйгандай жим-жит бўлади. Ҳатто қушлар ҳам чирқилламай қўяди. Бу пайтда уйнинг орқасида нима бўлади, нима қўяди — эримнинг мутлақо хабари бўлмайди. Ҳар ҳолда биринчи галда соғлиқ керак-да. Ухлайдиган пайтда ухлаш керак. Бир куни денг, тушликдан кейин ётдимۇ ҳеч уйқум келмади. Секин ўрнимдан туриб, ғулхонага қараб юрдим. Шу маҳал нимани кўрдим, денг! Биров аланг-жалаң қилиб Жагганинг ҳужраси томон кетяпти. Гапимга худо гувоҳ. Ие, кундузи Жагга ишда бўлса, бу ким бўлдийкин, деб ҳайрон бўлдим. Жагга кун бўйи эримнинг ишхонасида бўлади. Ўша ерда дастёрлик қилади. Ўйга бошқа хизматкор ола қолайлик, Жагга менинг идорамда ишлаб юраверсин, деб эрим бир неча марта айтди, лекин мен ҳеч кўнмадим.

Хуллас гап шуки, ўша пайтда Жагга уйда йўқ эди. Ким бўлдийкин, деб жуда бошим қотди. Секингина ғулхонанинг туйнугидан мўраладим. Ким экан, денг! Қайним Биккий экан. Қараб турсам, аста-секин оёғининг учида юриб бориб, Жагганинг ҳужрасига кириб кетди. Кўриб, оғзим ланг очилиб қолди. «Куппа-кундузи уникида нима қиларкин,— деб ўйладим.— Ё бирон иш-пиши бормикин? Ие, Жагга йўғида уникида нима иши бўлиши мумкин? Ростдан ҳам иши бўлса, нега ўғрига ўхшаб бекиниб киради?» Аввалига, шартта бориб, ҳой нима қилиб юрибсан, деб сўрайми ҳам дедим. Лекин энг аввало саломатлик керак. Шунини ўйлаб индамай қўя қолдим. Келиб ўрнимда ётибману хаёлим ўша ёқда. Эс-хуши бор одам ўзи турадиган уйда бунақа иш қилмайди. Агар вақти-соати етган бўлса, нега уйланмайди? Уйлансин! Хонадоннинг номини булғаб нима қилади?

Жагганинг хотинини ҳеч кўрганмисиз? Бир маънили гап чиқадиган хотин эмас. Яна бунинг устига шундоқ қоп-қораки, асти қўяверасиз. Одам олдига боргани кўрқади, қораси юқиб қолади, деб. Шундоқ қилиб денг, қайним уникига кўп қатнайдиган бўлиб қолди. Жагганинг хотини ўзи қишлоқда ўсган содда бир қиз бўлса. Бир лўттибоз атрофида гирдикапалак бўлиб турганидан кейин нима ҳам қила оларди? Боши айланган-қолган...

Ҳай, секинроқ, секинроқ... Буниси ҳолва. Эрим ну-

қул, биз аслзодамиз, деб мақтангани-мақтанган. Би-ламан қанақа аслзодалигини. Амакиси қип-қизил хо-тинбоз бўлган. Иккита ўйнаши бўлган. Холасини-ку қўяверасиз. Эски бузуқ эди. Тушки овқатдан кейин, юр, мени уқалаб қўй, деб Шанкар деган ёшгина хиз-маткорини хонасига опкириб кетарди. Ҳа, ўз кўзим билан кўрганман. Шанкар девдаккина йиғит эди.

Ойни этак билан ёлиб бўлармиди. Бир куни ҳам-маси Жаггага аён бўлиб қолди. Гап бундоқ бўлди. Уша куни эрим Жаггани термос олиб келгани уйга юбориб-ди. Термосни олдию Жагга негадир ҳужрасига қараб югуриб қолди. Худди шу пайт ичкаридан шошиб-пи-шиб қайним чиқиб қолди. Мен ҳаммасини шундоқ ой-надан кўриб турибман. Қайнимнинг эгнида қора кост-юм, бўйнида галстук. Жагга «Биккий бабу!» деганича қолди. У ғиқ этмай, ерга қараганича кетаверди. Юра-гим гуп-гуп уриб кетяпти. Ҳозир Жагга уйга кириб, киёматни бошлайди, деб турибман. Қулоғимни динг қилиб турибман, лекин ичкаридан тиқ этган товуш эшитилмайди.

Жагга уйда қай маҳалгача турганини билмайман. Хотинига бирон нарса дедими, демадим, буни ҳам билмайман. Билмаган нарсамни гапириб нима қил-дим. Яна бир пас туриб, уйга кириб кетдим. Юрагим ҳадеб ғаш бўлаверди. «Кечқурун эрим ишдан келса, албатта очиқ-ойдин гаплашаман. Ё Жагганинг жаво-бини бериб юборинг, ёки бўлмаса у хотинини қишлоқ-қа обориб, ташлаб келсин. У хотин энди бу ерда тур-масин, дейман» деб кўнглимга тугиб қўйдим.

Ётган жойимда қулоқ солиб ётибман. «Ҳозир қий-чув бошланади. Ҳозир дод-вой бўлади» деб ўйлайман. Лекин ичкаридан тиқ этган овоз чиқмайди. «Булар нега жим-жит?— деб ҳайрон бўламан.— Бу сўтак ўл-гур хотиннинг жиловини тортиб қўйишни ҳам билмай-дими, нима бало? У юзига, бу юзига икки-уч тарсаки тортиб юбормайсанми, номард! Утирасанми қараб? Қийин эканми хотиннинг ақлини киргизиб қўйиш?» дейман ичимда.

Чорпояда ётибману қўрққанымдан қорним қулдир-қулдир қилиб кетяпти. Доктор нуқул менга, кўпроқ ҳаракат қилинг, дегани-деган. Лекин ўзингиз кўриб турибсиз, шундоқ залварзин гавдамни кўтариб қандоқ қилиб юраман? Ун қадам юрсам, нафасим оғзимга ти-қилади-қолади. Доктор, ширинлик ҳам еманг, дейди.

Биламан, менга шира тўғри келмайди. Лекин қандоқ қилиб ширинликни қўлимга олганимни ўзим билмай қоламан. Бизнинг уйнимиздан ҳеч ширинлик армайди. Камида икки-уч қути ширинлик туради. Кўзингнинг олдида тургандан кейин қандоқ қилиб ўзингни тийиб турасан? Ширинлик сизга тўғри келмайди, деб доктор неча марта айтди. Хўп, докторнинг гапига кириб, шира емай қўйдим ҳам дейлик. Ҳа унда бу ёруғ дунёда яшашнинг менга нима қизиғи қолади? Тарки дунё қилган дарвешдан фарқим қолмайди-ку! Доктор ҳадеб айтаверганидан кейин бир куни жуда жаҳлим чиқиб кетди. Уни жеркиб бердим: «Доктор! Сиз ўз ишингизни билинг, — дедим. — Сизнинг ишингиз даволаш. Шира ема, кўпроқ ҳаракат қил, деб менга ўргатаверманг. Агар юришдан соғаядиган бўлсам, унда менга сизнинг нима керагингиз бор эди? Хўш? Ахир нима қилиб мен қўлингизга ҳар гал эллик рупиядан беряпман? Мен бир бойвучча хотинман. Унақа кўча-ма-кўча чопиб юрадиган хотинмасман. Бу ёғини ҳам сал ҳисобга олиб қўйинг» дедим.

Шундоқ деган эдим, доктор бирпасда ипакдай мулойим бўлди-қолди. «Сиз ўзингизни зинҳор койитманг. Ширинлик егингиз келса, хоҳлаганингизча еяверинг. Фақат егандан кейин манави доридан икки қошиққила ичиб юборсангиз бўлди, олам гулистон» деди. Ана кўрдингизми? Бирпасда ақли кирди-қолди. Мана энди ўша доридан ичиб ётибман.

Анави куни клубга бориб қолувдим. Ҳарчараннинг хотини ўша ерда мақтаниб кетса бўладими! Ҳар куни еттинадан таблетка ичаман, дейди. Мен ғиқ этмай гапини эшитиб турибман. «Мақтанаётган нарсасини қараю» дедим ичимда ғижиниб. Мана худо шоҳид, баъзан ўн беш таблетка ютган кунларим бўлади. Шунда ҳам индамай юрибман-ку. Бутун шаҳарга жар солаётганим йўқ. Бизнинг ўз докторимиз бор. Ҳар ойда нақд уч юз рупия маош тўлаб турамиз. Уйда биров касал бўладими, йўқми, бундан қатъи назар, столнинг усти дорига тўла бўлади. Йўқ дорининг ўзи йўқ: ҳар хил витамин дейсизми, тинчлантирувчи дори дейсизми, дармон дорию сурги дейсизми, ҳаммасидан топилади. Ишонмасангиз, ана кириб кўра қолинг. Қачон, қанақа дори ичишим кераклигини Жагга яхши биларди. Менинг эсимдан чиққан тақдирда ҳам, унинг эсидан чиқмасди. «Хоним манавини ичиб олинг» деб бирпасда

дори кўтариб келиб қоларди бечора. Мана энди Жагга йўқ. Бу дориларнинг қайси бири қанақа, энди ҳеч бир инсон бунинг фарқига бормади.

Вой, сиз нега ҳеч нарса емай ўтирибсиз? Олинг, тортинмасдан олиб ўтиринг... Хуллас, ўша куни кечқурун денг, эрим ишдан кела солиб Жаггани сўради. «Бир соатлардан кейин меҳмонлар келади, Жаггага айт, ўша салатдан қилиб турсин» деб менга тайинлади. Жагга келди-да, индамай ер тагидан қараб тураверди. Ранги худди мурданикига ўхшайди. «Ҳа, Жагга? Нега қовоғинг солиқ?— деб сўради эрим.— Бирон нарсдан хафамисан? Ёки қишлоқдан бирон-бир нохуш хабар олдингми? Нима гап ўзи?» деди. Жагга ғиқ этмай, худди соқовга ўхшаб турибди. Айтганда ҳам, нима деб айтарди? «Уканг мени шармандаю шармисор қилди» дермиди? Шундоқ дейишга ҳойнаҳой номус қилган. Эримнинг феълини ўзингиз яхши биласиз: биров сал ёқимсиз гап гапириб қолса, балога қолади. Удағайлаб кетади. Олдида хизматкор турибдими, бошқа одам турибдими, суриштириб ўтирмайди.

Жагга лом-мим демай қаққайиб турибди, унга сари эрим тутоқиб кетяпти. «Кўзини пириллатиб туравермай, бирор нарса деса-чи! Ҳар ҳолда сал енгил тор-тармиди» дейман ўзимча. Лекин ундан садо чиқмайди.

Эрим Жаггани сўка бошлаган эди, мен ўртага тушдим. «Меҳмонлар келай деб турибди-ку ҳали ҳеч нарса тайёр эмас. Бор; ошхонага кир» дедим мен Жаггага. У индамай ошхонага кириб кетди. Бирпасдан кейин бориб қарасам, ошхонанинг ўртасида гўдайиб турибди. «Е тавба! Бу ҳойнаҳой жинни-пинни бўлиб қолибди. Энди бундан фойда чиқмайди» деб ўйладим. «Жаггага бир бало бўлганга ўхшайди, — дедим эримга. — Индамайди. Уқрайиб-ўқрайиб қараб кўяди. Кўзидан одам кўрқиб кетади. Бир кун дам ола қолсин. Бугунчалик овқатни ресторанга буюриб кўя қолайлик» дедим.

Ғалим тугар-тугамас, эрим шартта ўрнидан турди-ю ошхонага кириб кетди. Қира солиб шўрлик Жаггани бўралаб сўка кетса бўладими! Эҳтимол Жагганининг ёнида пичоқ бордир. Шунини ўйлаб, мен бу ёқда қалт-қалт титраб турибман. Билиб бўлмайди-да. Буларнинг қўлидан ҳар бало келади. «Падарингга минг

лаънат сен ифлоснинг! Нега индамайсан? Ё гапиролмайдиган бўлиб қолдингми?» деб эрим шундоқ бақиряпти, оғзидан боди кириб шоди чиқаяпти. Эшитиб, қўрққанымдан юрагим орқамга тортиб кетяпти. Шунча йил бирга туриб, эримнинг шунақа гапларини эшитмаган эканман. «Итдан тарқаган, нега индамайсан? Тилинг кесилганми, нима бало? Сендан яхшиликча сўраяпман, гапирасанми, йўқми? Нима бўлди ўзи? Гапирсанг гапирганинг, гапирмасанг, тур жўна уйдан! Турқингни кўрмай сен ифлоснинг!» Эрим шундоқ деди-ю Жагганинг қулоғидан тортиб, ошхонадан чиқара бошлади. Мен дарров ўртага тушдим. «Ҳай, ҳай, бу нима қилганингиз? Меҳмонлар келай деб турган бўлса, ҳали ҳеч қаер йиғиштирилмаган. Хизматкорни, хўп, ҳайдашга ҳайдаб юборарсиз ҳам. Хўш, ош-овқатни ким қилади?» дедим. Кейин Жаггага қараб дедим: «Сен ҳам ошхонага кир-да, ишингга қара. Хўжайиннинг кўп жиғига тегаверма. Тушундингми?» Хуллас уни бир амаллаб кўндирдим.

Ўша кунни меҳмонларни яхшилаб кутиб олдик. Ош-овқатни Жагганинг ўзи қилди. Лекин кечгача жуда ғалати бўлиб юрди. Бир оғиз ҳам гапирмади. Аммо қилган овқатини мақтаган ҳам мақтади, мақтамаган ҳам. Меҳмонлар кетганидан кейин эрим чақириб олиб унга айтди: «Яшавор, Жагга! Шу бугундан бошлаб ойлигингга ўн рупия қўшдим. Жаноб Рой қилган салатингни роса мақтади. Баракалла!» деди.

Эримни қанақа одамлигини яхши биласиз. Бирэв салгина ёқиб қолса бўлди, мақтаб осмонга чиқариб қўяди. Гоҳ-гоҳда бақириб-чақирадию, аслида кўнглида кири йўқ.

Хуллас, меҳмонлар кетиб, ўзимиз қолдик. Эримга гапни нимадан бошлашни билмай хунобман. «Биккийни уйлантириб қўйсакмикин, а?— дедим ниҳоят секингина.— Ҳар ҳолда акаси. Буни сиз ўйламасангиз, ким ўйлайди?» У менга қараб нима дейди денг. «Уйлантириш керак, дейсанми? Ўшани-я? Ҳали қип-қизил гўдак-ку она сутти эғзидан кетмаган!» «Уйлантириб қўйсак, ҳар ҳолда санғиб юрмасди-да. Бевош буқага ўхшаб кўрганнинг охурига тумшуғини суқиб юрмасмиди, дейман-да» дедим мен. Ўзингиз кўриб турибсизки мен гапни жуда усталик билан, имо-ишора билан айтдим. Барибир эрим ҳеч кўнмади. У жуда укасига ўрганиб қолган. Нима қилганда ҳам ўзи боқиб кат-



та қилган-да. Худди ўғлидай бўлиб қолган. Қани битта-яримта унинг тўғрисида ғинг деб кўрсин-чи! Нақ эримдан кўрадиганини кўради. Шундан кейин бирпас у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирдик-да, мен яна гапни айлантириб Биккийни уйлантиришга опкелдим. Эримнинг жон-пони чиқиб кетди. «Ҳой, менга қара, шундан бошқа гап қуриб қолганми? Бировнинг охурига тумшурини тиқса нима қибди? Тиқса тиқибди-да! Мункиллаб қолган чолмиди? Ҳозир ўйнаб қолсин, уйланиш бўлса қочмайди» деса бўладими. «Гапингиз тўғри,— деб секин эътироз билдирдим.— Тўғри, мункиллаган чол эмас. Лекин ёшлик қилиб эгри йўлга кириб кетмасмикин, дейман-да. Менимча, қанча тез уйлантирсангиз, шунча яхши». «Уйлантирсак-ку бўларди-я, лекин ўқиши-чи? Ўқиши нима бўлади?— деди эрим.— Ахир шу ўқишга ўттиз минг-қирқ минг пул сарфлаб қўйибман. Уйлантирган тақдирда ҳам қалинни каттароқ берадиган жойдан уйлантираман. Ҳали бакалаврлик имтиҳонини ҳам топширгани йўқ».

Умуман олганда эркаклар жуда ҳушёр бўлади. Ҳамма гапни бирпасда тушунади-қўяди. Бор гапни имо-ишора билан айтдим. Ёшлик қилиб эгри йўлга кириб кетмасмикин, дедим. Эрим «Нима бало, бирон нарсадан хабаринг борми?» деб қолди. Кўзини олакула қилиб, шундоқ дўқ қилдики, тилимни тишлаб қолдим. Кейин, бир мавриди келганда айтарман, дедиму индамадим. Эримнинг бунчалик тез келишини қаёқдан билибман.

Эртаси куни эрталаб соат саккизларда орқадаги айвонда сочимни қуритиб ўтирувдим. Хабарингиз борми, йўқми, мен ҳозир сочимни бўйайдиган бўлганман. Шунинг учун сочимни бўяб, қурисин, деб ўтирувдим. Бу қурмағур Жагганинг хотини соч тарашга бирам устаки, асти қўяверасиз. Сочим қуриса, кейин ўшани чақирарман, деб турувдим. Янглишмасам, ўша пайтда соат саккиз, жуда нари борса саккиз ярим бўлган. Ишқилиб, почта поезди ўтишидан сал олдин. Поезд йўли шундоқ ёнимизда. Семафор ёпиқ бўлса, вагонлар ҳовлимизнинг ёнгинасида тўхтайтиди. Бирпас тўхтаб туради-да, яна юриб кетади.

Жагга ҳамма нарсани олдиндан ўйлаб қўйган экан. Энди поезднинг қораси кўринган эди, у ҳужрасидан югуриб чиқди. «Ҳой, Жагга, хотинингни бу ёққа айтиб юбор» деб бақирдим мен. У бўлса қайри-

либ ҳам қарамади. Уч-тўрт ҳатлашда орқа эшикдан чиқди-ю поезд йўлига борди-қолди. Шунинг ҳаммаси икки-уч дақиқа ичида бўлиб ўтди. Уша пайтда миям ишламай қолди. Жагга ўзи қаёққа ҳовлиқиб кетяпти, нимага кетяпти — ҳеч тушунмай қолдим. Бирон иш-пиши бўлса керак-да, деб қўя қолдим. Бундоқ бўлиши хаёлимга кебди, дейсизми? Поезд йўлига борди-ю, ер ютгандай ғойиб бўлди-қолди. Қаёққа кетди — ҳеч ақлим етмайди.

Ўқдай учиб кетаётган поезд бирдан тўхтаб қолди. Вагонлар қасир-қусур, шарақ-шуруқ қилиб, излар гирчиллаб кетди. Ушанда ҳам ҳеч нарсага фаҳмим етгани йўқ. Бу ерда нима кўп, поезднинг тўхташи кўп. Битта-яримта тормоз бериб юборгандир-да, нима бўларди, деб қўя қолдим. Бир маҳал қарасам, боғбонимиз поезд йўлига югуриб кетяпти. «Бир бало бўлди-ёв» лейди кетаётган жойида. Мен шунда ҳам пинагимни бузмабман. Офтобга тобланиб, сочимни қуришиб ўтираверибман. Шу пайт қўшнимизнинг хизматкори «Жагга ўлибди. Ўзини поезднинг тагига ташлабди» деб бақариб қолса бўладими. Шундоқ қўрқиб кетдимки, юрагим ёрилиб кетай деди. Нега бундоқ қилди — ҳеч ақлим етмайди. Ахир ҳаммамиз уни жуда яхши кўрардик-ку. Оиламизнинг бир аъзосидай, ўғлимиздай бўлиб қолган эди. Эримни ўзининг отасидек иззат-ҳурмат қиларди. Шунча яхшиликка шу экан-да раҳмат? Одам ҳам шунақа бўладими? Арзимаган бир нарсага ўзини поезднинг тагига ташлаб ўтирса-я! Ҳамма айб Жагганинг ўзида. Уша пайтда «мана шундоқ, мана шундоқ» деб бор гапни эримга айтганида шу иш бўлмасди, бунга имоним комил. Эрим бир йўлини топмай қўймасди. Эҳ-ҳе, не-не бўлмайдиган ишларни бўлдирган. Эримдака ақллиси оламда йўқ. Бир оғиз гапирсангиз, ҳаммасини тушуниб олади.

Уша кунни жуда эзилиб кетдик. Худо ҳеч кимнинг бошига бундай кунни солмасин. Бир минут ҳам тинчлик бўлмади: ҳали телефон жиринглайди, ҳали терговчи келади. Терговчи ҳар келганда эримни сўроқ қилади. Жагганинг уйидаги ҳар битта нарсани биттама-битта текшириб чиқди. Жагганинг хотини Суристон хушидан кетиб ётибди. Шўрлик бирпасгина ўзига келиб, кўзини очадию, дод деб, яна хушидан кетади. Суристонни кўриб, терговчининг кўзлари чақнаб кетди. Шундоқ етилиб турган хотинни кўр-

ганда ҳар қандоқ эркакнинг ҳам кўзлари оч бўриникидай ёниб кетади. Менинг соғлигим ўзимга керак, шунинг учун қимир этмай ўринда ётибман. Бир-икки марта, Суристоннинг ҳолидан хабар олиб келай, деб ўрнимдан қўзғалдим ҳам, лекин эрим юбормади. «Бу жиноий иш, — деди у менга. — Нарироқ юртан маъкул. Тергов тамом бўлмагунча остона хатлаб ташқарига чиқа кўрма». Эрим жуда кўпни кўрган. Ҳар ҳолда нима қилиш кераклигини мендан яхши билади. «Жаганинг ўзи кейинги кунларда хомуш, камгап бўлиб қолган эди. Хатти-ҳаракатлари ҳам жуда ғалати эди» деди эрим тергов пайтида. «Эр-хотиннинг муносабати қандоқ эди?» деб сўраган эди терговчи, эрим «Бу тўғрида ҳеч нарсадан хабарим йўқ. Мен хўжайин бўлсам, хизматкорнинг уйидаги гапни қаёқдан биламан» деб туриб олди. Терговдан кейин бир минутгина менинг олдимга чиқувди, мен дарров шивирлаб айтдим: «Вақт ғаниматда Биккийни кўздан узоқроққа жўнатиб юборинг. Сизнинг-ку ҳеч балодан хабарингиз йўқ. Лекин қўни-қўшнилари ҳаммасини кўрган, ҳамма гапдан хабардор. Худо кўрсатмасин, биронтаси яна шартта тегишли жойга бориб айтиб қўйса, ишнинг пачаваси чиқади» дедим. Лекин эрим бунга кўнмади. Менимча айтганимни қилмай жуда тўғри иш қилдилар. Биккийни у ёқ-бу ёққа жўнатиб юборганида биттаси бўлма-са, биттаси ахир сезиб қоларди. Биккий бирдан ғойиб бўлиб қолса, полиция ҳам дарров шубҳаланарди...

Ҳой, ўртоқжон, олсангиз-чи. Яна битта бўлак олинг. Нега бунақа ҳеч нарса емай ўтирибсиз? Парҳездаман, дейсизми? Парҳез қилишнинг сизга ҳеч ҳожати йўқ. Кўнглингиз тусаган нарсани бемалол ейверинг. Лекин жуда менга ўхшаб семириб кетманг. Ортиқча семиришнинг ҳеч фойдаси йўқ экан... Сиз билан у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтириб, одам анча енгил тортди. Мана шунақа тез-тез кириб турунг. Ўз уйингиздай, ҳеч тортинмай келаверинг. Уйингиз ҳам унчалик узоқ эмас-ку. Агар бир оғиз айтиб қўйсангиз, машина юбораман, опкелади. Ҳеч қийин жойи йўқ. Битта ўзим уззукун зеркиб ўтираман. Эрингиз бор-ку, дейсизми? Вой, эрим кечқурун шундоқ ишдан келиб, наридан-бери овқатини ейдию бриж ўйнагани чиқиб кетади. Улар бир карта ўйнашга тушиб кетса тамом, уч-тўрт соат ҳеч нарса эмас. Бир хил эркак хотинларга ўч бўлар-

кан, бир хили картага. Мана шу уйга келганимга шунча йил бўпти, эрим ҳали бирон кун шу ўйинни канда қилгани йўқ. Қоронғи тушди дегунча уйдан чиқади-кетади... Мана кўрдингизми? Кулолмайман ҳам. Дарров нафасим оғзимга тиқилиб қолади. Шу денг, доим кўкрагим хир-хир қилиб туради, бир нарса тиқилиб турганга ўхшайди. «Сиз унақа ҳадеб карта ўйнагунча, соғлиғингизни ўйласангиз-чи» дейман эримга қараб. У киши менга нима дейди денг: «Шу ўйин орқасида, ҳар қандоқ иш бўлса, дўндириб ташлайман,— дейди.— Мана Жагганинг ишини олиб кўр. Бирпасда босди-босди қилиб ташладик. Энди ўзинг ўйлаб кўр. Агар полиция бошлиғи карта ўйинида менга шерик бўлмаганда, иш шунчалик осон кўчармиди?» «Ҳамма гапингиз тўғри,— дейман.— Эркак киши ўзи шунақа бўлиши керак, ҳамма ишни бир зумда бошлаб ташлаши керак. Эркаклар бўлмаса, бизнинг ҳолимиз вой бўларди!» дейман. Шунақа... Э-э, ўша куни биз кўрган азобни сиз сўраманг, мен гапирмай. Боя сизга айгдим-ку эримнинг кундузи ухлашини. Лекин ҳалиги чоп-чопда ухлаб бўладими? Энди ётсангиз, телефон жиринглайди. Энди ётсангиз, полиция келади. Бу ёқда қўни-қўшни кириб-чиқиб турибди. Худога минг мўрта шукурки, эртасигаёқ ҳаммаси босди-босди бўлиб кетди. Ушандан кейин ҳеч ким бизнинг тинчимизни бузмади.

Жагганинг иши тинчиб кетгандан кейин бир куни, Биккий ҳақида нимаики билсам, ҳаммасини эримга гапириб бердим. Аммо эримнинг гапини эшитиб ҳангманг бўлиб қолдим. У нима деди денг: «Мен бу гапни бошиданоқ билардим. Ешликда ҳаммамиз ҳам аҳмоқлик қиламиз. Биккий ҳам бир аҳмоқлик қилиб қўйибди-да» деди. «Билган экансиз, ахир бир оғиз гапириб, бу йўлдан қайтарсангиз бўлмасмиди?» десам, «Ҳа бузуқ хотинларга ўралашибдими? Битта-яримта ёмон касал ортириб келибдими? Нима қилибди? Бўлар иш бўлди. Энди бу ёғига сал ўйлаб иш қиладиган бўлади» дейди. «Ахир ўйлаб кўринг. Қандоқ хунук иш бўлди. Агар Биккий шундоқ қилмаганида Жагга ўзини поезднинг тагига ташламаган бўларди, ахир!» дедим. «Хўш, сенингча, мен укамни ўз қўлим билан қаматишим керакмиди? А?» деди эрим жаҳли чиқиб. «Ахир у жиноят қилди-ку» дедим мен. Эримнинг жони чиқиб, кўзлари ола-кула бўлиб, менга қараб вағиллаб

кетди: «Ҳа, укамни ўзим турмага тикишим қолувди! Шундоқ қил демоқчимисан?» Бирпас жим туриб, кейин айтди: Энг аввало гап шуки. Биккий унинг олдига борганми ё у Биккийни чақирганми, буниси бизга қоронғи. «Қарс икки қўлдан чиқади» деган гап бор. Бунақа масалада айб ҳар доим хотин кишида бўлади. Хотин кишининг ўзи мойиллик билдириб турганидан кейин эркакка нима? Кетаверади-да. Хотин киши битта қошини қоқиб қўйса бўлди, эркак эс-ҳушини йўқотиб, қип-қизил жинни бўлади-қўяди. Хўш, ўша хотин Биккийга кўз қисмаган, дейсанми? Шундоқ деб айта оласанми? Мен ҳеч ҳам ундай деёлмайман. Лекин комил ишонч билан шунни айтишим мумкинки, унинг ўзи мойил бўлган. Биккий уникига борган. Бу кундай равшан нарса. Ўзинг бундоқ ўйлаб кўр: таълим-тарбия кўрган бир одам ҳеч нарсадан-ҳеч нарса йўқ қандай қилиб бировнинг уйига бостириб киради? Ахир шундоқ бўлиши мумкинми ҳеч замонда? Эринг ишга кетган экан, уйда битта ўзинг қолган экансан, эшикчи занжирлаб ўтир кўмилиб, агар мойил бўлмасанг! У эшикчи бекитмабди. Хўш бунга нима дейсан? Демак, кимнидир кутган. Ахир ўзинг айт: ким унга «Ундоқ қилма, бундоқ қил» деб хўжайинлик қилади?»

Хуллас, эрим ҳамма ишни тинчитди. Худо шундоқ ақл-идрок ато қилганки, бир иш қилса, жуда бекаму кўст, пишиқ-пухта қилади. Бу кишини унча-мунча дўқ қилиб қўрқитиб бўлмайди Бунақа ишларни кўравериб жуда пишиқиб кетган. Буларнинг ўрнида бошқа одам бўлса, юраги ёрилиб ўларди. Бу киши пинагини ҳам бузгани йўқ. Жагга ўлганидан кейин қишлоқдан ўқаси келди. Жуда дод-вой қилиб, ҳамма ёқни бузиб юборди. Эрим шартта иккита юзталикни чиқариб, қўлига тутқазди. Ундан кейин Жагганинг қайнатаси келди. Унга ҳам худди шундоқ қилди. «Ҳой, бу иш тинчиб кетган бўлса, нима қилиб шунча пулни совуряпсиз?» деб койидим. У киши нима дейди денг. «Жагга ўн йил хизматимизни қилди. Буни эсдан чиқариб бўладими ахир? Кейин қолаверса, гап-сўзни кўпайтириб нима қиласан? Унча-мунча пул кетса кетар. Ҳеч қаеримиз камаймайди. Лекин буларнинг дами ичида бўлади» деди. Бу киши барака топгур ҳамманинг ғамини еб юради. Ҳаммага яхшилик қилсам, ёрдам берсам, дейди...

Барака топинг, шундоқ ёнингизда турган қўнғи-

роқчани чалиб юборинг. Кўрдик, ҳамма ёқ қоп-қоронғи бўлиб кетди. Шунда ҳам чироқни ёқиб қўйиш бу ер ютқурларнинг хаёлига келмайди. Ҳаммасининг қулоғи том битган. Беш-олти марта қўнғироқ чалгандан кейингина аранг эшитади...

Кетишдан олдин уни-буни еб олсангиз бўларди. Эримнинг келишини сўраяпсизми? Эй, у кишини ўйламанг, доим қорнини тўйғазиб келади. Қун бўйи битта ўзим шу тўрт деворнинг ичида зерикиб ўламан... Ҳай, ҳай, ўртоқжон! Бу нима қилганингиз? Йўқ, йўқ! Озгина еб-ичмагунингизча ҳеч қаёққа кетмайсиз. Олинг. Шунчалик мени йўқлаб келибсиз, катта раҳмат. Бугун сиз билан гаплашиб, одам анча ёзилди. Гаплашай, десам, бу уйда одам йўқ, ўргилай. Шунақа келиб туринг, гаплашиб ўтирамыз. Арзимаган бир нарсадан гап бошлаган эдик, қарабсизки, ҳамма сир-синоатни сизга гапириб берибман... Йўқ, йўқ, ўртоқжон! Бу гапни қўйинг. Шу салатдан татиб кўрмасангиз ҳеч қаёққа юбормайман!..

## МУАЛЛИФ ВА УНИНГ АСАРЛАРИ ҲАҚИДА

Ҳинд адабиётининг таниқли ёзувчиси Бҳишам Саҳний адабий майдонда 40-йилларнинг бошларидан кўрина бошлади. Бу бутун ҳинд адабиётида танқидий реализм ўз мавқеини мустаҳкамлаётган пайт эди. Шу даврга келиб миллий озодлик ҳаракатининг юксалиши, ҳинд меҳнаткашларининг бу ҳаракатда оммавий ва уюшган ҳолда қатнашуви ҳинд ёзувчиларига мамлакатда юз бераётган тарихий жараёни бутун тарафлиги билан тушунишга имкон берди.

Бҳишам Саҳний Ҳиндистон мустақилликка эришуви арафасида адабиётга кириб келган ёзувчилар авлодига мансуб. Уларнинг олдида иккита йўлдан бирини танлашдек ниҳоятда муҳим масала турарди — ё руҳий тушкунликка берилиб ҳаётдан норозиликни ифодалаш ёки ўша пайтда кенг тарқалган шу модернистик оқимлар таъсирига берилмай ижтимоий тараққиётга гов бўлаётган кучларни аёвсиз қош қилиш керак эди. Б. Саҳний иккинчи йўлни танлади. Меҳнаткашдан чиққан Бҳишам Саҳний асарларида оддий ҳинд кишиларининг ҳаётини, уларнинг оғир қисмати, орзу-ҳавасию ғам-ташвишларини ифодалади.

Бҳишам Саҳний 1915 йилда Равалпинди шаҳрида туғилди. Лахўр шаҳрида коллежни битириб, яна Равалпиндида қайтиб келди-да, шу ерда кичик бир хизматчи бўлиб ишлай бошлади. Бу ерда бўлажак ёзувчи деҳқонлар, шаҳарлик камбағаллар, қуйи табақа вакиллари, майда буржуа зиёлиларининг аячкли ҳаётини кўрди ва ўрганди. Ҳиндистоннинг иккига бўлиниши арафасида диний адоват туфайли содир бўлган қирғинларда минглаб оддий кишилар беғуноҳ ўлганлигининг шоҳиди бўлди. Коммунистларнинг мамлакатдаги ҳақиқий аҳволини рўйирост кўрсатиб, халқ кўзини очишга ҳаракат қилаётганларига амин бўлди. Б. Саҳний халқига ёрдам бериш учун қўлига қалам олди, «Мовий кўзлар» номли биринчи ҳикояси 1940 йилда Равалпиндида босилиб чиқди.

1947 йилда Ҳиндистоннинг бўлиниш пайтида инглиз мустамлакачилари уюштирган ҳинду-мусулмон тўқнашувлари сабабли Б. Саҳний туғилиб ўсган шаҳрини ташлаб кетишга мажбур бўлади. У Бомбайда турадиган акаси — таниқли прогрессив кинорежиссёр ва актёр Балраж Саҳнийнинг олдига кетади. Орадан кўп ўтмай Бҳишам Саҳний Деҳли университетидеда инглиз адабиётидан дарс бера бошлайди ва пойтахт адабий муҳитига фаол киришиб кетади. У ҳиндий тилида чиқадиган «Янги ҳикоялар» деган адабий журналга бошчилик қилади. 1975 йил май ойида Б. Саҳний Ҳиндистон тараққийпарвар ёзувчилари Миллий федерациясининг бош секретари қилиб сайланади. У Осиё ва Африка ёзувчиларининг бирдамлик ҳаракатида актив иштирок этади.

Ҳиндистон адабиётларида рўй бераётган ўзгаришлар ҳақида Б. Саҳний бундай деб ёзади: «Сўнгги бир неча йил ичида ёзувчиларнинг дунёқаршида ўзгариш юз берди. Ҳаётга бўлган сурбетларча скептик муносабат энди бир умрга орқада қолди. Бир маҳаллар ёзувчиларимиз орасида ҳукм сурган ҳаётга бундай қараш уларни долзарб масалалардан чалғитарди... Ҳозир эса ҳамма нарса бутунлай бошқача. Руҳнинг безовталлиги пайдо бўлди. Энди ёзувчиларимиз ҳаётга, халқимиз олдида турган муаммоларга эътибор берадиган бўлиб қолди».

Бҳишам Саҳний жаҳон, рус ва совет адабиётини чуқур ўр-

ганади. У Л. Толстойнинг «Тирилиш» романини, Ч. Айтматовнинг «Биринчи ўқитувчи» повестини ва бир қатор бошқа асарларни ҳиндий тилига таржима қилади.

Ёзувчи яратган асарлар унинг катта санъаткор, етук ижодкор эканидан далolat беради. Б. Саҳний 1975 йилда «Зулмат» романи учун Ҳиндистон Адабий Академиясининг мукофотига сазовор бўлди.

Б. Саҳний ижодининг асосий мавзун — оддий кишилар қисмати.

Ушбу тўпلامга Б. Саҳнийнинг «Даричалар» повести ва «Тавсиянома», «Сухбат» ҳикоялари киртилган, холос.

Муаллиф «Даричалар» повестида ҳинд халқини неча замонлардан бери изтиробга солиб келаётган тоифа масаласига яна муурожаат қилади. Паст табақага мансублиги учун таҳқирлаш Ҳиндистонда қонунан ман қилинган бўлишига қарамай ҳамон унинг таъсири ҳинд жамиятида ниҳоятда кучли. Бу хурофот паст табақа кишининг ҳаётини, унинг порлоқ ва эзгу интилишларини кишанлаб қўяди. Повестнинг бош қаҳрамони хизматкор бола Тулсий энг паст табақа — дахлсизлар табақасига мансуб. У хўжайиннинг болалари билан бирга ўсади, бирга ўйнайди, уйда бирга ўқийди. Уларнинг муносабати қанчалик яқин бўлиб кўринмасин, аслида Тулсий билан хўжайиннинг болалари ўртагида кўзга кўринмас тўсиқ туради.

Б. Саҳний бу асари орқали тоифалашнинг зарарли, аҳмоқона бир нарсалигини, ҳинд халқи бу тўсиқни албатта бартараф этиши лозимлигини кўрсатмоқчи бўлади.

Б. Саҳний учун масаланинг катта-кичиги йўқ. Уни Ҳиндистон мустамлака зулмидан озод бўлгандан кейин ҳам жамият ҳаётидан изи йўқолмаган ижтимоий муносабатларнинг баъзи бир шакллари ташвишга солади.

«Тавсиянома» ҳикоясида ўзидан юқори мавқедаги одам олдидаги қўрқув ҳиссини тасвирлайди. Ёзувчи бу ҳикояда оддий, ҳалол бир меҳнаткашнинг иш жойини, яъни тириклик манбаини йўқотиб қўйишдан мудом қўрқишини, шу қўрқув билан боғлиқ унинг ташвишини кўрсатиб беради.

«Сухбат» ҳикоясида Б. Саҳний бойлар руҳнётини жуда яхши билишини кўрсатади. Уларнинг зolimлиги, худбин, шафқатсизлиги ва меҳнат кишининг тақдири, ғам-аламига мутлақо бефарқ қарашини тасвирлайди. Жамият тараққийпарвар кучларининг ҳозирги Ҳиндистонда реакцияга қарши кураш олиб бораётган шароитда бундай асарлар алоҳида аҳамият касб этади. Б. Саҳнийнинг бир қарашда бировнинг ҳаётдан тасодифан оллинган айрим-айрим эпизодларни тасвирловчи ушбу асарларнинг тагида чуқур ижтимоий маъно ётади.

О. С. ПОЛИНОВА,  
филология фанлари кандидати